

Раҳматилла  
ШЕРАЛИЕВ

# МЕҲР

## МАНЗИЛЛАРИ









Раҳматилла  
ШЕРАЛИЕВ

# МЕҲР МАНЗИЛЛАРИ



“NURAFSHON-KITOB-  
ТА’MINOT”

Тошкент  
2022

УЎК: 821.512.133-94

КБК: 83.3(5Ў)

Ш - 47

**Шералиев, Раҳматилла**

Меҳр манзиллари: Раҳматилла Шералиев. – Тошкент: «Nurafshon-kitob-ta'minot», 2022. – 176 б.

ISBN 978-9943-7586-6-7

Қўлингиздаги китоб инсон онги ва тафаккурини бойитишга ҳисса қўшган, қўшиб келаётган замондошлар ҳақида. Улар орасида муаллифнинг ўзи ҳам бор. Китобни ўқиб, муаллиф ўзи ҳақида ёзибди, деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Таниқли маънавиятчи, моҳир журналист, маҳалла жонкуяри Раҳматилла Шералиевнинг ўз ёзиш услуби бор. Бу услуб мантиққа, самимиятга, бадииятга асосланган. Муаллиф шу тариқа ўқувчини қаҳрамонларига ошно қилиб кўяди. Журналистнинг маҳорати айнан мана шунда.

Ўйлаймизки, китоб сиз, зукко ўқувчиларга манзур бўлади.

*Ушбу китоб Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти бўлими ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-7586-6-7

© Раҳматилла Шералиев, «Меҳр манзиллари», «Nurafshon-kitob-ta'minot» 2022 й.

## МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА ГУРУНГЛАР



Назаримда, бу китоб анча йиллар аввал ёзилиши керак эди. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам журналист Раҳматилла Шералиев ўз ижод намуналарини китобхонларга тортиқ қилишга жазм қилибди. Буни табриклаш лозим.

Биз Раҳматилла билан Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг журналистика факультетида бирга ўқиганмиз. У даргоҳни тугатганларнинг барчаси ҳам журналист бўлавермайди. Журналист дипломи билан бу соҳада ишламаётганлар ҳам анчагина. Бошқа ишнинг бошини тутганлар ҳам жамиятга наф келтирмоқдалар.

Ҳаёт мураккаб. Курсдошим турли йилларда қатор лавозимларда садоқат билан меҳнат қилди. Лекин ҳеч қачон ўз касбини унутмади. Шундай бўлсада, мен уни кўпроқ маънавиятчи сифатида биламан. Меҳнат фаолияти ҳам айнан маънавий-маърифий ишлар билан чамбарчас боғлиқ. Маънавият ва маърифат марказининг республика бошқарувида, марказнинг пойтахт вилояти бўлимида меҳнат қилди. Тошкент вилояти ҳокимлигида ишлаган кезларида ҳам айти шу соҳага бош-қош бўлди.

Кўлингиздаги китоб маънавиятга оид, маънавиятчилар ҳаёти ҳақида. Муаллиф уларни қадри баланд одамлар, деб эъзозлайди.

Мен бевосита маънавият тизимида ишлаган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Турсуной Содиқова, Шарифа Салимова, марказнинг куйи бўғинларида меҳнат қилган пойариқлик Жибак Аҳадова, бекободлик Нурали Жалилов ҳақидаги мақолаларни мароқ билан ўқидим.

Китоб қаҳрамонларининг барчаси инсон онги ва тафаккурини бойитиш ишига ҳисса қўшиб келаётган инсонлар. Улар орасида муаллифнинг ўзи ҳам бор. Китобни ўқиб, муаллиф ўзи ҳақида ёзибди, деган хулосага ҳам келиш мумкин. Ёзганларининг ҳар бирида ўзи ҳақида маълумотлар, қизиқарли воқеалар бор. Китобни варақлаган синчков ўқувчи муаллифнинг ҳаёт йўлини аниқ кўриши ва тасаввур қилиши шубҳасиздир.

Таниқли маънавиятчи ва журналист ҳамкасблари орасида катта обрў-эътиборга эга. У ана шу мақомга қандай қилиб эришди? Аввало, меҳнат, ўқиш, изланиш, шу билан бир қаторда, ҳалоллик ва поклик ҳамиша йўлдош бўлиб келмоқда. Қолаверса, унинг жуда ҳам жайдари фалсафаси ҳам бор. «Дўст тутинсанг билими, тафаккури, фикрлаш қобилияти, дунёқарашини ўзингдан «бир қарич баланд бўлган»ларни танла ва уларга интилиб, ҳавас билан яша», дейди. У ўз ҳаёти, меҳнат фаолияти давомида ана шу ақидага оғишмай риоя қилиб келди. Бу оддий ҳақиқатни китобхон тезда англаб олиши мумкин.

Мустақиллик одамлар онги ва тафаккурини бутунлай ўзгартирди. Бу жараён жуда мураккаб кечди. Совет мафкура машинаси шу қадар айёр ва ғирром



эдики, оқни қора деса, ишонаверилган. Муаллиф ҳам ўз вақтида ана шу ғоя таъсирида бўлган. «Айб сургун қилинган буваларимнинг ўзида бўлган», дея ўзини ҳам, онасини ҳам ишонтирган.

Инсон бир думалаб, у мафкурадан бунисига ўта олмайди. Аввало, миллий истиқдол ғоясини ишлаб чиқиш, уни асослаш лозим эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек зиёлилари олдида ана шундай мураккаб вазифа турди. Муаллиф ўз қаҳрамонлари билан бирга ана шу жараёнларда фаол иштирок этди. Маънавиятчи сифатида халқ орасига кириб борди.

Китобни ўқиб, англаганларимдан яна бири ибрат бўлди. Асарда қаламга олинган қаҳрамонларнинг барчаси ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтганлар ва босиб ўтаётганлардир. Уларнинг ҳаёти ёшлар учун намуна сифатида хизмат қилади.

Журналистлар ҳақида жуда кам ёзилади. Азалдан шундай. Бу касб эгалари фақат ўзгалар ҳақида ёзишади. Ўзлари ҳақида эса лом-мим дейишмайди. Шу маънода китобда кўплаб журналистлар ҳақида мақолалар бор. Шулардан бири бутун умрини газета ишига бағишлаган олтиариқлик Олимжон Ҳакимовдир. У ўзининг салкам эллик йиллик газетачилик фаолияти давомида минглаб мақолалар ёзди. Ўзи ҳақида эса эндигина ёзилди.

Таниқли маънавиятчи, етук журналист, маҳалла жонкуяри Раҳматилла Шералиевнинг ўз ёзиш услуби бор. Бу услуб мантиққа, самимиятга асосланган, десак, янглишмаган бўлаемиз. У ўз китобида ҳар бир шахсни, ҳар бир воқеани ўта самимийлик билан эста олади. Ўқувчини қаҳрамонларига ошно қилиб қўяди. Журналистнинг маҳорати айнан мана шунда.

Ўйлайманки, китоб ўқувчиларга манзур бўлади.  
Ундан жуда кўп ҳикмат, ибрат излаб топиш мум-  
кин.

Сувон МЕЛИ,  
филология фанлари доктори,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
маданият ходими

## БИР КУН ВА БУТУН УМР



...1969 йилнинг августи эди. Мандат комиссиясидан ўтиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетининг талабаси бўлганман. Энди маза қилиб уйқуга тўйиб олсам ҳам бўлаверади.

Ҳовлимиз ўртасидаги шийпонда ухлаб ётган эканман, онам: «Тур, меҳмонлар келишди», деб уйғотдилар. Уйқули кўзимни ишқаб, ўзимни чеккароққа олдим. Уч киши шийпонга чиқишди. Катта акам – генерал-майор Мурод Шералиев, ўша пайтда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи эдилар, Зиёд Есенбоев – Давлат матбуот қўмитаси раиси. Ва... Чингиз Айтматов.

Акам мени меҳмонларга таништирдилар:

– Бу менинг энг кичкина укам. Кеча талаба бўлди. Бўлажак журналист.

Меҳмонлар мени табриклашди. Табрик сўнгида Чингиз Айтматов бир умр менга маёқ бўлаётган гапни айтди:

– Кўзинг ҳамиша очиқ бўлсин.

Бу ўз вақтида ҳамда вазиятга мослаб айтилган гап эди. Мен кўзларимни қайта ишқалаганимни эслай-

ман, лекин ҳаяжондан миннатдорлик билдирдимми, йўқми, буниси ёдимдамас...

Шу куни меҳмонларга ихлос билан дастёрлик қилдим. Ҳар сафар чойни янгилаганимда, таом келтирганимда, Чингиз оғага «Жамиланинг кейинги тақдири қандай бўлган?» деган саволни бергим келаверарди. Чунки мен адибнинг «Жамила» қиссасини ўқиганимдан сўнг, ҳар куни Чингиз Айтматовга иккитадан хат ёзар, уларни почта орқали жўнатишга эса жасорат тополмасдим. Энди қулай вазият келганди. Лекин катталарининг суҳбатларини бўлиб, савол беришга журъат қила олмадим. Ва ниҳоят, меҳмонларни кузатаётиб, жазм қилдим.

– «Жамила»ни ўқиганмисан? Яна ўқи. Бошқаларини ҳам мутолаа қил!

Бу адибнинг жавоби эди.

Оиламизнинг яқин қадрдони, таниқли жамоат арбоби Зиёд Есенбоев Чингиз оға билан қондош-қариндошлардай бўлиб кетганди. Зиёд Исломович билан эса маҳалладошмиз. Катта акамнинг синфдош дўсти, бир майизни иккига бўлиб ейишган, маслакдош, ҳамфикр. Улар ўртасидаги самимий муносабат умрларининг охиригача сақланиб қолган.

Чингиз оға ҳар гал Ўзбекистонга келганида қадрдон дўстлари билан самимий суҳбат қураб, ижодий режалари ҳақида сўзлар, суҳбатдошларининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитиб эди. Касбим журналист бўлгани учун ҳам бундай суҳбатларни мен ҳам бутун вужудим билан тинглар эдим.

Ҳаётнинг оғир ва чағир сўқмоқларидан ўтган, яхши-ёмон кунларга кўп бор гувоҳ бўлган қадрдонларнинг ўзаро суҳбатлари ғоят мароқли бўларди. Ёдимда қолгани шуки, Чингиз оға оғир болалик йиллари, ижодининг дастлабки кезларида айрим

касбдошларининг унга бўлган муносабати тўғрисида деярли сўзламас, ижод қилишга вақти камайиб бораётгани, дўст-қадрдонлари билан камроқ учрашаётгани, олис хорижий сафарлар, учрашувлар, курултойлар, нуфузли илмий анжуманлардаги иштироки, дунёда кечаётган муҳим сиёсий жараёнлар, жаҳон адабиётидаги янгиликлар, янги асарлар тўғрисида мулоҳаза юритар, сўзини бирданига тўхтатиб, «Хўш, сизларда нима гаплар, адабиётда қандай асарлар яратилмоқда, ёшларга эътибор қандай?» қабалидаги саволлар билан суҳбатдошларига мурожаат қилар ва албатта, «Ёшларимиз жаҳон адабиётидан хабардор бўлишлари, янги адабий оқимларни кузатишлари, улардан ўрганишлари, бир-бирларини таржима қилишлари керак», деб кўшиб кўярди.

Ўшанда мен яна бир нарсани чуқур тушуниб етганман: Чингиз оға халқимиз тарихини, дунё маданий тамаддунига қўшган катта ҳиссасини яхши билар экан. Унда Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар билан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси бор эди. Кейинчалик адибнинг асарларини мутолаа қилганимда, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилганман.

Чингиз Айтматов ўзбек халқининг қондош ва жондош, сирдошу дилдош дўсти эди. Асарлари, фаол ижтимоий фаолияти билан минтақа тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, ўзбек – қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни асраб-авайлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди, ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган «ўзбек иши», «пахта иши» каби ноҳақ туҳматлар чоғи халқимизнинг шаъни ва ғурурини ҳимоя қилди. Одил Ёқубов, Пиримқул

Қодиров каби дўстларининг тарихий мавзудаги романларини ноҳақ айбловлардан асраб қолди. Улар ижодига юксак баҳо берди.

Чингиз Айтматов бадиий ижодга журналистика орқали кириб келгани кўпчиликка яхши маълум. Бўлажак ёзувчи қишлоқ хўжалиги институтида ўқиб юрган кезлари маҳаллий матбуотда танқидий-таҳлилий мақолалар билан чиқа бошлайди. Кейинчалик у ўша даврнинг бош газетаси муҳбири сифатида бутун Ўрта Осиёни, жумладан, Ўзбекистонни кезиб чиқади. Биргина «Пахтанинг ойдин йўли» мақола-си билан халқимиз меҳрини қозонади. Чунки ушбу мақолада муаллиф ўзи оппоқ бўлган бу ўсимликни етиштириш нақадар машаққатли иш, ўзбек пахтакорлари уни ниҳоятда оғир шароитда етиштираётганини гоят таъсирчан тарзда тасвирлаб берган эди.

Ҳар бир миллий адабиётнинг ўз даҳолари бўлади. Аммо шундай адиблар ҳам борки, уларнинг ижоди бир миллатга эмас, умуминсониятга тааллуқлилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

XX асрнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг серқирра ижоди туркий халқлар адабиёти билан бирга жаҳон адабиёти хазинасини ҳам беади, десак, муболаға бўлмайди. Адабиётшунос олимлар «Қирғиз халқи дунё маданий тамаддунига «Манас» эпосини берган эди. Бу буюк хазина ёнига эндиликда Чингиз Айтматов қўшилди», дея бежиз айтишмаган. Чиндан ҳам, ўтган асрнинг охири – янги аср бошларида яратилган дурдона асарлар ҳақида сўз кетганда, шубҳасиз, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Унинг қисса ва романлари қирғиз адабиётини дунё кенглиklarига олиб чиқди.

Чингиз Айтматов асарларида қаламга олинган ижтимоий ва ахлоқий муаммолар, адабиётшунос

олимлар тўғри таъкидлашганидек, «севги-муҳаббат, ҳис-туйғу, нозик кечинма, висол онларию, айрилиқ изтироблари, овулдаги маиший ҳаёт манзаралари, адолат ва ёвузлик ўртасидаги мангу кураш, глобаллашув замонининг баданни жунжиктирувчи шамоллари бир минтақа ёки бир миллатга эмас, бутун инсониятга, унинг ютуқ ва камчиликлари, зукколигию беғамлигига бирдек тааллуқлидир». Шу боисдан ҳам адиб асарлари ҳамма жойда: Осиё ва Африкада, Европа ва Америкада дунё тилларига муттасил таржима қилинади, қайта-қайта нашр этилади, ҳамма жойда севиб мутолаа қилинади. Янада муҳими шундаки, ҳар бир ўқувчи, у қайси мамлакатда, қайси қитъада яшамасин, Айтматов асарларидан ўзига, ҳаётига, дунёқарашига дахлдор мушоҳадаларни топа олади. Бунинг боиси, адиб асарлари ўқувчини фикрлашга, ҳаётни кузатишга, одамлар ва уларнинг талаб-эҳтиёжларига яқинроқ бўлишга, бир-бирларини тушунишга, воқеа-ҳодисалар моҳиятини теранроқ идрок этишга ҳамда улардан хулоса чиқаришга, демакки, ижтимоий фаллиқка ундайди.

Адабиётшунос олим Абдулла Улуғов ёзганидек, бугун «туркий халқлар адабиётини бу адибнинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг қисса ва романлари қирғиз адабиётини дунёга танитди ва ўзига хос янгилик сифатида Ғарбу Шарқнинг миллионлаб китобхонлари муҳаббатини қозонди».

Дарҳақиқат, бу фикрга «Жамила», «Момо ер», «Эрта келган турналар», «Оқ кема», «Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар», «Кассандра тамғаси» асарларини ўқиб, ишонч ҳосил қиламиз. Улардаги қаҳрамонларнинг тақдири ҳар хил, бири иккинчисидан кескин фарқ қилади, аммо самимийлик, очиқ кўн-

гиллик, меҳнатсеварлик, тақдир зарбаларига қарши курашиш туйғуси уларни бирлаштириб туради. Шу боис, ўқувчи Жамила ва Дониёрни, чўпон Танабойни, Бола ва Мўмин чолни, биринчи ўқитувчини, Эдигей ва Абутолибни, Авдий ва Бўстонни чин дилдан севиб қолади, уларни ўзининг эски қадрдонларидай қабул қилади. Қариб, мадордан кетган Гулсор от, қувғинга учраган бўри Акбара, неча авлодлари учун паноҳ бўлган жойидан маҳрум этилаётган аламзада Жаабарсга ачиниб кетади.

Бадиий ижодда бу даражага эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чингиз Айтматовнинг маҳорати шундаки, у ўзи дилдан ҳис этган, маъно-моҳиятини англаган, ёзувчилик, зиёлилик масъулияти қалбини безовта қилган воқеа-ҳолатлар ҳақида ёзади. Бошқаларга ҳам шундай йўл кўрсатади. Бундай асарларнинг умри боқий бўлади. Замон ва макон буни исботлаб турибди.

Қадрдон курсдошим, устоз журналист, моҳир адабий тадқиқотчи Аҳмаджон Мелибоев юқорида мен излаган саволга жуда чиройли жавоб қилган. У шундай ёзади: «Адиб ижодининг етакчи хусусиятларидан бири шуки, у ўз фикри, дунёқараши ёки бирор воқеага муносабатини ўқувчига тикиштирмайди, фақат мана шу – ҳақиқат, бошқаси бекор, демайди, аксинча, тўғри йўл ва ечимни топишни унинг ўзига қолдиради. Бу эса асарларининг таъсир кучи, бадиий-эстетик қуввати ва тарбиявий аҳамиятини оширади».

Энди Жамиланинг ва умуман, Чингиз Айтматов қаҳрамонларининг кейинги тақдирларини англаб етгандайман.



## ИБРАТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ



Бутун умрини, онгли ҳаётини матбуотга бағишлаган инсонлар камдан-кам бўлади. Чунки журналистиканинг нони қаттиқ. Соҳага меҳр қўйганлар бу ноннинг тотли эканлигини жуда яхши билишади. Журналист – шарафли касб эгаси. Чунки у виждон амри билан иш тутади, воқеа ва ҳодисаларга холис баҳо беради.

Таниқли журналист, моҳир ташкилотчи Аҳмад Исмоиловнинг ижодий фаолиятини кўз ўнгимдан ўтказиб, шундай хулосага келган бўлсам, ажабмас.

Аҳмад Исмоилов ўз меҳнат фаолиятини тўлалигича матбуот ишига бағишлади, журналистика соҳасида ўзига хос ибрат ва маҳорат мактабини яратди. Устознинг қарийб эллик йиллик меҳнат фаолияти, таъбир жоиз бўлса, журналистиканинг энг мураккаб тармоғи – босма ахборот воситалари, уларнинг ривожланиш пиллапоялари билан боғлиқ. У бу соҳага ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида кириб келиб, умрининг сўнги кунларигача газеталар таҳририятларида ишлади.

Аҳмад Исмоилов Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида чиқадиган «Каттақўрғон ҳақиқа-

ти» газетасида иш бошлаган. Кейинчалик «Ёш ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида масъул лавозимларда ишлади.

Узоқ йиллар давомида «Тошкент ҳақиқати» газетасига бош муҳаррирлик қилди. Ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Ўша йилларда вилоят газетаси таҳририяти том маънодаги маҳорат ва ибрат мактабига айланди. Бу мактабнинг асосчиси ўз касбига меҳр қўйган, касби билан фахрланадиган Аҳмад Исмоилов эди. У касбини улуғлади, атрофдагиларини ҳам шунга даъват қилди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи, етмишинчи йилларида «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида ишлаб, бағрикент бош муҳаррирнинг меҳру мурувватидан баҳраманд бўлмаганлар топилмаса керак. Бу ҳақда Аҳмад Исмоилов раҳбарлигида ишлаган ҳар бир ходим ифтихор билан гапирди. Мен ҳам бундай сийловларга ўз меҳнат фаолиятим давомида бир неча марта сазовор бўлганман.

1978 йилда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ўша даврнинг энг нуфузли нишонларидан бири – «Меҳнат қизил байроқ» ордени билан мукофотланди. Республиканинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов ордени тантанали равишда топширадиган бўлди. Бош муҳаррир Аҳмад Исмоилов бошчилигида тадбирга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Газета номи билан аталадиган китоб, кўкрак нишони, газетанинг махсус сони ва ҳоказо деганларидек, талайгина ишларни амалга ошириш керак эди. Вақт зик. Вазифалар ходимлар ўртасида тақсимланган.

Менга, таҳририятнинг энг ёш бўлим мудирига кўкрак нишони тайёрлаш вазифаси юкланди. Нишоннинг эскизи тайёрланди ва Маданият вазир-

лиги томонидан тасдиқланди. Тасдиқланган нусхани олиб, ишлаб чиқарувчи корхона – Самарқанд шаҳридаги заводга отландим.

Йўлга чиқиш олдидан бош муҳарриримиз қайта-қайта тайинлади: «Ўзинг яна бир марта кўргин, энг чиройли нишон бўлсин».

Корхонага буюртма бериб, у тайёр бўлгунга қадар Самарқандда бир кун қолиб кетдим. Тайёр маҳсулотни заводдан қабул қилар эканман, директор расмий қоғозга «Буюртмани олдим, эътирозларим йўқ», деб ёздириб олди. Бу бежиз эмаслигини Тошкентга келганимдан сўнг тушуниб етдим. Хуллас, нишон муҳарриримизга маъқул келмади. Унга мени сафарга кузатаётиб айтган гаплари роса қўл келди. Эшитмаганларимни эшитдим.

Кутилмаганда бош муҳаррир ҳукумат телефони ни кўтариб, коммутатор қизга буйруқ оҳангида гапирди:

– Самарқандни, Бектош Раҳимовни уланг!

Бектош Раҳимов – ўша вақтда Самарқанд вилоятининг биринчи раҳбари бўлиб ишларди. Ҳайратдан ёқамни ушлагандай бўлдим. Бошқа бир вилоят газетасининг муҳаррири республикадаги энг йирик вилоятнинг биринчи раҳбарига эътироз билдирмокчи бўлиб турибдими? Уларнинг суҳбати бошлангач, ҳайратим яна ўн чандон ошди. Саломалиқдан сўнг Аҳмад ака дадил хужумга ўтди.

– Сиз мени жуда қаттиқ ранжитдингиз. Бир марта ишим тушиб, вилоятингиздаги корхонага буюртма берган эдик. Маҳсулотингиз бир тийинга қиммат, мана, қўлимда турибди.

Муҳаррир биринчи котибга вазиятни ойдинлаштирди. Самарқанд заводи тайёрлаган нишон сифатсизлигини тушунтирди, уни янгидан тайёрлаш лозимлигини уқтирди.

– Бори-йўғи шуми? – вилоят раҳбарининг бу сўзларидан сўнг чамаси суҳбат оҳанги бирмунча юмшади ва самимият устуворлик қилди. Раҳбарларнинг ўзаро келишувига кўра, мен шу куни кечкурун яна Самарқандга отланадиган, эртага эрталаб вилоятнинг биринчи раҳбари олдига кирадиган бўлдим.

Мени Самарқанд темир йўл вокзалида обкомнинг масъул ходими кутиб олди. Биргалашиб вилоят раҳбарининг қабулига кирдик. Катта иш хонаси. Эшик олдида берилган салом раҳбарнинг олдига бортунигга қадар эскиб қолади.

Бектош Раҳимов мен қайтариб олиб борган кўрак нишонини кўлига олиб кўриб, рус тилида вазмин оҳангда деди:

– Ҳа, Тошкент учун муносиб бўлмабди, – бир озлик сукутдан сўнг менга юзланди. – Бу кимнинг айби?

– Қисман бизнинг, лекин заводнинг ҳам айби...

Фикримни тугатмасимдан, у киши гапимни бўлди:

– Бу Аҳмад Исмоиловичнинг камчилиги. Ундан бошқа одам бўлганида кечаги муомаласи учун... – яна бир озлик сукунатдан сўнг фикрини давом эттирди: – Майли, муҳаррирнинг хурмати учун нишонни қайта тайёрлаймиз.

Завод директори зудлик билан обкомга чақиртирилди. Биринчи котиб уни қабул қилмади. Қабулхонада директорга биринчи котиб номидан топшириқ берилди.

Буюртма тайёр бўлгунга қадар менга дам олиш учун жуда қулай шароит қилиб беришди. Ҳавас қилгудек чиройли нишон кечга қадар тайёрланди. Ўша вақтнинг энг олди машинасида мени Тошкентга кузатиб қўйишди. Бир кеча-кундуз сафарга бо-

риб, бирорта хужжатга имзо чекканим, бир сўм пул сарфлаганим йўқ. Буларнинг барчаси Аҳмад Исмоиловнинг ҳурмати, обрў-эътибори эканлигини йўл бўйи тасаввуримга сиғдира олмай келдим.

Орденни тантанали равишда топшириш маросими жуда юқори савияда ташкил этилди. Фармон ўқилганида, сахнага таҳририят байроғини олиб чиққан уч нафар ходимнинг орасида мен ҳам бор эдим. Бу ҳам муҳаррирнинг ёшларга эътибори жуда юқори бўлганлигининг тасдиғи эди.

Аслида, мен буни «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмад Исмоилов билан биринчи марта учрашганимдаёқ хис қилганман.

Ўшанда 1976 йили ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг «отахон газета» деб эътироф этиладиган «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятига иш сўраб бордим. Чунки ҳарбийга чақирилганимга қадар университетнинг кундузги бўлим бешинчи курс талабаси бўлиш билан бир қаторда мазкур таҳририятда мухбир сифатида штатда ишлаган эдим. Бунга сўнгги курсдаги амалиётни мазкур таҳририятда ўтказганим, бу даврда икки-учта тилга тушадиган мақолалар ёзганим сабаб бўлганди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари химияси илмий-тадқиқот институтидан оқсил танқислиги ва унинг олдини олиш мақсадида олимлар олиб бораётган тадқиқотлар ҳақидаги «Ҳаёт омили» сарлавҳали мақолам катта шов-шувга сабаб бўлганди. Хуллас, катта даргоҳда олти ой давомида таниқли журналист Мажид Қодировнинг тили билан айтганда, «отахон газетанинг болахон мухбири» бўлганман. Кейин йигитлик бурчимни бажариш учун ҳарбийга чақирилганман. Зобит бўлганим учун икки йил хизмат қилдим.

Бош муҳаррир Мақсуд Қориев ҳозир бўш ўрин йўқлигини, бир ой кутиб туришим кераклигини тунтирдди. Икки йил ҳарбийда аскарларга буйруқ беравериб, дадил бўлиб кетган камина – катта лейтенант бўш келмадим.

– Мен ҳарбийга шу ердан чақирилганман. Шундай экан, сиз мени ишга олишга мажбурсиз...

Мақсуд Қориев мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос, боз устига, юридик фанлари номзоди эди. У котибасидан Аҳмад Исмоилов билан телефонда боғлаб беришини сўради. Мени «қалами бор муҳбир», деб таърифлади ва вақант жойи бўлса, иш билан таъминлашни илтимос қилди. У киши «таъминлаш» сўзига алоҳида урғу берди. Бу сўзни айтаётиб, менга маъноли қараб қўйди. Демак, ишга олишингиз эмас, иш билан таъминлашингиз лозим, дейишим керак экан.

Аҳмад Исмоилов жуда салобатли инсон эди. Хатти-ҳаракатлари ҳам, кийиниш ва муомала маданияти ҳам ўзига жуда ярашиқли. Бир қарашда қаттиққўл, айна пайтда қўл остидагилари ва уларнинг меҳнатини қадрлайдиган адолатли, эътиборли раҳбар сифатида ҳурмат қозонганди.

У республика газетасида чоп этилган мақолаларимдан хабардор экан.

Бўлиб ўтган самимий суҳбатдан сўнг қишлоқ хўжалиги бўлимида муҳбир сифатида ишга қабул қилдим.

Носир Рихсиев ўта талабчан мудир эди. Кўзга кўринган қаламкашлар Босит Ҳалил, Муборак Ғозиев, Абдусамат Йўлдошев билан бир сафда ишлашга тўғри келди. Уларнинг барчаси жуда тажрибали, вилоятдаги мавжуд аҳволни яхши билишарди. Шу боис устозларимдан кўп нарсани ўрганишга ҳаркат қилдим.

Газетада чоп этилган ҳар бир мақолам бош муҳаррирнинг эътиборида бўлар ва у албатта, фикр билдирар эди. Бундай муносабат фақат менга эди, десам, тўғри бўлмади. У киши ҳар бир ходимга ҳам ана шундай алоҳида эътибор кўрсатар эди.

Бош муҳарриримизнинг яна бир ноёб фазилати шундан иборат эдики, у воқеа-ходисаларни олдиндан кўра биларди.

Бир куни бўлимда катта мухбир бўлиб ишлайдиган тажрибали журналист Абдусамат Йўлдошев иккимизни чақириб, топшириқ берди.

– Қибрайдаги «Қизил шалола» таянч-тажриба хўжалигидан донгдор сут соғувчи, Меҳнат қаҳрамони Анастасия Чудная ҳақида бир саҳифа материал тайёрлайсизлар. Масалага ўта жиддий ёндашмоқ керак.

Биз шу куниеқ йўлга отландик. Хўжалик фаолиятини, бир ўзи юздан ортиқ сигирни тандем усулида соғаетган соғувчи фаолиятини ўргандик. Донгдор соғувчининг иш жараёнини эринмай кузатдик. Ҳар бир говмишнинг лақабини, имкониятини соғувчи жуда яхши билар экан. Тўртта сигир бир вақтнинг ўзида соғиш агрегатида соғилади. Соғувчи навбат билан говмишларни агрегатга улаш ва ундан ажратиб олиш билан овора бўлади. Биз иш жараёнидан ўта хайратландик ва ўша хайратни қоғозга туширдик.

Тезлик билан бир саҳифа материал тайёр бўлди. Орадан бир кун ўтиб, республика юқори ташкилотлари ва ҳукуматининг «Анастасия Чудная иш тажрибасини оммалаштириш ҳақида»ги қўшма қарори эълон қилинди.

Қарор газетанинг биринчи бетида, «Чудная мактаби» деб номланган мақоламиз эса қарор остидан бошланиб, учинчи саҳифани тўла эгаллади.

Мақола ўз вақтида чоп этилган эди. Унинг сифати ва савияси ҳам кўпчилик эътирофига сазовор бўлди. Бизни жуда кўп журналистлар, газетхонлар илиқ сўзлар билан табриклашди. Аслида, бу бош муҳаррир Аҳмад Исмоиловнинг хизматлари эди.

Эътирофга муносиб бўлган яна бир ижод маҳсули ҳақида ёзиш жуда мароқли. Баҳорда кўзилатиш мавсумида бўстонлиқлик чўпон қиз ҳақида «Бодом гуллаганда» сарлавҳали очерк ёзганман. Бу менинг катта жанрга биринчи марта қўл уришим эди. Катта ёшдаги ҳамкасбларимнинг айримларидан жиддий танқид эшитдим. Эҳтимол, улар ҳақдирлар. Лекин бу баҳсларга ҳар ҳафтада мунтазам равишда ўтказиладиган йиғилишда бош муҳаррир нуқта қўйди.

– Ёшларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, топган камчиликларингизга қаранг. Камчилик қидиргандан кўра, ёшларга тажрибангизни ўргатинг.

Назаримда, шундан сўнг устозлар янаям меҳрибон бўлиб қолишди. Назармат, Босит Халил, Раҳимберди Умаров, Фарида Усмонова, Соат Мусоев, Носир Рихсиев, Муборак Ғозиев, Зариф Муҳаммаджонов, Жасур Носиров, Саидвали Ҳасанов, Шароф Умурзоқов каби камтар ижодкор ва журналистлардан касб сир-асрорларини тинимсиз ўзлаштирдим.

Шу ўринда устознинг бетакрор бағрикенглиги, меҳрибонлиги билан боғлиқ яна бир воқеани эсламаслик адолатдан бўлмас.

Ўша йили бир ҳафта сабабсиз ишга бормаганим рост. Бўлим мудиримиз Носир Рихсиев вазиятни бош муҳаррирнинг ўзига тушунтиришим кераклигини айтди. Қўрқа-писа, мингта ўй-хаёл билан Аҳмад Исмоиловичнинг қабулига кирдим.

– Ўз ҳисобимдан бир ҳафтага меҳнат таътили беришингизни сўраб ариза ёзишга ҳам улгурмай



қолдим, – дея ўзимни оқлай бошладим. – Беш қути пилла қуртини оиламиз билан уйда боқдик. Катта даҳада озуқа етказа олмай, шошиб қолдик. Шунинг учун ишга кела олмаган эдим.

Кутилмаганда раҳбар қорайиб, озиб кетганлигимни айтди-да, савол ташлади.

– Ҳосил қандай бўляпти?

– Қуртларнинг дастага кириши ёмон эмас. Талафот бўлмади, мўл ҳосил олсак керак.

Аҳмад ака ўз ҳисобимдан яна бир ҳафта таътил олишимга рухсат берди.

Хирмонни кўтариб, пилладан қутулиб ишга чиққанимда бош муҳаррирнинг ўзи ҳузурига чақириб қолди ва пилла хирмонининг чўғини сўради. Мен севиниб, ҳар қутидан 60 килограммдан, жами 300 килограмм пилла топширганимизни айтдим.

– Автомашина олар экансан-да, – деди кутилмаганда бош муҳаррир.

Беш қути ёки ундан кўп пилла уруғи боқиб, мўл ҳосил етиштирган пиллачиларга автомашина берилиши ҳақида низом шартлари газетамизда эълон қилинганди, лекин бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман.

– Мутасаддилар билан келишув қилмаганмиз. Менга машина беришмайди, – дедим ҳафсаласизлик билан.

Аҳмад ака мен яшайдиган туманнинг биринчи раҳбари билан телефонда боғланиб, ушбу масаланинг ижобий ҳал этилишини назоратга олишини илтимос қилди.

Бир ҳафтадан кейин хонадонимиз эшиги олдида яп-янги «Жигули» автомашинаси пайдо бўлди. Бу умрида қурт боқиш азоби нима эканини билмаган, «Бир қути пилла уруғини боқиб беринглар»,

деб колхоздан уйимизга келган ундовчиларга «Бир қути нима бўлади, беш қути беринглар бизга», деб бу бошоғриқни сўраб олган шаҳарлик турмуш ўртоғимнинг, уқувсизлиги учун мени койиб-койиб меҳнат қилган онамнинг, хотинининг хатоси учун ипак қуртининг катта даҳасида уйқусиз ишлаган ўғилнинг ва ниҳоят ишга келмаган ходимини жазолаш ўрнига рағбатлантирган Аҳмад Исмоиловнинг меҳнатлари ва хизматлари самараси эди.

Такрор айтаман, Аҳмад Исмоилов адолатли, айна пайтда бир сўзли инсон эди. Эсимда, газетанинг қайсидир бир сониди жиддий хато чиқиб кетди. Унинг муҳокамасига бағишланган мажлис узоқ давом этди. Камчиликнинг келиб чиқиш сабаблари атарофлича ўрганилди. Ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш чоралари белгиланди. Охириги хулоса шундай бўлди: масъул котиб ишдан олинди. Унинг ўрнига ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими мудирини Шароф Умурзоқов ўтказилди.

Бош муҳаррир йиғилишни шундай деб тугатди:

– Шароф Умурзоқов ўрнига бўлим мудирлигига номзодни эса ўйлаб кўрамыз.

Унинг сўз оҳангидан бир нарсани сезиш мумкин эди: янги бўлим мудирини ёшлар орасидан бўлади. Орадан уч кун ўтиб, бу вазифа менинг зиммамга юкланди.

Бўлим мудирини сифатидаги фаолиятим ноҳушлик билан бошланган. Бўлимда ишлайдиган ходимлардан бири очик норозилик билдирди: «Мен бу боланинг қўли остида ишламайман. Бунинг иккита сабаби бор: биринчидан, менинг ёшим катта, иккинчидан, мен унга нисбатан кучли журналистман».

Бош муҳаррир ҳам, ўша «кучли журналист» ҳам қарорларида қатъий туришди.

Бўлимда катта мухбир Зарифжон Муҳаммаджонов иккимиз қолдик. У киши билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам завқли эди. Билмаганимни ўргатар, тўғри йўл кўрсатар, илҳомлантирарди. Ҳожатбарорлиги эса алоҳида мавзу.

Кейинчалик бўлимга Адолат Носирова, Фатхиддин Муҳиддинов, Абдунаби Ҳайдаров, Эркин Эрназаров, Рихси Усмонова, Қаҳрамон Каримов каби ёш, иқтидорли журналистлар келиб қўшилишди. Бўлим фаолияти кучайса кучайдики, сира ҳам ортга қараб кетмади.

Бош муҳаррир спорт шинавандаси эди. Энг сўнги янгиликларни у кишининг оғзидан эшитар эдик. Тинимсиз теша тегмаган янги хабарларни излардик. Ҳар ойда бир марта тайёрланадиган ҳарбий-ватанпарварлик саҳифаси Бутуниттифоқ танловларида кетма-кет совринли ўринларни эгаллаб келди.

Шундай бўлдики, газетанинг тўртинчи саҳифаси тўлиқ бўлим ихтиёрига бериб қўйилди. Ўзимиз материал тайёрлардик, ўзимиз саҳифани макетлаштирар эдик. Газета ҳам тегирмондай гап. Саҳифа-саҳифа мақолаларни кўрдим, демайди. Бутунгидек «Google», интернет деган дастёрлар йўқ. Ҳафтасига беш марта чиқадиган газетани материаллар билан таъминлаш эса осон иш эмас. Янги мавзулар, янги рукнлар пайдо бўлди.

Мен Аҳмад Исмоилович раҳбарлигида таҳририятда беш йил ишладим. Бу давр мобайнида бир неча бор иш фаолиятим бошланган «отахон газета»га ишга таклиф қилишди. Лекин мен учун Аҳмад Исмоилов билан ишлаш мароқли эди. У киши бу дунёга фақат инсонларга яхшилик қилиш учун келган, деган фикр бугунги кунгача мени тарк этган эмас. Чунки Аҳмад ака ўз қўл остидаги барча

ходимларга фақат яхшиликни раво кўрганлигига жуда кўп марта гувоҳ бўлганман.

Таҳририятда ҳамиша ижодий муҳит, самимият ва ўзаро ҳурмат ҳукмрон бўлган. Ходимлар бир-бирлари билан оға-инилардек, қариндош-уруғлардек бўлиб кетишганди. Бу Аҳмад Исмоиловдан аввал ишлаган бош муҳаррирлар Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориевдан қолган анъана эди.

Масъул котибимиз Шароф Умурзоқов хатлар бўлими мудирини Абдувоҳид Мирзааҳмедов билан қуда бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдунаби Ҳайдаров ўз тақдирини шу даргоҳда ишлаган Дилоромхон исми, Миракмал Миралимов эса Шоирахон исми дилбар қизлар билан боғладилар.

Таниқли ёзувчи Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романида «Бу ишларнинг тепасида шахсан Расул Оллаёровичнинг ўзлари турибдилар», деган ибора бор. Асарда бу ибора шу таърифга умуман мос бўлмаган одам учун қўлланган. «Ҳақиқат»чилар эса бу иборани том маънода ишлатишарди. Дарҳақиқат, ўша йилларда таҳририятдаги барча хайрли ишлар Аҳмад Исмоиловичнинг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилган.

Раҳбарлик илмини пухта эгаллаган, моҳир ташкилотчи, меҳрибон устоз, матонатли журналист Аҳмад Исмоилов ўз шогирдлари учун ибрат ва маҳорат мактабини яратиб кетди. Бу мактабдан сабоқ олганлар бугун ҳам устоз журналистнинг энг яхши анъаналарини давом эттирмоқдалар.

## УЗИЛГАН ҚАРЗ



Ҳамон эсимда, жума куни эди. Ҳали иш бошланмасданоқ устоз Неъмат Аминов кўнғироқ қилди. Ўшанда у киши Республика Маънавият ва маърифат марказининг раҳбари эди, мен эса марказнинг Тошкент вилояти бўлимида ишлардим. Салом-алиқдан сўнг Неъмат ака мутлақо қутилмаган таклифни айтиб қолди:

– Ҳаж сафарига бориб келамиз.

Бу таклиф шу қадар майин, мулоим ва самимий оҳангда айтилдики, мени беихтиёр хаяжон босди. Қулоқларимга ишонмай, яна қайта сўрадим. Кейин рад жавобини бердим:

– Ҳали Ҳаж сафарига тайёр эмасман.

– Қайси жиҳатдан тайёр эмассиз?

– Ҳам ботиний, ҳам зоҳирий, – дея ўзимча жавоб қайтардим.

Орага бир сониялик сукут тушди. Кейин Неъмат ака вазминлик билан сафар харажатларини мутасадди ташкилотлар ўз зиммасига олганини, шаклланаётган гуруҳга меҳмон мақоми берилишини айтди. Мен барибир рўйхушлик бермадим.

– Вақти-соати келиб, сизга «Мен сени чақирдим, сен нега ҳузуримга келмадинг?» деб савол берилса, нима деб жавоб қайтарасиз?

Аввалига раҳбаримнинг бу таъсирли сўзларига тушуниб етмадим. Масала моҳиятини англаб етгач, рад жавобимдан ўзим кўрқиб кетиб, рози бўлдим.

Неъмат ака зудлик билан ҳужжатларни расмийлаштириш кераклигини айтди.

Шу тариқа у кишининг ҳам, менинг ҳам ҳаётимда энг саодатли ва энг нурли воқеа содир бўлди. Биз биргалашиб Ҳаж сафарига жўнадик.

Сафар давомида хушчақчақ Неъмат ака ўта камгап, ўйчан одамга айланиб қолди. Сафарга бирга борган шоира опаимиз Турсуной Содикова деярли ҳар куни менга: «Неъмат акадан хабардор бўлиб туринг, ёнларидан жилманг», деб тайинлар эди. Лекин аксинча бўлиб чиқди: у киши менинг ҳолимдан кўпроқ хабардор бўлиб юрди.

Бир куни бир оз тобим қочиб, ибодатга бора олмадим. Неъмат ака ҳамхоналаримдан бетоблигимни эшитиб, тугунчада совға-салом билан йўқлаб келди. Тугунчада патир, майиз, туршак, хуллас, юртимизнинг тоғли неъматлари бор эди.

Мино воҳасидаги ибодатлар чоғида у киши билан бирга чодирда яшадик. Неъмат ака нимагадир камҳаракат бўлиб қолган эди. Сабабини суриштирсам, у киши ийманиброқ оёқлари оғриётганини айтди. Кейин ўнг оёқ кафтини кўрсатди: оёқ кафтининг ярмидан кўпроғи қабариб, пуфак ҳосил қилган эди. Маълум бўлишича, Неъмат ака вақтини фақат ибодат билан ўтказибди, етти маротаба умра бадал ибодатини бажарибди: оталари учун, оналари учун...

Раҳбаримнинг бу ғайрат-шижоатини эшитиб, ўзимдан уялиб кетдим. Олтмишдан ошган ёши катта одам тинимсиз ибодатда бўлса-ю, биз эса...

Гуруҳимизда Абдуллажон исмли ҳазилни хуш кўрадиган дўхтир йигит бор эди. Мен зудлик билан уни бошлаб келдим.

– Анча жиддий жароҳат, – деди дўхтир. – Қабарган терини кесиб ташлаш керак. Саудия Арабистонида касалга қараш жуда қиммат туради... Хизматимнинг ҳақини долларда тўлайсиз, – деди у менга маъноли кўз қисиб.

Неъмат аканинг эътирозига қарамай, мен дўхтир сўраган пулни унинг чўнтагига солиб қўйдим. Муолажа тугагач, мен Абдуллажонни кузатдим. Хайрлашаётиб, у пулимни қайтариб берди.

– Раҳбарингизнинг олдида обрўйингизни кўтариб қўйгим келди, – деди у кулимсираб.

Неъмат ака тезда тузалди. Соғ-омон Ҳаж сафаридан қайтдик... Бу воқеа умуман эсдан ҳам чиқиб кетди.

\* \* \*

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Агар янглишмасам, ўша куни ҳам жума эди.

Эрталабдан ишхона телефони кетма-кет жиринглади. Гўшакни кўтариб, биринчи ибораданок суҳбатдошимни танидим.

– Ассалому алайкум, Неъмат ака! – дедим ҳаяжон ва севинч билан.

– Жон, – деди Неъмат ака одатга кўра.

Ҳол-аҳвол сўрашдик. У киши бугун қандайдир қўлёзмаларини «Шарқ» нашриётининг бош таҳририятига олиб боришларини айтдилар. Шу баҳона, соат ўн бирларда нашриёт биноси олдига келишимни сўради.

Неъмат аканинг таклифидан кўнглим ёришиб, бажонидил рози бўлдим.

Келишилган вақтда нашриётнинг ўн олти қаватли биноси олдида учрашдик. Сухбатлашиб Мустақиллик майдонига ўтдик, хиёбонда сайр қилдик, самимий гурунглашдик. Неъмат ака ижод билан машғул эканини, янги асар ёзаётганини айтиб, менинг ишларим билан қизиқди, меҳрибонларча тергади.

Сайр давомида Неъмат ака Ҳаж сафари таассуротлари ҳақида кўпроқ гапирди. Кейин мақсадга ўтди.

– Эсингиздами, ўшанда оёғим қабариб кетганида сиз дўхтирга пул берган эдингиз. Ўша қарзимни бергани келдим, – деди-да, пул узатди.

Мен эътироз билдириб, бўлган воқеани сўзлаб бердим, дўхтир пулни қайтариб берганини айтдим. У киши гапларимга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас эди.

– Агар дўхтир ўша пулни қайтармаганида ҳам мен сиздан уни олмас эдим, – дедим қатъий. Сўнг у кишига яхшиликлари учун миннатдорчилик билдирдим.

– Аллоҳ рози бўлсин, – деди Неъмат ака астагина.

Биз Мустақиллик майдонидан ўтиб, Ўрдага етиб келганимизда соат 12 дан ошган эди. Неъмат акани тушликка таклиф қилдим.

– Жума намозига боришим керак, – деб эътироз билдирди устоз. Мен машина чақирмоқчи бўлдим. Лекин Неъмат ака пиёда юришни маъқул кўрди.

Хайрлашдик. Бу бизнинг охириги учрашувимиз ва сўнги сухбатимиз эди.

Назаримда, Неъмат ака ҳам адабиётимиз, ҳам китобхонлари ва дўстлари олдидаги қарзларини узиб кетгандек...



## ЎЗБЕКНИНГ ТУРСУНОЙИ



### Китобга кўчирилган нутқ

Одатда, китоб ўқисам, дам-бадам сўнгги бетини varaқлаб қарайвераман. Қачон тугатар эканман, деган хаёлга борсам керак-да. Турсуной Содиқованинг китобларини ўқиганимда ҳам шундай. Фақат ҳар сафар тезроқ тугаб қолмасин, деган ўй устуворлик қилаверади. Чунки китобнинг ҳар бир саҳифасидан, ҳар бир сатридан Турсуной опанинг овозини, унинг ўзига хос талаффузини, товушларининг паст-баландлигини баралла эшитиб тургандай бўлавераман.

Эҳтимол, мен Турсуной опани воиз сифатида билганимдан ва бу санъатнинг сир-асрорларини бекаму кўст эгаллаганига тан берганимдан шундай туюлар. Опа керакли гапни ўз жойида ва ўз вақтида маромига етказиб айтганига, бу билан мухлисларини лол қолдирганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Одамлар соғиниб кутган ва ҳар биридан олам-олам таассуротлар олган ана шу тадбирларда қилинган маърузалар ҳеч бир таҳрирсиз китобларга кўчирилгандай туюлаверади менга.

Дархақиқат, опа шундай мантиқли нотик эдики, унинг оғзаки нутқи билан ёзганлари ўртасида деярли фарқ бўлмас эди.

Турсуной Содиқованинг маънавий-маърифий публицистикаси маърузалари каби тарбияга, ҳаётнинг жиддий имтиҳонларига ва бу жараёнда хазрати аёлнинг ўрнига бағишланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад Турсуной Содиқованинг маънавий-маърифий публицистикасини «қора сўз» билан ёзилган шеърий китоб, деб таърифлайди. «Аёллар тўғрисида бундай ёзиш учун аёл киши бўлишдан ташқари, албатта, Турсуной бўлиш кераклигига иқрор бўлдим. Қуш тилини қуш билади, дейдилар. Қуш бўлганда ҳам Турсунойдек сайроқи қуш бўлиш керак», дея фикрларини давом эттиради таниқли адиб.

Шу боис опанинг китоблари хонадонлардаги жавонларнинг тўридан жой олган, узатилаётган қизларнинг сепига қўшиб қўйилмоқда. Китобларидан унинг қўнғироқдай овози насиҳат бўлиб, маъруза бўлиб баралла янграб турибди.

### Ҳокимлар ҳам йиғлайди

Мен узоқ йиллар Турсуной опа билан бирга ишлаб, у киши билан ҳамкорлик қилиб, шундай хулосага келганманки, воиз мавзуни тингловчиларга қараб танлайди.

Дарвоқе, бу хулосани опанинг ўзи ҳам кўп бора тасдиқлаган.

...Навбатдаги учрашув Бекобод шаҳрида ташкил этилди. Шаҳардаги машҳур «Металлурглар» саройига одам сиғмай кетган. Даврани ўша вақтдаги

шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов бошқариб борди. Биз Турсуной опа билан давра тўрида ўтирибмиз. Сўз навбати Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Турсуной Содиковога берилди.

Залга асосан ёшлар ва аёллар йиғилишган экан. Шу боис суҳбат она, уни улуғлаш мавзусида бўлди. Мароқли суҳбат бир неча маротаба қарсақлар билан бўлиниб турди. Одамлар ана шундай самимий ва дилкаш суҳбатларни, опанинг сўз билан тингловчини сеҳрлаб қўйиш санъатини соғинишганми, ҳар холда, учрашув режалаштирилганидан хийла узоқ давом этди.

Воизнинг ишораси билан раислик қилувчи даврага яқун ясай бошлади. Опага миннатдорлик, эзгу тилаклар билдирди. Шу вақт одамлар орасидан минбар сари бир парча қоғоз қўлдан-қўлга ўтиб, «учиб» келди. Опа хатни ўқиб, раиснинг гапини бўлди:

– Мана шу илтимосноманинг ҳам ижобатини таъминлайлик, – деди-да, хатни ўқиб берди.

Унда «Ўзингизнинг онангиз ҳақида сўзлаб беринг», деб ёзилган экан.

Воиз сўзида давом этди.

– Аввалданоқ келишиб олайлик. Бугун пайшанба, жума оқшоми. Бу кун динимизда муқаддас ҳисобланади. Шу залда ўтирганлардан кимнинг онаси ҳаёт бўлса, ҳозирги тадбирдан сўнг тўғри онасини зиёрат қилгани борсин. Суҳбат давомида онангиздан «Ёшлигингизда сочларингиз роса узун, ўзингиз чиройли бўлгансиз-а?» деб сўранг. Сиз юз марта эшитган жавобни яна бир марта сабр билан тингланг: онангиз ёшаради. Ютуқларингиздан гапиринг, онангиз севинади.

Кимнинг онаси узоқда бўлса, қўнғирроқ қилинг: мен сизни яхши кўраман, деб айтинг. Унинг умрига умр қўшган бўласиз. Сиз билан ифтихор қилади.

Кимнинг онаси ўтиб кетган бўлса, бир калима Қуръон ўқиб, ҳақларига дуо қилинг: руҳлари шод бўлади.

Зинҳор-базинҳор мен қилган хатони такрорланг. Онам ҳар доим мени алқасалар, мен боламни тинмай мақтар эдим.

Мен онамдан қолган дунёнинг ўша бўш қисмида хатоларимга бош уриб, армон кўйлаklarини судраб, яшаб боряпман. Онамдан сўрайдиган саволларим роса кўплигини энди билипман. Онамга айтадиганларим юрагимда қолиб кетганини энди англаяпман. Онам керак бўладиган давралар энди бошланганини суякларим билан мана энди туйиб турибман. Э, воҳ, э, воҳ!..

Жаннатга зор бўлиш ҳам шунчалик бўлар-да. Онам – таъмлари оғзимда, ифорлари димоғимда қолган жаннатимдир. Худо берган бу жаннат бағрига тўйиб-тўйиб қолмаган гумроҳ мендирман. Этагидан ушлаб қололмаган «она» давлатимнинг иси келади, деб ҳали остонани, ҳали укаларимнинг юзлари, ҳали қўшнининг қўллари, ҳали девор, ҳали устунларни ўпиб юрган девона ўзимдирман.

Зал йиғлаяпти. Ёз ойлари эмасми, рўмолчасини уйда унутиб қолдирганлар кўйлагининг калта енгига кўз ёшларини артмоқда. Турсуной опа шитоб билан, завқ-шавқ билан шеър ўқийди:

*Борсам онам: жонимга жон қўшгани  
Турсунжоним келибди, деб яйрарди.  
Мен эсам-чи, ташиб қўша-қўш гамни,  
Нуқул болам ташвишидан сайрардим,  
Жонингизга жон бўлмадим, онам-а.*

*Дер эдингиз: чўнглар ичра чўнгимсан,  
Турсунхон, деб атанг менинг боламни.  
Салтанатим бугун синди чўн мисол,  
Султонлигим етимликка таланди,  
Сиздан кейин хон бўлмадим, онам-а.*

*Тевараги тўкис болам, бой болам,  
Турсунбойим, дея алқаб ўтдингиз.  
Минг бир камим теграмда чарх урса ҳам,  
Юрагимда тоғлар бино этдингиз,  
Сиздан кейин бой бўлмадим, онам-а.*

*Истарангни нурдан қилди худойим,  
Турсунойим, ой боламсан, дедингиз,  
Ул тўкислик бугун қани, ойимим,  
Нур узаткич қуёшим сиз эдингиз,  
Сиздан кейин ой бўлмадим, онам-а,  
Сиздан кейин ой бўлмадим,  
бой бўлмадим,  
хон бўлмадим,  
Ҳаргиз бутун жон бўлмадим,  
Онамў-ў-ў-ўв, онам-а...*

Гулдурос қарсақлар янгради. Тингловчиларнинг қизарган кўзлар ва юзларига қўшилаб, кафтлари ҳам қизариб кетди. Турсуной опа мухлисларига таъзим бажо келтириб, жойига ўтирди. Қарасам, ёнимда ўтирган даврабоши йўқ, ҳоким ўриндиғи бўш. Тўлиб турган эканман, микрофонга «Раҳмат. Тадбир тугади», деган сўзларни бир амаллаб айтдим. Кўрдимки, ҳоким саҳна пардасининг орқасида йиғлаб ўтирибди.

– Яхшики, боя опага миннатдорлик билдириб олган эканман, – дея олди у бир оздан сўнг юз-кўзларини артиб.

## Бир рисола тарихи

Турсуной Содиқовадан кўп нарсаларни ўрганганман. Опа иштирокида ташкил этилган учрашувлар, ўзаро суҳбатлар мен учун ибрат вазифасини ўтаган. Уларнинг мақтовга лойиқ фазилатлари қаторида суҳбатдошини руҳлантириш, илҳомлантириш, эзгулик сари чорлаш кабилар ҳам устувор эди.

Сира эсимдан чиқмайди, Республика Маънавият ва маърифат марказида ишлаган кезларимизда бир даврада сўз тегиб, «билағонлик» қилиб қолдим. Тахминан қуйидаги фикрларни айтганларим ёдимда:

– Азага борган кампир ўз дардини айтиб йиғлайди, деган мақол воизларга тўғри келмайди. Воиз борган жойини, унинг шарт-шароитларини, одамларини билиши керак, сўнгра эса маърузасини ўша муҳитга мослаштириши зарур. Бунинг учун у «мафкуравий харита»ни билмоғи лозим. Вазиятни баҳолашда бу жуда муҳим омил саналади.

«Мафкуравий харита» ҳақидаги тушунчаларимни айтдим. Унда эътибор қаратилиши лозим бўлган тўрт омилни келтириб, асослашга ҳаракат қилдим.

Опа фикримни маъқуллади ва бу гапларни қоғозга тушириб қўйишим кераклигини маслаҳат қилди. Бор гап шу.

Орадан бир кун ўтиб, ишхонада шошилинич йиғилиш бўлиб қолди. Раҳбар юқоридан топшириқ олганлигини, зудлик билан «Воизга ёрдам» туркумида қўлланмалар тайёрлаш ва китобча ҳолида чоп этиш лозимлигини айтди. Бўлажак қўлланмаларнинг мавзуси, жалб қилинадиган муаллифлар муҳокама қилинди.

– Тайёр матн бор, – деди Турсуной опа, чамаси, менинг кечаги гапларимни назарда тутиб. – Озрок

ишлов берилса, кифоя. Бу ишни мен ва Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўз зиммамизга оламиз.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов таниқли ёзувчи, машхур драматург, ўткир публицист. У киши билан ҳам бир ишхонада ишлаймиз. Бир-биримизга хурматимиз чексиз эди.

Мен қотиб қолдим. Опанинг гапларига эътироз билдиргандек бўлдим. Чунки ҳали бир сатр ҳам ёзмаган эдим.

– Кечаги матни назарда тутяпман. Сиз ҳам кўрган бўлсангиз керак, – опа Абдуқаҳҳор акага юзлашиб, ундан тасдиқ аломатини олди.

Менинг ана шундай улуғ зотларга эътироз билдиришга жасоратим етмади. Жим қолдим. Бу розилик сифатида қабул қилинди, чамаси, режа тасдиқланди.

Ийгилишдан кейин опани ўз хонамга чақиртирдим. Эътирозларимни тўкиб сочдим.

– Ёзмаган бўлсангиз, энди ёзасиз. Бошқа гап йўқ, – деди Турсуной опа.

Бу марказ бўлим мудирини Турсуной Содиқованинг марказ раисининг ўринбосарига берган қатъий топшириғи эди. Бундай гапиришга опанинг маънавий ҳаққи бор эди, албатта.

Шу тариқа икки кун қоғоздан бош кўтармай ўтирдим. «Нотиқлик маҳорати», «Масъулият юки», «Мафкуравий харита», «Қалбни забт этиш воситаси», «Таянч нуқтаси», «Нотиқ ва унинг «мен»и» каби сарлавҳалар билан битилган кузатув ва таҳлиллардан иборат мақолалар асосида мўъжазгина қўлланма пайдо бўлди. Кемтикларини Абдуқаҳҳор ака ва Турсуной опалар айтиб туришди. Кўп ўтмай, «Соғиниб кутилган учрашувлар» деб номланган китобча чоп этилди.

## Соғиниб кутилган учрашувлар

Янги асрнинг даслабки йилларида ишхонамизда жуда кўп қўлланмалар китобча шаклида босмадан чиқди. Муаллифлар доираси кенгайди. Бунда қайси йўл билан бўлмасин, одамни илҳомлантира оладиган Турсуной опанинг хизматлари катта бўлган.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий мафкура илмий-тадқиқот маркази томонидан чоп этилган «Соғиниб кутилган учрашувлар» (ёхуд нотиклик маҳорати сирлари) маъруза матни беш минг ададдан икки марта чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида нашр этилган рисолага муҳаррирлик қилган филология фанлари номзоди Султонмурод Олим шундай деб ёзади:

*«Ушбу рисола нотиклик маҳорати ҳақидаги амалий йўналишлари билан ажралиб туради. Муаллиф бугунги кунда жамoa орасида олиб борилаётган суҳбатлар, маърузалар, мулоқотлар қайси жиҳатлари билан тингловчиларни ўзига ром этиши мумкинлиги ҳақида фикр билдиради. Бу фикр ва мулоҳазаларнинг айримлари баҳсталаб бўлиши мумкин, лекин у умумий ишга ёрдам беради, воизга вазиятни аниқлаш ва баҳолашда кўмаклашади, деб ўйлаймиз».*

Рисола маънавият ва мафкура соҳасида ишлаётган кишиларга мўлжаллангани ва оммабоплигини назарда тутиб, бир оз қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдим.

Аввалдан айтиб қўя қолай, рисоланинг бир жойида «Ҳамкасбларимиздан бири, таниқли воиз, кўпчиликнинг хурмат-эътиборига, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган нотик» деб бошланадиган мисоллар қаҳрамони айнан Турсуной Содиқова бўлади.



Китоб ёзишда камдан-кам одам опанинг олдига тушар эди. Ўша йиллари ва ундан кейин ҳам энг кўп кўлланмалар опанинг қаламига мансуб бўлган. Рисоланинг ёзилиши ҳам Турсуной опадан олинган ибрат маҳсулидир.

### **Нотиқлик маҳорати нимада?**

Миллий истиқлол ғоясини кенг омма онги ва қалбига сингдириш ниҳоятда долзарб, айти пайтда ўта нозик вазифа. Бу борада тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти беқиёс. Тарғибот ва ташвиқотнинг эса йўл-йўриқ, восита ва усуллари кўп.

Бугун ривожланган мамлакатларда бу иш ҳам техника зиммасида. Маърузани компьютарлар ўтказмоқда. Замонавий техника воситасида бир маърузани айти пайтнинг ўзида юзлаб аудиториялар қабул қилмоқда. Яна турли системалар, мультимедиялар, электрон алоқа, масофадан ўқитиш ва шу каби усуллар бор. Лекин, барибир, энг самарали йўл – одамлар билан юзма-юз туриб, дилдан суҳбатлашишга, тингловчилар тафтини сезишга ҳеч нарса етмайди.

Бу суҳбатлар қандай бўлиши лозим? Тарғибот ва ташвиқот ишларига жалб этилаётган зиёлиларимиз яхши ният билан одамлар орасига отланар эканлар, аввало, нималарга эътибор беришлари керак? Биз ана шулар ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларимизни баҳам кўришга жазм этдик.

### **Масъулият юки**

Баъзан уйимиздаги тўрт нафар фарзандимизга сўзимизни уқтира олмаётганимиз рост. Баъзан эса

фарзандларимизнинг айрим фикрлари бизнинг фикрларимиздан салмоқлироқ бўлаётгани ҳам сир эмас. Фикрлар, қарашлар турлича бўлиши табиий. Аммо бораётган жойимизда бизни тўрт нафар эмас, эҳтимол, тўрт юз киши кутаётгандир. Белгиланган қирқ дақиқалик маъруза уларга қандай маънавий озуқа бериши мумкин? Ишқилиб, йиғилганларнинг вақти зое кетмайдими? Вақт – бу қайтиб келмас умр. Тўрт юз нафар одамнинг қирқ дақиқадан ўғирланган вақти неча кунни ташкил этишини ҳисоблаш ҳам қийин эмас.

Бир нотикқа берилган баҳо кўп сонли тарғиботчиларга берилган баҳодир. Салмоқли фикрлар айтиб, ана шу корхона, ташкилот эшигини биздан кейин борадиган ҳамкасбларимизга каттароқ очиб беришимиз ҳам, аксинча, арзон гап айтиб, очилган эшикни беркитиб қўйишимиз ҳам мумкин. Ҳар қандай шароитда ҳам йиғилганлар воизга катта умид билан қарайдилар, ундан янги гап кутадилар, билмаганларини билиб олишни, эшитмаганларини тинглашни истайдилар. Маърузадан маънавий озуқа олишни, руҳан бойишни хоҳлайдилар.

Воизлик ёдлаб олинган маттни шунчаки айтиб берувчи ҳам, чечанлик, суханбозлик ҳам эмас. Воизлик илмга йўғрилган нотикликдир, маҳоратдир, ўзига хос санъатдир. Қолаверса, воизлик халқ, Ватан ишига камарбасталиқдир. У шу куннинг сиёсатини кенг халқ оммаси орасига олиб кирувчи шахс. Бошқаларни руҳлантирувчи, Ватан, эл манфаатини ҳар нарсадан устувор деб билувчи киши. Мана шуларни англаган одамни ҳамisha масъулият юки босиб туради.

У имтиҳон топширгани бораётган талабага ўхшайди. Фарқи шуки, имтиҳон олувчи битта эмас,

улар кўп ва воиз қаршисида ўтиришибди. Балки, улар орасида олиму фузалолар, воиздан-да билимдонроқ кишилар ҳам бордир. Шу боис мақсад аниқ, айтиладиган сўз салмоқли, фикрлар янги ва албатта, қизиқарли бўлиши шарт.

Маълумки, мақсад шу куннинг талабидан келиб чиқади. Талаблар эса жуда юксак: у мамлакатнинг буюк келажаги, Ватан равнақи, юрт ободлиги билан, инсонларни комиллик сари ундаш билан чамбарчас боғланиб кетган. Мақсад чиндан улуг. Унинг улуглигини халқ қалбига етказа билиш лозим.

Воиз жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва бойишига таъсир ўтказа олсагина, тингловчини ўз ҳақ-ҳуқуқи, имконияти ва иродасига таянишга, ўз тақдирининг бунёдкори бўлишига даъват эта олсагина, мақсадга эришади. Агар у мамлакатда бораётган бунёдкорлик ишларидан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлмаса-чи, унда қандай қилиб фидойи бўлишга чорлай олади?!

Шундай экан, айтиладиган гапнинг пухта ва салмоқли, ҳаётийлигининг ўзи етмайди, у чин юракдан, самимий бўлиши лозим. Шундагина тингловчиларни ҳайратлантира оламиз. Тингловчиларнинг онги, қалби ва руҳига таъсир кўрсата биламиз. Мана шуниси ҳам муҳим.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, одамларимиз самимий гапнинг шайдоси. Агар бу гап Ватан келажаги, халқ тақдири билан боғлиқ бўлса-чи, унда уларда иштиёқ ҳар қачонгидан ҳам баланд бўлади. Шу боис мамлакат келажаги халқ тақдири билан боғлиқ миллий ғоя, миллий мафкура ҳақидаги суҳбатларга ўта масъулият билан ёндашмоқ, бу муқаддас тушунчаларнинг аҳамиятини туширмаслик ло-

зим. Токи нўноқ ва билимсиз нотик, қош қўяман деб, кўз чиқармасин, муқаддас тушунчаларни сийқалаштириб қўймасин.

## Мафкуравий харита

Ҳарбийларда шундай қоида бор: бирор қарор қабул қилишдан аввал вазият ўрганилмоғи ва баҳо-ланмоғи даркор.

Азага борган кампир ўз дардини айтиб йиғлайди, деган мақол воизларга тўғри келмайди. Воиз борадиган жойини, унинг шарт-шароитларини, одамларини билиши керак, сўнг маърузасини ўша муҳитга мослаши лозим. Бунинг учун у мафкуравий харитани билмоғи шарт. Вазиятни баҳолашида бу жуда муҳим.

«Мафкуравий харита» тушунчаси маънавиятчилар, тарғиботчилар учун у қадар янгилик эмас, лекин ниҳоятда долзарб. Хўш, мафкуравий харита ўзи нима? У ўзида нималарни акс эттиради? Унинг фойдаси қандай? Ана шу саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Бизнингча, аввало, тўртта нарсага эътибор қаратиш керак. Буларни шартли равишда жуғрофий, ижтимоий, психологик ва эҳтиёжий масалалар деб номлаш мумкин. Бу масалалар тингловчи ва нотик ўртасида самимий алоқа ўрнатиш, ўзаро ишонч қозониш учун хизмат қилади. Ўтказилган тадбирдан мурод ҳосил бўлишини таъминлайди.

Мафкуравий хаританинг жуғрофий масалалари хусусида гап кетар экан, маърузачи бориши режалаштирилган маҳалла, қишлоқ, туман ҳақида аввалдан етарли маълумотга эга бўлмоғи керак. Битта маъруза матни билан мамлакатнинг жанубию шимолида суҳбат ўтказиб бўлмайди. Тўғри, ҳамма

жойда айтилмоқчи бўлган гапнинг мазмун-моҳияти ягона бўлиши мумкин. Лекин унга ҳудудий «либос кийдириш» керак.

Бу «либос» нималарда кўринади?

Аввало, тингловчилар маърузачининг шу масканга бегона эмаслигини ҳис этсин. Бунинг учун нотик шу ер тарихини, бугуни ва истиқболини, муаммоларини, машҳур одамларини билишини ўз маърузаси давомида у ёки бу тарзда билдириб ўтиши фойдалидир. Маърузасидаги мисолларни имкон қадар шу ҳудуд билан боғлаши керак. Ўрни келса, маҳаллий шевани ишлатиш ҳам ўзаро яқинликни кучайтиради.

Шуни унутмаслик керакки, ҳамма жойда ва ҳаммиша меъёр деган мезон чизиғи бор. У шундай бир чегараки, яқинлашмасанг, мақсадга етолмайсан, ўтиб кетсанг, гапларинг арзонлашиб бораверади.

Мана шу қоидаларга амал қилиш тингловчи ва нотик ўртасида самимиятни ҳосил этади. Сухбатга жон киритади. Тингловчи меҳрини қозонишга хизмат қилади.

Мафқуравий хаританинг яна бир муҳим қисми – тингловчиларнинг ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олишдир. Бизнингча, бу бирламчи шартлардан. Сухбат йиғилганларнинг маълумоти, ёши, касб-корига қараб ўтказилиши лозим. Албатта, олимлар аудиторияси билан дала шийпонидаги меҳнаткашларнинг, кўпчилигини қариялар ташкил этадиган чойхонадаги сухбат билан коллеждаги мулоқотнинг, қурувчилар билан тўқимачилар ўртасидаги маърузанинг бир-биридан фарқи бўлиши шарт.

Ушбу рисоланинг қўлёзмасини ўқиган ҳамкасбларимиздан бири унинг ҳошиясига қуйидагиларни ёзибди:

«Эркаклар йиғилган бўлса, бугунги уй ва кўча иқлимида эркакнинг ўрни ҳақида; кекса аёллар кўп бўлса, «Фарзандлар биздан розими?» қабилида; ёш йигит-қизлар даврасида аввал муҳаббат мавзусида, сўнг ишққа қандай одам муносиб, деган саволни ўртага ташлаб, комиллик сирлари хусусида; агар зал 30-40 ёшлилардан иборат бўлса, оила илми тўғрисида, касб-кор эгаларига ҳалоллик, ихлос хусусида, ҳарбийларга Ватан, ватанпарварлик, йигит орияти ҳақида сўзламоқ жоиз».

«Менга эркакларни йиғиб беринг. Бир зал тўла эркак бўлсин, шундай гапларни айтайки, аёлларининг атрофидан кетолмайдиган бўлиб қолишсин!» деган гапни таниқли воиздан кўп бор эшитганман. Бу гапда ҳазил бор, албатта, лекин коса тагидаги нимкосага ҳам аҳамият бериш керак.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос одатлари, одамларининг феъли бўлади. Бунинг англаб олиш у қадар мураккаб иш эмас. Айтишларича, аксарият андижонлик ҳайдовчилар машинасини йўлда қувиб ўтиб бўлмас эмиш. Уларнинг йўли бошқа бўлса ҳам, албатта, қувиб ўтган транспортга етиб олиб, сўнг ўз йўлига кетишар экан.

Ёки паркентликлар билан суҳбатлашиб, гап орасида «Паловни Чўнтақда ва Бўқада зўр тайёрлашади-да», десангиз, «Паркентнинг ошини емагансиз-да», деб жавоб беришади. Баҳс қизиса, ош дамлаб, амалда исботламасдан қўймайдилар ҳам.

Тингловчиларни «қизитиш» учун асқатадиган суҳбатбоп ибратли мисолларни қўшни туман ёки вилоятдан келтирса, яна яхши. Хуллас, келинингиз олдида қўшни келинни мақтасангиз, ютқазмайсиз.

Бухороликлар меҳнатга чидамли, фарғоналикларни гапга чечан, дейишади. Қўқонликларни сер-

мулозамат, хиваликларни каммулозамат, деб таърифлашади. Эҳтимол, булар шунчаки бир гапдир. Лекин айнан шундай хусусиятларни эътиборга олиб, ҳудуддаги одамларнинг феълига қараб, нотик тарғиботнинг қиёслаш усулидан, воқеаларни солиштириш воситасидан ва бошқа шу каби йўллардан фойдаланса, мулоқот самарали бўлади. Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб, уларни мафкуравий хаританинг психологик жиҳатлари, деб белгилаш мумкин.

Табиийки, йиғилган жамоани бир муаммо ўйлантириб турса-ю, нотик гапни бошқа тарафдан бошласа, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боисдан йиғилганларнинг талаб ва эҳтиёжларини ёхуд мавжуд вазиятни инобатга олиб, сўз айтган яхши. Биз хаританинг эҳтиёжий жиҳати деганда, ана шуни назарда тутдик.

Ҳамкасбларимиздан бири, таниқли воиз, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган нотик билан коллежлардан бирига бордик. Табиийки, суҳбат мавзуси аввалдан белгиланган эди. Учрашувдан аввал вазиятни билиб олмоқ мақсадида ўқув юрти раҳбарияти билан озгина суҳбатлашиб олдик. Кетма-кет саволлар бердик. Гап орасида ўқувчилар орасида бир ой аввал нохуш ҳодиса рўй берганлигини билдик. Воиз хушёр тортди, кўнгил сўрагандек бўлди. Бошқа савол бермади.

Нотик мавзунини ўзгартиришини аввалдан сезгандик. Учрашувда нохуш воқеа эслатилмади, аммо гап яшамоқ гашти ва бахти ҳақида бўлди. Яхши натижага эришилди. Инсон ҳар қандай шароитда ҳам иродасини қўлдан бой бермаслиги керак, деган фикр санъаткорона тарзда илгари сурилди.

Яна бир гал ташкиллаштирган тадбиримиз кўпроқ ёшлар меҳнат қиладиган корхонада бўлиб

ўтди. Ҳар сафаргидек тадбир олдидан вазиятни аниқладик. Раҳбар кўнглини очди: «Ҳозир олаётган маошимиз кам, лекин яқин уч ойда қарзлардан қутуламиз, даромадимиз сезиларли кўпаяди», деди. Шу гап мавзуни ўзгартирди. Нотик бу сафарги суҳбатида урғуни сабр-тоқат ва қаноат билан яшамок кераклигига қаратди.

### Қалбни забт этиш воситаси

Шахматчилар муваффақиятли дебютни ярим ғалаба деб баҳолашади. Воизнинг дебюти унинг минбарга чиқиши ва биринчи фикрни айтиши. Ҳар қандай минбар, ҳар қандай жамоанинг салобати бўлади. Салобат босса, овоз титрайди, оёқ қалтирайди, фикр чалкашади.

Шу боис воизда руҳий тайёргарлик бўлиши лозим. Руҳий тайёргарликнинг энг муҳим шартларидан бири – одамнинг ўз-ўзига ишонишидир. Воизнинг ўзига ишончи қачон ортиб боради? Мавзу унинг қалбига яқин бўлса, мавзу шу жамоага малҳамлигини сезса, яна ўзини бегона ҳисобламаса.

Тингловчи ўта синчков бўлади. Воизнинг кийиниш маданиятига ҳам, ўзини эркин тута билишига ҳам, сахна маҳоратидан илми борлигига ҳам бепарқ қарамайди. Кимдир босиқлик билан, кимдир жўшқинлик билан гап бошлайди. Ҳар қандай шароитда ҳам воизда самимият балқиб туриши керак.

Фикрларни мантиқ билан равон, изчил ва самимий баён қилиш жамоа диққат-эътиборини забт этишнинг асосий омилларидир. Шунга эришмоқ керакки, суҳбат давомида воиз имтиҳон топширувчи талабадан имтиҳон олувчи муаллимга айланиб бора олсин.



## Таянч нуқтаси

Телевизор ёки радиода гапираётган одамга осон тутиб бўлмайди. Чунки у тингловчисини кўрмайди. Гапининг таъсирини кўролмайди, салмоғини сезмайди. Мухбирдан бўлак ҳеч ким унинг гапини маъқуллаб турмайди. Баъзи мухбирлар эса хатти-ҳаракатлари билан ҳам рағбат бермайдилар.

Воиз – кайфият кишиси. У ўз суҳбати давомида муносабатни, тингловчисининг ички рағбатини билиб туриши керак. Бошқача қилиб айтганда, маъруза давомида воиз ўзини ўзи кузатиб бориши жоиз. Мақсад – у айтаётган гаплар тингловчиларга сингяптими ёки йўқ? Буни ҳозирги тил билан мониторинг деб ҳам аташ мумкин.

Ўз-ўзини кузатишнинг, баҳолашнинг, тингловчидан рағбат олишнинг қандай йўл-йўриқлари бор?

Бунинг учун воиз жамоа орасидан ўз таянч нуқталарини топиб олиши зарур. Таянч нуқтаси воизга хайрихоҳлигини дарҳол сездириб қўйган, унинг гапларини юз ва бош ҳаракатлари, кўзлари билан маъқуллаб ўтирган тингловчидир. Ҳар бир аудиториядан уч-тўрт нафар ана шундай тингловчини топиб олиш ўта муҳим. Улар қанча кўп бўлса, воизнинг қулфи-дили очилаверади.

Бутун бир жамоа таянч нуқтасига айланса, тингловчилар воиз кулса – кулади, йиғласа – йиғлайди. Кўз ёшларини артадиган рўмолчаси уйда қолган бўлса, ёнидаги қўшнисидан сўрайди. Ҳатто ўзини назорат қилишни ҳам унутади. Тингловчи воиз фикрига бутунлай маҳлиё бўлиб қолади. Шунда воиз якка «ҳоким»га айланади. Энди у ҳар қандай фикрни одамларга тўла сингдириши мумкин. Тингловчи вақт ўтганини, маъруза тутаганини сезмай қолади.

Бундай ҳолларда мақсадга эришиш жуда осон кечади. Қани энди ҳамиша ҳам шундай бўлса!

Афсуски, бундай ҳоллар камдан-кам юз беради.

Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг «Нутқ» деб номланган машҳур ҳикояси эсагушгади. «Кенг эшитувчилар оммаси учун мўлжалланган» нотик тўйининг бир йиллиги муносабати билан кечки овқат олди-дан ёлғиз турмуш ўртоғи олдида расмий нутқ сўзлайди. Мана унинг «нутқ»и:

«— Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!

Бундан 365 кун муқаддам сиз билан биз ўз ҳаётимизда қатъий бурилиш ясаб, зўр синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик. Илгариги вақтда фақат эркак, эндиликда эса ҳам эркак, ҳам хотин бошчилик қиладиган оила масаласи ўзингизга маълум бўлганлиги учун бунга кенг равишда тўхтаб ўтиришни лозим кўрмайман.

Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилий хўжалик жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар.

Хўш, бу ютуқларимиз камчиликларимизни қоплаб, бизни хотиржамликка солиши мумкинми? Агар биз камчиликларимиздан бевосита кўз юмиб, яшасинчилик кайфиятларига берилиб кетадиган бўлсак, хато қилган бўламиз.

Бизда камчиликлар борми?

Бор, оз эмас! Масалан, июль ойининг биринчи ярмида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда йўл қўйган жиддий нуқсонларимизни олайлик. Бу масалада икковимизнинг ҳам жинойткорона совуқ қарашимиз орқасида қатор чиришлар, бузилишлар, кўкаришлар юз бердими? Факт! Буни нима билан оқлаш мумкин? Ҳеч нарса билан!

Иккинчи масала, яъни ички имкониятлардан фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзингизга маълум, бизда юқори сифатли мис чойнак бор. Шу чойнакнинг қопқоғи бугунги кунда йўқ. Бу ҳақда биз бир-биримизга сигнал бердикми? Йўқ! Агар биз ўзибўларчиликка узил-кесил барҳам бериб, қопқоқ масаласини кун тартибига кўндаланг қўйсак, агар биз шу чойнакни ўз вақтида тегишли қопқоқ билан бевосита таъмин қилсак, самоваримиз сафдан чиққан кунларда ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Афсуски, биз бу масалага муросасозлик кўзи билан қарадик. Бугунги кунда чойнагимиз қопқоққа эга эмас, мутлақо эга эмас...»

Бир қарашда, нутқ рисолаларда белгиланган ҳамма талабларга жавоб беради. Кириш, асосий қисм, хулоса, мисоллар... Донолардан фикрлар, адабиётлардан кўчирмалар ҳам келтирилади. Хуллас, ҳамма нарса бор. Лекин нотикда бир нарса йўқ: Бу – фаросат. Нутқ шу ҳолатга, вазиятга жойиз эмас. Унда маъно-моҳият йўқ. Хотини нутқни мажбуран тинглаяпти, лекин ҳеч нарсага тушунмаяпти. Но-

тиқ учун энг муҳими, чиройли сўзлар тизимидан маржон яшаш, расмиятчиликнинг олий намунасини кўрсатиш.

– Ўз муҳаббатимни яна бир марта амалий суръатда изҳор қилгани рухсат беришингизни талаб қиламан, – дейди нотик ўз сўзининг охирида.

Хотин эрининг ниятини сўзларидан эмас, хатти-ҳаракатидан тушунади, холос. Ёзувчи ҳикояни жуда муваффақиятли хулосалайди. Нотик ўз нутқини тугатгач, яна аслига қайтади. Хотини энди унинг ҳар бир сўздан кулади, завқланади. Нотикнинг дили ва тили, иши ва турмуш тарзи мутаносиб бўлиши керак. У ҳаётида қандай бўлса, минбарда ҳам шундай бўлиши шарт.

### Билмаслик – айб... эмас

Тингловчи ва нотик ўртасидаги самимият, ҳурмат, меҳр-муҳаббат мақсадга осон эришишнинг гарови эканлигини юқорида ҳам таъкидладик. Маърузачининг дағаллиги, беписандлиги, баландпарвозлиги баъзан нохуш аҳволларга ҳам олиб келади. Тингловчи атайлаб қалтис саволлар бериши ва бу билан воиз ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкин. Ана шундай вазиятда савол берган одамнинг исм-шарифини, касб-корини, манзилни сўраш ундан ҳам ёмон оқибатни келтириб чиқаради. Чунки савол берган одамнинг хайрихоҳлари кўпаяди. Бундай ҳодиса жамоа ва воиз ўртасини бўлиб қўяди. Орада катта жарлик пайдо қилади.

Мана шундай нозик вазиятлардан чиқиб кетишнинг ҳам йўл-йўриқлари бор, албатта. Айтайлик, аниқ жавоб талаб қиладиган саволга нотикда жавоб йўқ. Бундай шароитда воиз саволнинг долзарб ва ўз вақтида берилганлигини эътироф этиши лозим.

Айнан шу савол юзасидан уни баён қилган шахснинг ва бошқаларнинг нуқтаи назарини билиш воиз учун қизиқарли эканлигини билдириб, жамоадан фикр олиш ва умумлаштириш бир оз бўлса-да, самара бериши мумкин.

Саволнинг мазмунига қараб, ҳазил-мутойибага йўйса ҳам бўлади.

Доноларнинг фикрича, инсон қанча кўп ўқиса, шунча кам нарса билишини англаб борар экан. Билмаслик – айб эмас, билишни истамаслик айб. Берилган саволга воиз жавоб тополмаса, рост гапни самимий айтиш ҳам – жасорат. У умумий ишга салбий таъсир қилмайди.

### Нотик ва унинг «мен»и

Яна бир мулоҳаза. Бу нотик ва унинг «мен»и ҳақида.

Бурҳониддин Марғиновичдек заҳматкаш аллома ҳаётининг мазмуни бўлмиш 57 китобдан иборат «Ҳидоя»дек улкан асарни бунёд этгани, ўз асарларида бирор марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмагани, балки «Бу заиф банда айтади», дея изоҳ бериши ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Ҳақиқатан ҳам, камтарлик бизга ота-боболардан мерос. Бу фазилат ҳамиша инсонни безаб келган. Афсуски, баъзида нотикнинг «мен»и биринчи ўринга чиқиб кетадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Айрим нотиклар ўз таржимаи ҳолидан тортиб, оилавий шароитига, яратган илмий асарларидан тортиб, газетада чоп этилган хабарига тўлиқ ахборот берадилар.

– Мен профессорман ва ўзимни ёмон профессор деб ҳисобламайман, – деб гап бошлади ҳурматли нотикларимиздан бири.

– Мен фалон, фалон китобларнинг муаллифиман, – дея сўз бошлади ундан кейин сўз олган бошқа нотик.

Нотикнинг «мен»ини улуғлаши тингловчининг гашига тегади ва табиийки бу унга ҳамда унинг сўзига бўлган эътиборини сусайтиради.

Нотик «мен»и – юкумли касаллик. Унинг давоси битта: камтарлик!

### **Ўн актёрнинг ўрнини босган нотик**

Маънавият ва маърифат марказининг Тошкент вилояти бўлимида ишлаётган кезларим. Пойтахтдаги театрлардан бирининг жамоаси билан вилоятда иккита тадбир ўтказиш юзасидан битим қилдик. Нарх-наво келишилди, шартнома имзоланди.

– Фақат маблағни олдиндан ўтказиб берасизлар, – деди ижодий жамоа раҳбари.

Биринчи тадбир Ангрэн шаҳрида бўлиб ўтди. Орадан уч кун ўтиб, Янгийўл шаҳрида иккинчи тадбирни ташкиллаштиришимиз лозим эди. Қанчалик елиб-югурмай, маблағни ўз вақтида ўтказа оладим. Санъаткорлар шу баҳона вилоятга чиқишдан бош тортишди. Нима қилиш керак? Тадбир ҳақида эълон берилган. Шаҳарда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Тадбирни қолдириш эса субутсизлик. Театр труппасининг ўрнини ким боса олади?

Ўйлаб-ўйлаб, Турсуной Содиқовада тўхтадик.

Турсуной Содиқова Республика Маънавият ва маърифат марказига эндигина ишга келган, мен у кишини ҳали танимас эдим. Марказга бордим. Иш вақти тугаганлигига қарамай опа ўз хонасида экан. Ўзимни таништирдим, муддаомни айтдим. Бундай

вазиятда ҳар қандай одам ҳам ўзини «тарозига солади». Обрўсини, мавқеини оширмақчи бўлади. Лекин опа мард аёл эди. Ўйлаб ўтирмай розилик берди.

Тадбир жуда файзли ўтди. Қарсақлар, гуллар, ширин калом изҳорлар...

– Опа ўн актёрнинг ўрнини босар экан, – деди меҳмонни кузатиб қайтаётганимизда Янгийўлда ишлайдиган масъул ходимимиз Сайёра Мамадалиева театр труппаси келмаганлигига шама қилиб.

### «Яшасин, эркаклар!»

– Турмуш ўртоғим бир марта ўтлаб кетдилар, уйга қайтганларида кечирдим. Иккинчи марта кетиб қолдилар, яна кечирдим. Ҳозир ҳам кетиб қолганлар. Энди нима қилай, келсалар кечирайми?

Бу бўлиб ўтган навбатдаги тадбирларнинг бирида тингловчи аёл томонидан воизга берилган савол эди.

– Кечирасан-да, кечирмай қаёққа борасан? – опанинг болалиги Тошкентда ўтганлигиданми ёки ўзига яқин олибми, ёши ўзидан кичик аёлларга сенсираб мурожаат қилар эди. – Кетдилар, келсалар, деб эрингнинг ҳурматини жойига қўйиб гапиряпсан-ку. Демак, яхши кўрасан, кечирасан.

Ҳамма кулиб юборди. Ярим ҳазил айтилган бу гапнинг замирида чуқур маъно бор эди.

– Агар эринг ишдан ҳориб-толиб келганида, ювиниши учун қўлига иссиқ сув қуймасанг, қалбини хушнуд қиладиган икки оғиз ширин сўз топа олмасанг, оғзига ёқадиган бир ошам таом қўя олмасанг, – опа бир зум тин олиб турди-да, гапини соддагина яқунлади, – ўтлаб кетади-да.

Мен дарҳол пайқадим. Аслида сўнги жумла сал бошқачароқ бўлиши керак эди. Бир учрашувда опа эҳтиросга берилиб, ана шундай ўтлаб кетган эркакларни «Яшасин!» деб юборганди. Ана шу жумла нотикнинг бошига кўп маломатлар олиб келган.

Оила деб аталмиш муқаддас қўрғоннинг яхлитлигини сақлаш биринчи навбатда аёлнинг зиммасида эканлигини тушунтиришдан Турсуной опа сира ҳам чарчамас эди. Ташкил этган тадбирларимизда асосан аёллар иштиради. Шу боис опа эркакларга ён босиб гапирарди. Агар эркаклар йиғилса борми, сўзсиз аёлларни осмонга олиб чиқиб қўярди.

### Тенг егани тангри суяди

Оҳангарондаги дон комбинатида бўлиб ўтган учрашувда биз беҳабар машинага икки қоп ун юклаб юборишибди. Бу гапни ҳайдовчи Турсуной опани ишхонасида қолдириб қайтганимиздан кейин айтди. Бориб, ҳар икки қопни ҳам опанинг хизмат машинасига юклаб қўйиш кераклигини айтдим.

Эртаси куни эрталаб опа мени чақиртирди. «Тенг егани Тангри суяди», деди. Бир қоп унни қайтариб олиб келганлигини айтди. Мен уни ноилож машинага юкладим.

Орадан бир муддат вақт ўтиб, гап орасида мен ўша куни ишдан қайтаётим, маҳалламизда тўй қилаётган қўли калтароқ оила хонадонига кириб ўтганим, унни шу оилага ҳадя қилганимни айтдим.

– Бундай гапларни айтмаган маъқул, – деди суҳбатдошим. – Энди мен ҳам айтайин: ўша куни иккимиз ҳам деярли бир хил иш қилибмиз...

Ўзим гувоҳ бўлганман, учрашувларда опага кўп совғалар берилар эди. Йўл-йўлакай уларнинг бар-



часини тарқатиб келарди. Турсуной Содикова ҳаётда ана шундай танги инсон эди.

Биз 1999 йилда муборак Ҳаж ибодатида бирга бўлганмиз. Ана шу саодатли кунларда опанинг эътиқоди ниҳоятда мустаҳкамлигига, ибодатда собитлигига амин бўлганман. Уларнинг сўзлари ва амаллари бир-бирига жуда уйғун эди.

### «Хола эмас, амма бўлинглар...»

Воизлик санъатини озми-кўпми, эгаллаган бўлсам, бунда Турсуной опанинг хизматлари жуда катта. Учрашувларда опа ҳамиша ўзидан аввал менга сўз бердирар эди. Бу сира ҳам «Чиройингни кўрсатмоқчи бўлсанг, ўзингдан хунукроғини дугона қил», деган қизлар фалсафаси эмас эди. Ана шу тадбирларда чархлангандек бўлдим.

Меҳнат фаолиятимнинг каттагина қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ. Маҳалланинг вилоят, республика тизимларида раҳбар лавозимларида ишладим. Бу соҳада ҳам маънавиятчи бўлганлигим, Турсуной опадан ўрганганларим жуда асқатди.

Бўш вақтларимда маҳаллада ишлайдиган ходимларнинг малакасини ошириш курсларида маърузалар ўқидим. Тингловчиларнинг эътиборини йиғиб олишда опанинг услубларидан тўла фойдаландим.

Маҳалла жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлимида раис бўлиб ишлаган кезларим фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича малаҳатчилари билан илк бор учрашганимда гапни «Ассалому алайкум, Анзират холалар!» деб бошлаганман.

Биласиз, Анзират хола – ўзбек киночилари ишлаган машҳур «Суюнчи» бадиий фильмининг бош

қахрамони. Маслаҳатчилар маҳалла ишининг куйди-пишдисиди ана шу персонаждан ўрнак олишлари керак, деган ишора бор эди, бу гапимда.

Орадан ўн бир йил ўтиб, яна худди шу лавозимда қайта ишлаш тақдир бўлди. Энди бу тоифадаги аёллар билан учрашганимда ёки улар даврасида маъруза ўқиганимда (уларнинг лавозимлари ҳозир маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила ва тарбия масалалари бўйича ўринбосарлари, деб номланди), гапни «Ассалому алайкум, Анзират аммалар!» деб бошлаганман. «Сизлар хонадонларга энди хола бўлиб эмас, амма бўлиб киришлар», деган ақидани кулоқларига қуйишга ҳаракат қилдим.

Тингловчилар асосан аёллар, уларнинг ҳар бири кимгадир хола, кимгадир амма. Хола «илонбош», амма «саватбош» бўлади, деган гап бор халқимизда. Жиянлар холам келди, деб пешвоз чиқадилар, лекин ҳамма вақт ҳам аммам келди, деб юраги ёрилмайди.

Чунки амма аксарият ҳолларда хонадондаги камчиликларни гапиради ва бунга маънавий ҳаққи бор кўринади. Бу ҳол ҳаммага ҳам ёқавермайди. Амма билан холанинг ўртасидаги жуда нозик ўхшашлик ва фарқни менга Турсуной опа ҳижжалаб тушунтириб берган эди.

Хонадондаги камчилик ва нуқсонларни дўстона кўрсатиб бериш, йўл-йўриқ кўрсатишда гарчи ёмон кўринса-да, аммалар пешқадам.

**Эй, умри азиз...**

Турсуной Содикова 1944 йили Андижон шаҳрида туғилган. Болалиги Тошкент шаҳрида ўтган. Шу ерда ўрта мактабни тугатган. Тошкент давлат уни-

верситетида таълим олган. Ўрта мактабда муаллим, ёшлар ташкилотларида, кейинчалик Андижондаги институтда, Республика Маънавият ва маърифат марказида ишлаган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Турсуной Содикованинг илк шеърий тўплами «Куй» номи билан 1976 йилда чоп этилган. Шундан бери «Гул фасли» (1981), «Иқбол» (1984), «Дил гавҳари» (1985), «Излай-излай топганим» (1988), «Гиря» (1994) каби ўнга яқин шеърий гулдасталар яратиб, ўз ўқувчиларига тақдим этди. Шунингдек, одоб-ахлоқ мавзуларида битилган мақолаларини «Андиша» (1988), «Меҳригиё» (1989), «Бахтли бўлинг» (1989), «Бахт нима?» (1994), «Ўзбек шеъриятида анъана ва ўзига хослик» каби номлар билан тўплам ва қўлланмалар тарзида нашр эттирган. Республика Маънавият ва маърифат марказидаги меҳнат фаолияти даврида кўплаб бадиий, маънавий-публицистик китоблари чоп этилган.

Маълумотларга кўра, Турсуной Содикованинг мамлакатимиздаги давлат ва хусусий нашриётлар томонидан чоп этилган одоб-ахлоққа оид китоблари сони 100 тадан, уларнинг умумий адади эса уч миллион нусхадан ортади. Бобур Мирзонинг ҳазрат Навоийга берган таърифларига ҳамоҳанг айтилса, маънавият, инсонийлик илми, одоб-ахлоқ борасида ҳеч ким Турсуной опачалик «кўп ва хўб ёзғон эмас...»

Шоира 2017 йил 14 январь куни Андижон шаҳрида вафот этди. Икки ўғил, икки қиз, бир этак набиралари қолди. Илоҳим, бу дунёда илму маърифат йўлида қилган яхши амаллари ўзларига ҳамроҳ бўлсин.

## АҲМАД ОҚСОҚОЛ



### Ховосга тўйга бордик

Тенг егани Тангри суяди, деган нақл бор. Баъзан шундай вазиятлар бўладики, бу иборани «тенг сарфлаганни ҳам», деб андак ўзгартириб қўйишга тўғри келади...

Бундан қарийб ўттиз йил аввал ховослик курсдошимиз Раҳматилла Абдуллаев ўғлининг суннат тўйига Аҳмаджон Мелибоев билан борганимизда бу нақлга амал қилмоқчи бўлдик: тўёна у кишига, йўл харажатлари эса каминанинг зиммасига тушди.

Тўй тушликка белгиланган. Эрталаб Тошкентдан чиқишимиз билан аҳдлашувга аниқлик киритиш эҳтиёжи туғилди. Тўйга борсанг, тўйиб бор, мақолига амал қилиш керак. Тамадди йўл харажатларига кирадими ёки тўёнанинг ичидами? Баҳсда Аҳмаджон акани енгиб бўлмайди. Осонгина таслимлигимни тан олдим. Йўлда чоғроққина ошхонада тўхтадик. Овқатланиб бўлгач, чўнтагимни титкилаётган эдим, бир киши биз томон яқинлашди:

– Ассалому алайкум, Аҳмаджон ака! Хуш келибсиз, бизнинг кулбаларга, – у ўзини аканинг қучоғига

отди. – Қачонлардан буён сиз билан кўришмоқчи, суҳбатлашмоқчи бўлиб юрган эдим. Мана, бугун ниҳоят, ниятимга етдим, – сўнг мен билан саломлашди-да, гапани давом эттирди: – Танийсизми, бу киши Аҳмаджон Мелибоев, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири, телевидениенинг сиёсий шарҳловчиси, зўр журналист.

Ошхонанинг эгаси гапга чечан экан. Бир зумда ҳамроҳим ҳақида билганларини тўкиб солди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб боришини, Аҳмаджон Мелибоев бош муҳаррир бўлганидан сўнг газета жуда дадиллашиб кетганини, энг долзарб мавзуларда кўрқмасдан мақолалар берилаётгани-ю, тилининг равонлигини, ўзи эса маҳалласида обуна тарғиботчиси эканини, деярли ҳамма хонадон газетага обуна бўлганини нафас ютмай гапирди. Телевидениедаги сиёсий шарҳларини ҳам қолдирмай эшитиб боришига урғу берди. Гапани исботлаш учун сўнги кўрсатувда айтилган фикрлардан иқтибослар келтирди.

Хуллас, биз ўша мухлиснинг меҳмони бўлдик. Машинада ўзаро баҳсимиз яна давом этди. Узоқ тортишувдан сўнг бу тамадди ҳамроҳим ҳисобига ёзиладиган бўлди. Эвазига қайтишда уйга қовун олиб берадиган бўлдим.

Қуёш қиёмга келганида тўйхонага кириб келдик. Мезбон жуда хурсанд бўлди. Биз учун ҳовлининг тўридан алоҳида жой тайёрлатиб қўйибди. Қўшнисига хомтоқ қилдирган токнинг нимсоя кўланкасига жойлашдик. Бир пиёладан чой ичганимиздан кейин галстукларни, иккинчисидан кейин костюмларни, учинчисидан кейин эса кўйлак тугмаларини ечдик. Кун исигандан исиб бормоқда. Тўй шовқинлари

ҳам авжига чиқмоқда. Икки-уч уринишдан кейин тўйбоши курсдошимизни бир амаллаб олдимизга чақиртирдик ва панароқ ёки сояроқ жойга ўтказишни илтимос қилдик.

– Йўқ, – деди у қатъий. – Шу ерда ўтирасизлар. Бутун Ховос мени Тошкентда сиздек ўртоғим борлигини кўриб қўйсин.

У тўғри даврабошининг олдига кетди. Бир оздан сўнг табрик учун сўз Аҳмаджон акага берилди. Ўша табрикдан иккита нарса эсимда қолган. Биринчиси, ғала-ғовур тўйнинг тинчиб, барчанинг нотикнинг ҳароратли сўзларини маҳлиё бўлиб тинглагани, иккинчиси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлинг, деган даъват...

Тўй тарқалиши арафасида биз ниятимизга етдик: панароқ ва сояроқ жой топилди. Бизларни алоҳида хонага таклиф қилишди. Тўрда нотаниш кишилар ўтиришган экан. Биз пойгакка жойлашдик. Бир оз бегонасираб, суҳбатга қўшилиб кетдик.

Аҳмаджон ака тўйни, тўй эгасини, Ховос ва ховосликларни самимият билан мақтай кетди. Гап мавзуси ўз-ўзидан тарихимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳақида борди. Аҳмаджон ака Ховос тарихини, унинг машҳур кишилари ҳақидаги воқеаларни мароқ билан ҳикоя қилди. Ўтмишдаги бир новвойнинг бағрикенглиги ҳақидаги машҳур ҳикояни баён қила туриб, бу воқеа Ховосда, шундоққина темир йўл вокзали атрофидаги маҳаллада содир бўлган, деб қўшиб қўйди.

Эмишки, бир новвой ҳар куни қирқта нонни ёпиб, тонг саҳардан баркашда эшигининг олдига қўйиб, уйдаги юмушларини давом эттираркан. Тушликка яқин баркаш устидаги дастурхон остидан

пулини санаркан. Пул ҳар доим тўғри чиқар, аммо ойда бир ёки икки марта иккита ноннинг пулида камомад бўларкан. Шунда новвой пешин намозидан кейин Яратганга илтижо қилар экан:

– Ё, Раббим! Шу иккита нонни қўшниларимдан бири қўли калталигидан, болаларига етказа олмаганидан, минг хижолат билан олгандир. Мен унинг гуноҳларидан кечдим, Сен ҳам уни кечиргин.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, ўтирганларнинг қистови билан жой алмашдик. Тўрдагилар пойгакка, биз эса тўрга чиқдик. Вақтнинг тиғизлиги, йўлнинг узоқлиги кўп суҳбатлашиш имконини бермади. Орадан вақт ўтиб, ҳар сафар ховослик курсдошимиз билан кўришганимизда бир илинжни такрор айтаверарди: ўша нотаниш даврадошларимиз бизни мудом меҳмонга – ширин суҳбатга чорлашар экан.

Дарвоқе, йўлдаги аҳдлашувга мувофиқ, қайтарда Бахт шаҳридаги бозорга кирдик. Энг сара қовун, тарвузларни ажратиб олиб, савдолаша бошладик. Сотувчи айтган гапида қатъий туриб олди: биз сўрагандан икки ҳисса кўп нархни айтди.

– Деҳқонмисиз, савдогармисиз?

– Деҳқонман, – деди сотувчи.

Аҳмаджон ака унга бир ривоятни сўзлаб берди. Тарвузнинг уруғи ерга қадалганидан сўнг Яратгандан униб чиқмасликни ўтиниб сўрар экан. Сабаби – пишиб етилганида уни тиғ кутиб турганидан экан. Шунда ҳамма нарса инсон деган мукаррам зот учун яралгани эсга солиниб, уруғ униб чиқишга ундалармиш.

– Мени ерга қадаган деҳқоннинг барча гуноҳларидан кечилса, униб чиқаман, – дер экан уруғ.

– Кечдим, – дер экан Тангри.

Ривоятни эшитган сотувчи ўзини бутун гуноҳларидан фориғ бўлгандай ҳис қилди ва бизнинг таклифимизга рози бўлди.

Тошкентга қайтишда биз ўз хаёлларимиз билан банд бўлдик. Сафар тафсилотларини кўз ўнгимдан ўтказар эканман, хаёлимга «Яхши сўзим – ризку рўзим», деган нақл келаверарди. Вақти соати келиб, Аҳмаджон ака ҳақида ана шудай сарлавҳали китоб ёзаман, деган ниятни қалбимга тугиб қўйдим.

### **Яхши сўзим – ризку рўзим**

Ният ижобат бўлди. Бундан роса ўн беш йил аввал курсдошимнинг 60 ёши нишонланганида унга ўша китобни совға қилдим. Китобда у кишининг ҳаёти билан боғлиқ ўнта ҳазиломуз, айни вақтда ибратли воқеа битилган эди. Матбаачиликнинг барча талабларга жавоб берадиган рисола икки нусхада тайёрланган бўлиб, унинг бир нусхаси қаҳрамонимизнинг, иккинчиси муаллифнинг уйда сақланмоқда. Китобнинг кўп нусхада чоп этилмаганлигига сабаб шуки, унда ҳазил-мутойиба кўп, озгина қитмирлик ҳам йўқ эмас... Биз Аҳмаджон ака билан ҳазилкашмиз, шу боис, ана шундай рисола ёзишга жазм қила олганман.

Аҳмаджон аканинг ўзи амал қилмайдиган, айни вақтда бошқаларни даъват қиладиган меҳмоннавозлик фалсафаси бор. Айримлар бунини меҳмонга борганда бозорда нархи қиммат бўлган ноз-неъматларни тановул қилиш, деб тушунадилар. Бу унчалик ҳам тўғри эмас. Уйда йўқларидан тановул қилинг, дейди у киши. Даъватнинг замирида киши билмас хулосалар ҳам бор.



Аҳмаджон ака ўғиллари билан меҳмонга боришса, даврада Европа мамлакатларида ижодий сафарда бирга бўлган раққосалар ўтиришган экан. Шунда фарзандига:

– Сен уйда йўқ нарсалардан олиб, еб ўтир, – дебди. Бу билан, табиийки, ўғлига бизнинг гапларга қулоқ солма, демоқчи бўлган.

Қизғин суҳбат орасида ўғлига қараган экан, у нуқул нон чайнаб ўтирган эмиш. Оёғига туртиб, насихатини қайтарибди.

Орадан яна бир муддат ўтиб, назар солса, яна шу аҳвол. Яна ўғитини такрорлабди. Учинчи марта қараганда эса бола ҳали ҳам нон чайнаб ўтирган экан:

– Уйда йўғидан егин дедим-ку! – дебди ота ўғлига жаҳл аралаш.

– Ада, уйда буханка нон-ку! – дермиш ўғил тандирдан янги узилган ёғли патирни мароқ билан чайнаб.

...Қайноғам Аҳмаджон Турсунов жуда шинаванда инсон. Ўзи енгил саноат ходими бўлса-да, адабиёт ва санъатнинг ихлосманди. Кўришганимизда:

– Ижод оламида нима гап? – деб суҳбатни бошлайди. Саволига олган жавобларидан қоникмайди чамаси: «Адашимни меҳмонга олиб келинг», деяверади. Адаши – Аҳмаджон Мелибоев. Шу боис, биз у кишининг хонадонида жуда кўп марта меҳмон бўлганмиз.

Бир сафар меҳмондорчилик вақтида Аҳмаджон ака дастурхондаги қазини мақтаб қолди.

– Ўзим тайёрлаганман, – деди мезбон, – бозорда отнинг ичаги гўштидан қиммат. Бир қулоч ичак фалон пул. Шу боис бу қазини молнинг ичагига солганман. Сира ҳам билинмайди.

– Йўғе, – деди меҳмон ажабланиб.

Мезбон қазии тайёрлаш жараёнидан бошлаб уни пишириш сирларигача батафсил гапириб берди.

– Бу гапларингизга мен тўлиқ ишонаман, – деди меҳмон ҳамсухбатининг сўзини бўлиб. – Лекин уйда аёлимни ишонтира олмайман-да. Келинингиз Қирғизистоннинг қизи. Қазии-қартанинг ичида ўсган. Агар маъқул топсангиз, қазингиздан иккитасини ўраб беринг, уйга олиб бориб, қазии мана бундай тайёрланади, деб аёлимни қойил қолдирай.

Биз ўша меҳмондорчиликдан бир жуфтдан қазии билан қайтдик. Қазининг ўзимга тегишлисини уйимга олиб кетдим. Шу куни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг навбатдаги сони саҳифаланаётгани учун Аҳмаджон акага берилган қазии навбатчи гуруҳ аъзоларига пишириб берилди. Бош муҳаррирнинг турмуш ўртоғи – Маҳбуба келиноғи мол ичагига солинган қазии ҳақида эшитганми-йўқми, буёғи бизга ҳануз қоронғи.

Яна бир воқеа.

– Қиш кунлари. Қалин қор ёққан кезларида қишлоққа – Сафед Булонга бордим, – дея ҳикоя қилади Аҳмаджон ака. – Қишлоқдаги тенгдошларим янғи йил баҳона йиғилишаётган экан, мени ҳам таклиф қилишди. Зиёфат ўзига тўқ дўкандор синфдошининг уйида ташкил этилганди.

Аҳмаджон ака меҳмондорчиликка бир оз ҳаяллаб боради. Ичкарида гурунғ авжида. Уй остонасига улфатларнинг оёқ кийимлари тартиб билан териб кўйилган. Пойафзалини ечган меҳмон ўзидан уялиб кетади. Ҳамманинғ этиғи «қулиб» турибди. Кимсан, Тошкентдаги катта газета муҳаррирининг туфлиси эса уринган, «хафа». Алам қилмайдими? Албатта, алам қилади.

Аҳмаджон ака у ёқ, бу ёққа қараб, ҳеч ким уни кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, жаҳл устида оёқ кийимини уйнинг томига улоқтириб юборади.

Сўнгра астагина ичкарига киради. Тошкентлик меҳмоннинг қаршисига ҳамма пешвоз чиқади, дастурхон тўрига чорлашади. Аҳмаджон ака бир оз оқсоқланиб, кўрсатилган жойга ўтади. Қадрдонлари хавотирланиб сўрашади:

– Нега оқсоқланияпсан, оёғинга нима бўлди?

– Ҳечқиси йўқ, янги пойафзал кийган эдим, оёғимни бир оз эзганга ўхшайди.

Шу билан мавзу ёпилгандай. Можаро меҳмондорчилик тугаб, улфатларнинг қайтар чоғида бошланади. Ҳамманинг оёқ кийими бор, тошкентлик меҳмонники йўқ. Мезбон хижолат, эшикдагилар хижолат, дўстлар хижолат.

– Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманглар, бир амаллаб уйгача етиб олсам бўлгани, эскироқ калиш топилар, – дейди Аҳмаджон ака.

Меҳмонни қайтадан хонага олиб киришади. Бу орада дўкондор синфдош Аҳмаджон аканинг оёғига мос яп-янги пойафзал олиб келиб кийдиради.

– Сендек дўстимга аслида зарчопон кийдиришим керак эди. Бу пойафзал ҳам тўндан кам эмас, – дейди дўкондор.

Шунақа, Аҳмаджон ака меҳмондорчиликдан чопон ўрнига тиниқ қишлик пойафзал кийиб кетган жойлари ҳам бўлган. Ҳикоямиз тутагани йўқ. Айтганларидек, бу ҳали ҳаммаси эмас.

Орадан ойлар ўтиб, бу воқеалар эрдан ҳам чиқиб кетади. Бир куни Аҳмаджон аканинг ишхонасига почта хабарномаси келади. У қишлоқдан почта келганлиги ҳақида эди. Муҳаррир дарҳол уйига қўнғироқ қилади:

– Маҳбубахон, тузукроқ овқат қилинг, қишлоқдан совға-саломлар бор.

Уйга келиб, почтадан олинган қутини очиб қарашса: ичида Аҳмаджон ака синфдошининг томига отиб юборган туфлиси «йиғлаб» ётган эмиш-да...

Аҳмаджон ака суҳбатларида, баъзан ёзганларида ҳам коса остида ним косага урғу беради. Бир қарашда у ўзининг камчиликлари ҳақида гапираётганга ўхшайди. Аслида, унда қаҳрамоннинг фазилат ва сифатлари баён қилинади. Ижтимоий муаммони суҳбатдошнинг ёки ўқувчининг ўзи қидириб топади.

### Фаол ҳаётий позиция

Аҳмаджон ака дўстлар даврасида ҳазилкаш бўлса ҳам, ижодда жуда жиддий, ўта мушоҳадали, ростмана ҳозиржавоб инсон. Унинг ўнлаб китобларини, хусусан, «Бир заминда яшаймиз», «Умидли дунё», «Ёлғиз яшаб бўлмайди», «Хуштакни ким чалади?», «Умр – учар юлдуз», «Торнинг чўмичдан фарқи», «Сувора соғинчи», «Қирқ бешинчи бекат», «Қабоҳат тўри», «Ризқ дарахти», «Ўзингни ўзинг бошла» номли публицистик тўпламлари, «Ўнғор эртаклари», «Сафед Булон ҳикоялари» номли асарларини завқшавқ билан ўқиганман. Ҳар бирида ўқувчи ўзини кўради, ибрат олади. Ёзувчининг ютуғи ҳам айнан мана шунда бўлса, ажаб эмас.

Ўзининг 75 ёшини қаршилаётган моҳир публицистнинг «Тождор ажал ҳамласи ёхуд дунёни титратган 40 кун» номли сиёсий-маърифий кундалиги китоб шаклида дунё юзини кўрди. «COVID-19» пандемияси авж олган «чилла»даги вақеалар ривожини тафсилотларини ёзувчи соатбай, кунбай қоғоз-

га туширган. Факт ва рақамлар билан бир қаторда дунёнинг турли бурчакларида бу вабонинг олдини олиш билан боғлиқ тадбирлар усталик билан баён қилинган. Китобда келтирилган ривоятлар, ҳикоялар, лавҳалар жуда ибратомуз. Айни вақтда кундалик ҳаётимиздаги бирорта эътиборга молик воқеа ёзувчи назаридан четда қолмаган. Ҳатто фарғоналик депутатнинг эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш учун ўз уйини сотганлигидан ҳам ижтимоий хулоса ясайди муаллиф.

«Коронавирус хуружи туфайли инсоният Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир кулфатга дучор бўлиб турибди», деб ёзади адиб.

Китобдаги яна бир хулоса жуда ҳам ўринли. «Назаримда, биз, зиёлилар сусткашлик қилаётганга ўхшаймиз. Фидойи шифокорлар ҳар бир беморнинг ҳаёти учун курашмоқдалар. Биз-чи?»

Ёзувчининг фаол ҳаётий позицияси мана шу. Аҳмаджон Мелибоев мазкур китоби тимсолида сўз ва амал бирлигини таъминлаб берди. Аввал ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай, келажакда ҳам шундай бўлади, деб ўйлайман.

### **Ижоднинг такомил йўли**

Биз Аҳмаджон ака билан 1969 – 1974 йилларда Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг журналистика факультетида бирга таҳсил олганмиз. Маълум ва машҳур алломалар Субитой Долимов, Ғайбулла ас-Салом, Тўғон Эрназаров, Нажмиддин Комилов, Мухтор Худойқулов, Аббулла Сайфутдинов, Сайди Умировнинг сабоқлар ҳали-ҳануз ёдимизда.

Афсуски, ана шундай алломалардан сабоқ олганларнинг ҳаммаси ҳам соҳамизда фаол бўла олмади. Шижоатли журналист, жасоратли муҳаррир, маҳоратли мураббий янглиғ Ватанига, халқига, миллатига қалам билан хизмат қилиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди... Афсус, беш йил ўқиб, соҳада бир кун ишламаганлар ҳам бор.

Савол туғилади: сир нимада? Бу саволга адиб ўз китобларида, турли чиқишларида у ёки бу тарзда жавоб беради. Уни бир сўз билан ифодалайдиган бўлсак, бу – китобхонликдир.

Аҳмаджон аканинг китоб ўқимаган куни йўқ. Талабалик йилларида ҳам, республика ёшлар газетасида, Ёшлар нашриётида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида, мамлакатимизнинг энг нуфузли идорасида ишлаганида ҳам, бугун «Жаҳон адабиёти» журнаliga бош муҳаррирлик қилаётганида ҳам китобдан, мутолаадан бош кўтаргани йўқ.

Айни вақтда ёшларни китобхонликка даъват этишдан чарчамайди. Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Миллий университетида бўлажак журналистларга касб сир-асрорларидан сабоқ беради. Аҳмаджон ака бўлажак касбдошларига мўлжаллаб кўплаб ўқув қўлланмалари ёзди. «Журналистика: касб, ижод, маҳорат», «Журналистика сабоқлари», «Юз саволга тўқсон тўққиз жавоб» ўқув-қўлланмалари, «Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат» монографияси, юзлаб илмий, бадиий-публицистик мақолалари талабалар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон Миллий университетида «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» доимий экспозицияси фаолияти йўлга қўйилган. У Аҳмаджон Мелибоев раҳбарлигида дунёга машҳур адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича ўзига хос

илмий марказга айланиб бормоқда. Шу боис у киши Чингиз Айтматов номидаги Халқаро академия аъзолигига сайланди.

Бундай сермахсуллик самараси ўлароқ, устоз журналист «Офарин» миллий мукофоти, халқаро «Олтин қалам» ва Олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган танловларда ғолиб бўлди, «Шухрат» медали, «Дўстлик» орденига муносиб кўрилди. 2021 йилда эса у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига муносиб кўрилди. Салгина кечроқ бўлса-да, муносиб эътироф.

Аҳмаджон Мелибоевнинг кўпгина асарлари дунё тилларига таржима қилинди, муносиб баҳоланди. Унинг Қирғизистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

### **Оғаликдан оқсоқолликкача**

Дарвоқе, Аҳмаджон Мелибоев баъзи ихчам ҳажвий асарларини матбуотда Аҳмад Оға таҳаллуси билан чоп эттиради. Бунда ҳам рамзий маъно борга ўхшайди. У том маънода ўзбек журналистларининг оғасига айланиб бўлган. Энди мақолаларга бемалол Аҳмад Оқсоқол деб имзо чексалар бўлаверади.

Аҳмаджон ака бир муддат мактабда ўқитувчилик қилиб, ҳарбий хизматни ўтаб, сўнгра талаба бўлган. Ўша вақтдаёқ у кишининг билими, тажрибаси, малакаси биз – кечагина мактаб партасидан чиққанларга нисбатан анча юқори эди. Шу боис у бизларга бош-қош бўлган. Талабалик пайтимиздаёқ у кишини «оқсақол», деб атар эдик. Берилган сифат талабалик йилларимизда рамзий бўлса, энди айти ҳақиқатга айланди.

Талабалик йилларимиз ҳақида гап кетганида, оқсоқолимизнинг ташаббуси билан «Жилға» номли журнал ташкил қилганмиз, унда курсдошларнинг илк ижод намуналари чоп этилганлигини эслаш мароқли. Бунда ҳам ишора борга ўхшайди. «Жилға»дан «Жаҳон адабиёти»гача бўлган йўл ҳозирча Оқсоқолнинг умр баёни.

Ва ниҳоят, ушбу қораламаларим сўнгида бир гапни айтмасам, адолатдан бўлмас: Маҳбуба келинойимиз ҳам бебаҳо аёл-да!

Аҳмаджон ака ниҳоятда садоқатли дўст. У бизнинг оиламиз ҳақида ажабтовур мақолалар ҳам ёзган. «Дўрмоннинг меҳр ҳовлиси» деб номланган мақоласи эса 1998 йил «Оила ва жамият» газетасида чоп этилган. Гап исботи билан чиройли, дейишади. Қуйида уни айнан келтиришга жазм қилдик.

### Дўрмоннинг меҳр ҳовлиси

Биз танлаган касбнинг ҳам шукуҳли онлари кўп бўлади. Гоҳо битта ибора, битта жумлани қойиллата олмай фиғонимиз фалакка ўрлаб кетса, гоҳо энг зарур мавзунинг ўзи «лаббай», деб остонамиздан кириб келади.

Шералиевлар хонадонини роппа-роса ўттиз йилдан бери биламан. Битта мен эмас, шу хонадоннинг вакили, касбдошим Раҳматилла билан бирга ўқиган кўпгина курсдош дўстлар ҳам йиллар давомида бу хонадонга яқин қадрдондек бўлиб кетишган.

Аниқроқ айтсам, биз Раҳматилла билан олтмиш тўққизинчи йили Журналистика факультетига ўқишга кирганмиз, беш йил бирга талашиб-тортишиб ўқиганмиз. Тошкент газеталарида илк бор тўрт қаторлик ахборотимиз чиққанида, шу газетадан



даста-даста олиб, дўст-қадрдонларга «Шахсан муаллифдан» дея дастхат ҳам ёзиб берганмиз.

Ҳозир газеталар кўпайиб, муҳаррирлар журналистикада энди бир йил-ярим йил ўқиган талабаларнинг ҳам қораламаларини ўқиб, эринмай таҳрир қилиб, ўтиришади. У йиллари газетада битта ахборот чиқариш талаба учун салкам қаҳрамонлик эди. Унча-мунча қаламкаш редакция биносида муҳаррир у ёқда турсин, оддий бўлим бошлиғига рўпара келиб қолса, гапини йўқотиб қўярди.

Раҳматиллаларнинг ҳовлиси Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида. Бир вақтлар собиқ Иттифоқда ном чиқарган машҳур колхознинг ҳосилдор боғларига тутшиб кетган. Чўнтакнинг мазаси қочди дегунча, уч-тўртта оғайни йўлни шу ёққа буриб қолардик. Боғ ўртасидаги анҳор бўйида, ҳовлидаги баланд сўрида таҳририятлардан қайтган ахборотларимизни қайтадан муҳокама қилардик. Асосий машғулот эса... қорин тўйғазишга бориб тақаларди.

Шу ҳовлида, шу боғда ижодий режалар тузардик, ҳали ёзилмаган мақолаларимизга сарлавҳалар танлардик, улар матбуотда босилиб чиққач, дўст-ёрон ўртасида кўтариладиган шов-шувни, қутловларни хаёлан тасаввур этардик. Шоир Икром Отамуроднинг ўша йиллари ёзилган жуда кўп шеърлари, масалан, «Мағрурларга мен ҳам мағрурман...» дея бошланувчи, Аҳмад Тошхўжаевнинг

*«Улар соломмади битта йўлга из,  
Қалбларга сизмади мағрур тўйғулар.  
Ўз уйида йигит, ўз уйида қиз,  
Беқадр ёшликдан йиглайди улар...»*

дея бошланувчи талабалик йилларимизнинг но-  
расмий мадҳиялари шу ерда ёзилган, десам, хато  
бўлмас.

Шералиевлар хонадони биз учун худди ўз уйи-  
миздай, қадрдон ўчоғимиздай бўлиб қолганди.  
Курсдош қизларимиз – Замира Тўлаганова, Ша-  
рифа Салимова, ўшлик Санталатхон, андижонлик  
Гулчеҳра ва бошқалар ҳам бу ерга ҳеч тортинмай  
биз билан бирга келишарди. Ўша йиллари Аргин  
боғларида ўтган шеърхонликларни, файласуфона  
тортишувларимизни ҳали-ҳануз ширин энтикиб  
эслайман.

Қисқаси, бизлар Тошкентда ўқир эдик. Ҳамма-  
миз турли вилоятлардан эдик. Аммо Дўрмондаги  
бу хонадон бизни оҳанрабодай ўзига тортиб турар-  
ди.

Бир гап хонадон соҳиблари: «Раҳматилла, қол-  
ган ўртоқларингни ҳам чақир, Бурчмуллага олиб  
бориб, меҳмон қил, бир яйраб келишсин», деб қо-  
лишди. Бу гап кимга ёқмайди, дейсиз? Қирққа яқин  
талаба битта автобусни гаплашиб, баҳоли қудрат  
«харажат» қилиб йўлга тушдик.

Бурчмулланинг қоқ марказида Раҳматиллалар-  
нинг қариндошлари яшар экан, шу ҳовлига ғуж бў-  
либ кўндик. Мезбонлар шарафимизга кўй сўйишди,  
бор-будларини дастурхонга қўйишди. Янглишма-  
сам, май оийи эди. Ўша кунги лола сайлини ҳалигача  
биронтамиз ҳам унутмаган бўлсак керак.

Такрор айтаман: бу хонадон биз учун ўз уйимиз-  
дай бўлиб қолган эди. Такрор айтишимнинг боиси  
шуки, саволингизни кутяпман – нега энди шундай  
бўлиб қолган эди?

Бу дунёда одамнинг кўнглидан ҳам нозик нарса  
борми?

Яширмай айтинг: узоқ қариндошингиз, танишингиз ё яқин кадрдонингизникига бордингиз дейлик. Уй соҳиблари самимий кутиб олишса, келганингиздан хурсанд бўлишса, яна келиб туринг, узилишиб кетмайлик, дея иззатингизни жойига қўйишса – бунга не етсин. Аммо акси бўлса-чи? Энди бир пиёла чойни қимтиниб ҳўплаганингизда ошхонада нимадир тарақлаб кетса, уй эгаси боласини меҳмон бор демай, жеркиб ташласа ё қошлари ўринсиз чимирилиб «Ҳм-м, яна меҳмонми?» дегандай турмуш ўртоғига маъноли қараб қўйса-чи?

Шералиевлар хонадонида бизни худди ўз фарзандларидай кутиб олишарди. Меҳри ая худди шаҳарда ўқиётган болалари келгандай ҳаммамиз билан битта-битта кўришиб, елкамизни силарди. Бу ерга қачон келмайлик: тундами, тонгдами, ҳеч қачон ортиқчалик қилмасдик. Тўғри, баъзан-баъзан уй юмушларига қарашгандек ҳам бўлардик, аммо буниси йўл-йўлакай бир ҳашар эди, холос.

Шералиевлар хонадони – катта хўжалик эди. Ҳозир ҳам шундай. Тўрт ака-ука, тўрт келин, қанчадан-қанча набиралар битта ҳовлида, Меҳри ая раҳбарлигида яшашади.

Ҳамза театрида Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» спектакли қўйилгач, Раҳматилладан сўраганман:

– Сизларникига Саид Аҳмад ҳам кўп борган экан-да?

Гап шундаки, шу спектаклдаги воқеалар Шералиевлар хонадонидаги ҳаётнинг қуйиб қўйгандек нусхаси эди. Тўрт ака-укалар – бири муҳандис, бири деҳқон, бири агроном, кенжаси, бизнинг дўстимиз Раҳматилла – журналист. Ҳовлидаги тўрт келин –

улар ҳам турли касб эгалари – бир-бирига меҳрибон, садоқатли.

Меҳри ая Фармонбиби каби катта оилага бошчилик қилади, кимнинг нима ташвиши бор, кимга нима зарур – ҳаммасини олдиндан билиб туради.

Ўғиллар, келинларни қўяверинг, ҳатто жужукча набираларини ҳам унутмайди. Кимга қанақа муомала қилишни, кимга маҳкамроқ туриб, кимга сал ён ҳам бериш лозимлигини аниқ чамалайди. Фақат Фармонбибига ўхшаб... маошга аралашмайди. Ҳамманг мустақилсанлар, билиб-билиб қилавер ишларингни, тинч бўлсаларинг бўлди, дейди. Шу боис ҳам, бу ерда келинлар қўзғолон кўтаришмайди, аксинча, қайноналари ёнида эртаю кеч парвона бўлишади.

Ҳозир ҳам шундай. Ҳовли кенг. Чорвачилиқдан бор. Қурилиш бор. Экин-тикин, сиғир-бузоқ, сут-қатик дегандай. Бунинг устига Шералиевларда нима кўп – қариндош-уруғ кўп. Қариндош-уруғда нима кўп – йўриқ кўп. Шералиевлар хонадонида ҳар куни уч-тўрт тандир нон ёшилса, ҳар куни тоғора-тоғора пишириқ пиширилса ҳам етмайди. Йўриқдан қутулсангиз – йўқлов. Куёв чақирди, қиз чақирди. Битгасида бешик тўй, бошқасида «чаллар». Кўз тегмасин, шунча йил ичида бирор марта араз-дараз гап, гинахонликни эшитмаганмиз. Келинлардан битгаси бир ишни бошласа, қолганлари уч ёқдан келиб, қарашиб юборишади. Бу ҳам майли, шу йиллар ичида бу хонадоннинг қариндош-уруғлари, келинпошшаларнинг ака-укалари билан ҳам қадрдонлашиб, тўйларимиз уларсиз, уларники – бизсиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

Шу хонадон тўғрисида қачонлардир бир нарса ёзаман, деб ўзимча диллаб юрардим. Эҳтимол,

бошқа касбдошларимиз ҳам шу ҳақда ўйлашгандир. Аммо орадан қанча йиллар ўтмасин, бу ерда қанчадан-қанча тўй-томошалар бўлмасин, Раҳматилланинг деҳқон акаси далада экинга сув тараб келиб, шундоққина айвончага ёнбошлаб бандаликни бажо келтирмасин, Раҳматилланинг фарзандлари бирин-кетин бўйга етишмасин – ҳеч биримиз ҳеч нима ёзмадик. Эҳтимол, ҳали-ҳануз бу ерда йиғилишиб турганимиз, ҳали-ҳануз ўзимизни бу хонадон фарзандлари ҳисоблаётганимиз учунми, бир нима дейишга ботинмай келардик.

Кутилмаганда Шералиевлар хонадонининг кенжа вакилларидан бири – Раҳматилланинг ҳали ўрта мактабни ҳам битирмаган ўғли Ғайратилла бу ишни ҳаммамиз учун қойилмақом қилиб бажариб қўйди. Мавзунинг ўзи гоҳ остонадан «лаббай» дея кириб келади, деганимнинг боиси, ушбу мақоланинг ёзилиш сабаби ҳам шу Ғайратбой бўлди.

Ғайрат ёшлигидан меҳнатга ҳавас қўйди. Дала юмушларини, ҳовлидаги ишларни бошқалардан кўра аълороқ бажариши, нима иш қилиш керак, қачон қилиш кераклигини бошқалардан кўра яхшироқ англаши билан ажралиб турарди. Жуда ёшлигидан от боқишга, гулларни парвариш қилишга қизиқди. Бўш вақти бўлди дегунча китоб ўқийдиган, бутун-бутун шеърий тўпламларни ёд оладиган «одат» чиқарди. Пиримқул Қодировнинг, Ўткир Ҳошимовнинг, Тоғай Муроднинг деярли ҳамма асарларини ўқиб чиққан. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуфнинг кўплаб шеърларини ёддан билади. Кейин-кейин ўзи ҳам бировга билдириб-билдирмай шеър машқ қила бошлади. «Ватан» деган шеъри «Гулхан»да босилиб чиқди. Иқтидорли болаларнинг республика йиғилишида қатнаш-

ди. Яна бир шеъри «Маърифат» газетасида эълон қилинди.

– Президентимиз ушбу йилни «Оила йили» деб эълон қилдилар, – дейди Ғайрат. – Мен ҳам ўзимча «Оила йили»га ўз хиссамни қўшмоқчи бўлдим. Нима иш қилсам экан, дея роса ўйладим. Охири, Оила йилида оиламизга бағишланган «Оқибат» номли газета нашр этишга қарор қилдим...

Қўлимда шу газетанинг дастлабки тўрт сони. «ОҚИБАТ». Тепада газета шиори: «Сулоламизга садоқатли ва оқибатли бўлайлик!» Пастада ёзув: «Шералиевлар оиласининг ойлик маърифий газетаси». Бош мақолалар: «Оила ва газета», «Оиламизда баҳор нафаси», «Хонадон томорқаларида»... Муаллифлик мақолалари: «Оилавий корхона яна иш бошламоқда», «Карам ҳосил ўрапти», «Дўконда гап кўп», «Сумалаклар қайнаб турсин», «Маҳаллада дув-дув гап...», «Оилавий «гап» ҳақида», «Ажаб-о». Рукнлар: «Оқибат» материаллари изидан», «Оқибат» бонг уради», «Оила миш-мишлари», «Билиб қўйган яхши»...

Дам олиш саҳифаларидаги мақолалар: «Қонунни биласизми?», «Оила ҳаётига оид тест саволлари», «Эркаклар ташвиши» (баҳор байрами муносабати билан), хандалар, ўртоқлик ҳазиллари, газетчилик экан-да, тузатишлар ҳам бор. Оила катталари берган баъзи ваъдаларнинг ўз вақтида бажарилмаётгани тўғрисида юмористик гинахонликлар.

Ва ниҳоят, изоҳ: «Газета материалларида келтирилган факт ва рақамларга фақат муҳарриргина масъул эмас».

Сўнги ёзув: Бош муҳаррир – Ғайрат Шералиев.  
Ҳажми – 0,5 босма табоқ.

Раҳматилла Шералиевга тегишли эски ёзув машинкасида бир нусха кўчирилди.

Манзил...

Бир қарашда, эҳтимол, катта воқеа эмасдир. Ота касбига эргашиб, журналистикага ҳавас қўйган ёш бир йигит оилавий газета чиқарса, чиқаргандир-да. Аммо «Оқибат»нинг дастлабки сонлари билан танишган кишининг фикри дарҳол ўзгаради. Яхши томонга! Негаки, «Оқибат» кўп жиҳатдан бизда ҳозир бодрокдай бўлиб кундан-кунга кўпаяётган айрим тармоқ газеталаридан қолишмайди. Унинг ёш муҳаррири бир оила мисолида одамлар ҳаётининг бугунги сержило қирраларини, ютуқ ва камчиликларини, интилишларини очиб берган.

Газета тепасига «Сулоламизга садоқатли ва оқибатли бўлайлик» деб ёзар экан, ўзи билиб-билмайми, Оила йилидан кўзлаган асосий мақсадни ифода этиб қўйган. Агар ҳар бир оилада айна шу даргоҳга тегишли маънавий-ахлоқий қадриятлар сақлаб қолинса, урф-одатлар, яхши удумлар давом этса, ота-оналар, ўғиллар, қизлар, набиралар бир-бирларига меҳрибон, оқибатли бўлишса, жамиятимиз тараққиётининг ўзак илдизи шунда эмасми?!

Ғайратни таҳририятга таклиф этиб, у билан узоқ суҳбатлашдим. Мустақиллик, бугунги ёшлар, тарбия, одоб-ахлоқ, меҳнат тарбияси, китобхонлик ва бошқа мавзуларда баҳслашдик. Икки бош муҳаррирнинг ўзаро мулоқоти узоқ вақт давом этди. Ёш бош муҳаррир мисолида жуда кўп нарсаларга амин бўлдим. Оптимиздан қадам-бақадам биздан-да эркин, журъатли ўринбосарлар келмоқда. Буни фақат журналистикада эмас, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ҳам кўриш мумкин. Янги ғайрат, янги журъат, янги шижоат оёққа тураётганлиги кўнгилда мунав-

вар туйғулар уйғотади. Улар эл-юртга, миллат ман-  
фаатларига биздан-да самарали, биздан-да садоқат-  
ли хизмат қилишлари, озод Ўзбекистон номини  
янада баланд улуғлашлари шубҳасиздир.

Ортимиздан янги, навқирон авлод келяпти. Унга  
пешвоз чиқишга тайёр бўлайлик.



## «ШЕЪРЛАРИМГА ТЎҚДИМ ДИЛИМНИ»



Тушликка яқин хонамнинг эшиги шитоб билан очилар ва Маҳмуд кириб келиб, эътироз оҳангида гап бошларди:

– Сиздан сира садо чиқмайди. Туринг, кетдик тушликка. Дунёда иккита пишшиқ одам бўлса, биттаси сизсиз.

Деярли ҳар сафар тушлигимиз ана шундай бошланарди. Ишхоналаримиз катта бинонинг битта қаватида жойлашган. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлимида, мен эса «Маҳалла» жамоат фонднинг вилоят бўлимида ишлаймиз. Тенгдошмиз. Маҳмуд Тоир 1952 йил 31 август кuni туғилган, мен ундан ўн тўрт кунлик кичикман. Ҳазилкашмиз. Мижозимиз бир-бирига мос. Шунинг учун ярми ҳазил, ярми чин кесатиқ ва таъналардан хафа бўлмаймиз.

Дарвоқе, дунёдаги иккинчи пишшиқ одам кимлигини билмоқчимисиз? Ўзингиз топинг-чи? Янглишдингиз. Асло. Йўқса, Маҳмуд Тоир кунда, кун ора тушликка таклиф қилармиди? Яна ким билади, дейсиз?

Мавриди келганида, бир гапни айтиб қўйганим маъқул. Бугун етмишни қоралаётган биз, кексаларнинг пишиқ бўлишимизда табиийлик бордек кўрилади. Чунки озми-кўпми, қийинчилик кўриб ўсдик. Маҳмуд эсини таниганидан меҳнатнинг ичида бўлди: далада онаси билан кетмон чопди, томорқасидаги узумни парваришлади, отасининг орқасидан эргашиб юриб, устачилик ҳам қилди. Камина ҳам кетмон чопиб катта бўлганман. Ана шу қийинчиликлар уйим, рўзгорим, деб яшамоққа мажбурлаган, мазкур ақидани қон-қонимизга сингдириб юборган бўлса бордир.

Лекин барибир Маҳмуд жуда кўп марта дастурхон ёзган, зиёфатлар ташкил қилган, йўқловлар уюштирган. Меъёрни ҳам билган. Уларни, эҳтимол, санаш ҳам мумкиндир. Гап бунда эмас.

Гап Маҳмуд ташкил этган маънавий зиёфатлар ҳақида. Яъни инсон жисми озуқа оладиган тадбирлар ҳақида эмас, инсон руҳи таскин оладиган дилбар мулоқотлар, самимий суҳбатлар ҳақида.

Шундай кунлар бўлардики, бу кунлар бир ойлаб, ҳаттоки, ундан ҳам ошиқ давом этарди, Маҳмуд ҳар куни шеър ёзиб келарди. Ўша вақтларда ёзганларининг биринчи ўқувчиси, илк тақризчиси бўлганман.

Маҳмуд Тоир – сермахсул ижодкор. Бугун дадил айтиш мумкинки, унинг ички дунёсини, бор ижодий қобилиятини Мустақиллик кашф қилган. Чунки у эски тузум даврида мана шу дориломон кунлар орзуси билан яшаганлиги бор ҳақиқат. Гарчи, собиқ тузум даврида ҳам қалам тебратган бўлса-да, даврларда, ижод аҳли орасида «ялт» этиб кўринмади. Унга қишлоқда яшаб, ижод қилаётган шоир сифатида қаралди.

Ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб, унинг ижоди янги мазмун-моҳият касб эта бошлади. Ижод намуналари кетма-кет мамлакат босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилди. Деярли ҳар йили янги шеърӣ китоблари чоп этилди.

«Яратганга очиб қўлимни, шеърларимга тўқдим дилимни», дейди шоир. Дарҳақиқат, шундай. У ёзган ҳар бир сатрига дилидаги ўз ҳақиқатини, армонларини, умидларини жойлади. Сунъийликдан йироқ бўлди. Қалби буюрганини қоғозга туширди. Шу боис мухлислари кўпайиб борди ва машҳурлик чўққисига чиқди.

Унинг ижодини баҳоламоқ бизга эмасдир. Бу борада мунаққидлар ўз сўзларини айтганлар, айтмоқдалар ва бу жараён ҳали узоқ давом этиши шубҳасиздир. Маҳмуд Тоирга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилишининг, давлатнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланишининг ўзи ҳам ижодининг муносиб эътирофидир.

*Отлар тугёида эзилмас майса,  
Майса қувонармиш, отлар кўпайса.  
Қувонар майсадек мулойим элим,  
Элни эл қилгучи зотлар кўпайса.*

Ана шундай зотлардан бири шоирнинг ўзи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси сифатида жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Тарқоқ шоир ва ёзувчилар бир жойга тўпланадиган бўлди. Вилоятдаги ноёб истеъдод эгаларини излаб топди. Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Чиноз ҳудудларида маънавий, ижодий муҳитни ривожлантириш ишларига бош-қош бўлди. Эндиликда вилоятдаги йирик маъ-

навий тадбирлар Барот Исроил, Абдулла Шер, Яҳё Тоға, Шарифа Салимова, Зарифа Эралиева, Ашурали Боймурод каби истеъдод эгаларисиз ўтмайдиган бўлди.

Вилоятдаги кўплаб ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари чоп этилди. Уларнинг ўндан ортиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Улар устоз шоирдан чексиз миннатдорлик туйғуси билан яшамоқдалар. Чунки Маҳмуд Тоирнинг ўзи уларни излаб топган. «Ялт» этган сатри бўлса, руҳлантирди, маслаҳатлар берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Устоз деган мақомга муносиб бўлди.

Тошкент вилоятидаги ижодий муҳитни мамлакатдаги илғорлар қаторига қўшиш учун куч-ғайратини аямай меҳнат қилиб келмоқда. Шу мақсадда «Адабиёт зиёси» номли газета ташкил қилди. Газета ёш ижодкорларни кашф қилишга, вилоятда адабий муҳитнинг ривожланишига ва такомиллашувига садоқат билан хизмат қилмоқда. Паркентда ижодкорлар учун махсус оромгоҳ куриб битказилди. Бу каби хайрли ишлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Амалга оширилган мана шу кўлами кенг ишларнинг айримларига бизнинг маънавий суҳбатларимиз жараёнида асос солинган, десам, кўпам хато бўлмас.

Мен ўз ҳаётимдан сира ҳам нолимайман. Умр йўлимнинг айрим бурилиш нуқталарида Маҳмуд Тоирнинг ҳам хизматлари бор.

2004–2006 йилларда «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаганман. Жуда нуфузли журнал. Ишни қабул қилиб олганимда таҳририят ўта ночор аҳволда эди. Бир йил

ўтмай энг замонавий босма техника воситаларига, бинога, автомашинага эга бўлдик.

Ижодий муҳит яхшиланди. Ходимларнинг иш-лашлари учун барча шароитлар яратилди. Гулчехра Саидхонова, Васида Комилова, Холхўжа Мирзаев каби ходимлар ҳали-ҳануз бу ҳақда гапириб юришади.

Қисқаси, иш тизимли ташкил этилган. Муаллифлар доираси жуда катта. Бир ойда тайёрланиши лозим бўлган журнални икки ҳафтада тайёрлаб қўямиз.

Бир куни таҳририятга Маҳмуд шитоб билан кириб келди. Одатидек, гапни эътироз билан бошлади:

– Қачонгача таҳририятда ҳарф санаб, матн ўқиб ўтирасиз? Йиғиштиринг дастурхонингизни! Вилоят ҳокимига маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчи штати берилди. Лавозим ҳоким ўринбосарига тенглаштирилган. Ўша ерда ишлайсиз.

Мирзамашраб Кўччиев ўша пайтлар вилоят ҳокими эди. Авваллари у киши билан Қибрай тумани ижроия қўмитасида бирга ишлаганмиз. Шундай бўлса-да, мен таклифга рози бўлмадим.

Аввало, умр бўйи таҳририятда ҳарф санаб, матн ўқиб ўтирган Маҳмуд Тоирнинг ўзи. Назаримда, ҳеч ким у каби узоқ муддат газетада бош муҳаррир бўлиб ишламаган. «Паркент тонги» газетасида мустақилликдан анча аввал бошланган бу фаолият яқин-яқин кунларгача давом этди. Муҳаррирлик фаолияти шу билан тугадими, дерсиз? Асло. Бугун ҳам «Адабиёт зиёси» номли газетанинг бош муҳаррири.

Кези келганида айтиб қўяйин, Маҳмуд Тоиров зўр журналист. Фикрларини ипга маржондек қи-

либ териб қўяди. Изчилликда, мантиқда пешқадам. Тили равон, ёзганлари самимий. Ана шу фазилатлар Маҳмуд Тоиров имзо чеккан газетанинг ҳар бир сониди, ёзган ҳар бир мақоласида кўзга ташланади.

Ҳамсухбатим ўз таклифига мени кўндириш пайдидан бўлди:

– Мен сизнинг рад жавобингизни вилоят ҳокимига айтмайман. Ўзингиз кириб тушунтиринг.

Ушбу хулоса билан бу мавзудаги суҳбатимиз якунланди. Аслида, у мени ҳокимга боғлаб берган эди. Ҳокимнинг қабулига кириб, таҳририят билан хайрлашишга рози бўлиб чиққанман.

Ўйлаб кўрсам, Маҳмудга нисбатан анчагина кўнгилчан эканман. Осонгина қўл кўтардим. Маҳмуд Тоиров жуда кўп марта пойтахтга, катта-катта лавозимларга ишга таклиф қилинган. Уларнинг бирортасига ҳам рози бўлмаган. Ҳарф санашни, матн ўқишни, таҳрир қилишни афзал билган. Касбга садоқат деганлари шу бўлса керак...

Янги лавозимдаги биринчи иш куним жанжал ва тушунмовчилик билан бошланганида, Маҳмудни яхшилик қиламан деб ёмонлик қилиб қўйди, деб айблаганман.

Гап шундаки, вилоят ҳокимининг янги ёрдамчисини таништириш муносабати билан ҳукуматнинг шу соҳага масъул амалдори иштирокида катта йиғилиш ташкил қилинди. Шаҳар ва туман ҳокимлари, маънавий-маърифий ишларга масъул бўлган барча вилоят раҳбарлари билан биргаликда йиғилишга жойлардаги бош имом-хатиблар ҳам таклиф қилинган эди. Йиғилиш танқидий руҳда ўтди. Миллий истиқлол ғоясини кенг омма онги ва қалбига сингдириш каби долзарб, айна пайтда, ўта нозик

вазифани амалга оширишда йиғилиш қатнашчиларининг фикрлари сўралди. Ўша вақтда Ангрэн шаҳрида бош имом-хатиб бўлиб ишлаётган Хайрулло Турматовнинг жавоблари масъул раҳбарга хуш келмади.

Хулоса шундай бўлдики, Хайрулло Турматовни ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини олиш менга топширилди. Аслида, бу иш Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг ваколатига киришини яхши билар эдим. Вазият шундай эдики, «хўп»дан бошқа жавоб ортиқча эди. Бу – бир. Иккинчидан, бу иш янги лавозим эгасининг обрўсини ошириш учун айтилган бўлса керак, деб ўйлаганман.

Йиғилишдан кейин имомни ўз хонамга чақириб суҳбатлашдим. У ўзини оқламади. Икки кундан кейин Ҳажга элликбоши бўлиб кетаётганлиги, бу ҳақда кўпчилик, хусусан, қариндош-уруғлар хабардор эканлигини, ҳозир ариза ёзса ёхуд бу ишдан расмийлар хабар топса, сафарга бора олмаслиги ҳақида маҳзун сўзлади. Маслаҳат сўради. Кўнгилбўшлик қилиб, имомга оқ йўл тилаб, жавоб бериб юбордим.

Жанжал эртаси куни бошланди. Юқоридан қўнғироқ қилишиб, имомнинг аризасини сўрашди. Топшириқни бажармаганим учун роса исканжага олишди, «билағон»ликда айблашди. Яна бир кун муҳлат беришди.

Дардимни, алаимни Маҳмудга тўкиб-сочдим. Маслаҳатлашиб бир қарорга келдик. Ҳокимнинг олдига кирдим. Янги ишдаги фаолиятимни кимнингдир «бурнини қонатиш» билан бошламоқчи эмаслигимни айтдим, аввал бирор хайрли иш қилай, дедим. Бошламоқчи бўлган ишимнинг моҳиятини ҳокимга тушунтирдим.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳукуматдан келган амалдорга телефон қилиб, ниятларимни етказишини илтимос қилдим. Таклифларим ҳар икки раҳбарга маъқул келди. Имом сафардан қайтгунча, бу масала раҳбарлар хаёлидан фаромуш бўлди.

Ишга киришиб кетдим. Ҳаётим яна маънавий-маърифий ишлар билан боғланди. Бу серкирра фаолиятда Маҳмуд Тоир суюнчиғим бўлганини эътироф этишим лозим. Вилоятдаги мавжуд маънавий муҳитни ўрганишда ва таҳлил қилишда, муаммоларни бартараф этишда, соҳага оид таклифлар тайёрлашда дўстимнинг кўмаклари роса асқатган.

Маҳмуджонда кўз илғамас, ақл бовар қилмас фазилат бордек туюлади. У иштирок этган тадбирларга файз тушади. Салобат билан шеър ўқишларини, мухлисларни ўзига ром қилиб қўйишларини, олқишлар оғушида қолишларини таърифлаш мушкул.

У жуда камтар инсон. Гарчи, иштирок этган тадбирлари қойилмақом ўтган бўлса-да, ҳеч қачон мақтанмаган. Ҳар сафар у ҳеч ким айтмаган фикрларни ўртага ташлайди ва шу билан улоқни олиб кетади.

Депутат, сенатор бўлишнинг, бир сўз билан айтганда, машҳурликнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бўларкан. Маҳмуд учун менинг назаримда энг қийин юмуш Халқ депутатлари вилоят Кенгашида ташкилий масалалар кўриладиган сессияларда чиқишлар қилиш эди. Ўзига қолса, бундай йиғилишларда сира ҳам сўзламаган бўларди. Лекин топшириқ деймизми, илтимос деймизми, ҳарқалай, бу каби мажлислар деярли депутат Тоировнинг маърузасисиз ўтмаган.



Энг кўп марта ҳокимлар Тошкент вилоятида ўзгарган. Ўзим ўн бешта ана шундай йиғилишда иштирок этганман. Маҳмуд самимий бўлгани учун беистисно барча биринчи раҳбарлар билан яхши муносабатда бўлган. Эскисини ёмонлаш, янгисини мақташ унинг табиатиға тўғри келмасди.

Айрим депутатларда субутсизлик шу даражаға бориб етган эдики, бугунги гапи кечагисининг инкори бўларди. «Вилоятимиз энди ҳақиқий ҳокимға эға бўлди, ҳокимға шон-шарафлар», деб раҳбарни тинимсиз олқишлаб турган кимсанинг орадан ҳеч вақт ўтмасдан уни энг разил сўзлар билан лойға булғаганларининг кўп марта гувоҳи бўлганмиз.

Маҳмуд ҳамиша олтин ўрталиқни топа оларди. Шу боис унға бу борада сира ҳам эътирозлар бўлган эмас.

Назаримда, у ўз ҳаётида ҳамиша меъёр деган мезонға амал қилиб яшамоқда. У шундай ҳадки, ета олмасанг ҳам, ошиб кетсанг ҳам ютқазасан. Маҳмуд Тоир ҳаддини билган шоир. Шу боис у сира ҳам қоқилмади, илло, бундан кейин ҳам шундай бўлишиға ишонаман.

## ЗАРИФЖОН МУҲАММАДЖОНОВ ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ



Моҳир журналист, ажойиб инсон Зарифжон Муҳаммадҷонов «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида ишлаган ёш ходимларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган инсонлардан бири.

Таҳририятнинг ахборот, спорт ва ҳарбий-ва-танпарварлик бўлимига мудир бўлиб ўтганимда, бу ишни эплай олармиканман, деган фикр миямда чарх ураверарди. Шунда бўлимда катта мухбир бўлиб ишлайдиган устоз далда берар, йўл-йўриқлар кўрсатарди.

Таҳририятда ўттиз йилдан ортиқ ишлаб, Зарифжон ака бировнинг кўнглини оғритмаган. Аксинча, ҳожатбарорлиги билан жамоа орасида жуда катта ҳурмат ва эътибор қозонди.

У киши яхшигина ижодкор эди. Газетанинг деярли ҳар бир сониди мақоласи чоп этиларди. Айни пайтда моҳир ташкилотчилиги билан ҳам ажралиб турарди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси ҳол-аҳволдан бохабар бўлиб юрарди. Таҳририят касабани уюшма-

сида ишлагани учун эмас, балки чин инсон бўлгани боис барчага баробар ёрдам қўлини чўзарди.

Бир оз муболаға бўлса ҳам айтайин, Зарифжон аканинг қўлидан келмайдиган иш бўлмасди. Барча муаммоларни телефон орқали ҳал қиларди. Барча бўлимларда биттадан шахар телефон рақами, бизнинг бўлимда эса иккита ана шундай рақам бўларди. Биттаси шахсан аканинг ўзлариники.

Муаммони ҳал қилиб:

– Ҳозир олдингизга бир ходимимни юбораман, – дерди устоз.

Ходим деганлари – каминангиз – ёшгина бўлим мудир. Чопиб бориб, Зарифжон ака номидан иш кўрардим.

Бу масалалар бугунги кун учун жуда ғайритабиий кўринади. У вақтлар «дефицит» деб аталадиган, яъни топилиши жуда қийин бўлган товарлар бўларди. Уларни харид қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди. «Ҳақиқат»чилар учун эса дўконлардан топилмайдиган маҳсулот йўқ эди, ҳисоб.

Зарифжон аканинг ёзганлари ҳеч қачон таҳририят котибиятида навбат кутмасди. Ёзилган кунининг эртасигаёқ газетада чоп этиларди.

Биз, ёшлар айрим мақолаларимизни газетада чиқара олмасак, устоздан ёрдам сўрардик. Масала жуда жўн ҳал бўларди. Муаллиф қаторига З. Муҳаммадҷоновнинг номи қўшилса, бас. Олам гулистон.

Бош муҳаррир Аҳмад Исмоиловнинг ёрдами билан ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирига бориб, ахборот бўлими тажриба ва маҳорат мактабига айлантирилди. Таҳририятга келган янги ходимларнинг аксарият кўпчилиги айнан шу бўлимдан иш фаолиятларини бошлардилар.

– Мен дарё ўзани остидаги харсангтошман, сизлар эса оқар сув, – дерди Зарифжон Муҳаммаджонов бўлим ходимларини бошқа ишга кузатаётганимизда.

У кишининг дуосини олиб, бўлимда чархланганларнинг келажаги жуда ҳавас қиларли бўлди.

Шулардан бири – Адолат Носирова.

Адолат – гапга полвон аёл. Гап келганида отасини ҳам аямайдиганлардан. Ишига пишиқ. Ташкилотчиликда Зарифжон устозидан фотиҳа олган.

Кекса рус аёлининг ёлғизгина набирасини ҳарбий хизматга чақиришади. Шу йигитдан бўлак қаровчиси бўлмаган кекса бувининг аҳволи нима бўлади?

Адолат Носирова елиб-югуриб, Бражников деган йигитни хизматдан олиб қолди. Қилмаган иши, кирмаган эшиги қолмади, алалоқибат Бражников тушмагурнинг иши ижобий ҳал бўлди.

Унинг қалами ўткир, мақолаларида, репортажларида, албатта, янгича ёндашув бўларди.

Тошкент телеминораси қурилишидан ёзган туркум репортажлари ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдида. Минора устунларининг ҳар бирининг кўтарилиши ҳақида алоҳида-алоҳида материаллар тайёрлади. Эътиборлиси шундаки, репортажда устун кўтарилаверади, бу вақт оралигида қурувчилар томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар усталик билан баён қилинади.

Аҳмад Исмоиловичнинг тез-тез бўлимга янги ходимларни тавсия этишини у кўпам ёқтирмасди. Бир сафар эътирозини рўй-рост айтди:

– Бош муҳаррир кимни тавсия қилиб, тарбияланг, деса, рози бўлаверасиз. Дунёқарашига, хатига, саводига қарамайсиз, – деди.

– Тўғри, мана, биттаси сизнинг ўзингиз, – дедим бир оз асабийлашиб.

Мухбир тилини тишлади.

Бўлимда Адолатнинг ўз ўрни бор эди. У кейинчалик Хотин-қизлар кўмитасида ишлади. Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) тумани ҳокимининг ўринбосари бўлди. Ҳозир йирик тадбиркор. Мустақилликдан кейин мамлакатимизда биринчилардан бўлиб хусусий мактабгача таълим ташкилотига асос солди. Чилонзорнинг «Оқтепа» даҳасида, яна Ўрикзорда иккита хусусий болалар боғчаси халқимизга хизмат қилмоқда.

Таҳририятдаги ижодий муҳитнинг ўта самимий эканлигига далил сифатида Адолат Носирова билан боғлиқ яна бир воқеани эслаш ўринли.

Ҳозир «Ҳидоят» журналида бош муҳаррир лавозимида ишлаётган ажойиб шоир, етук журналист Абдул Жалил Хўжамов ҳам ўз қаламини бизнинг ахборот бўлимида сайқаллаштирган, бир-биридан латофатли мақолалар ёзган.

Кўпчилик қатори унга ҳам Адолатнинг эркаликлари «хуш ёқарди». Хотин-қизлар байрами муносабати билан таҳририятда ўтказилган тадбирда у описига бағишланган шеърини ўқиб берганди. Ашъор тахминан шундай эди:

*Телефон жиринглайди, юрагимда гаш,*

*Гўшакда яна ўша нотаниш овоз:*

*– Носирова Адолатни мумкинми?*

Кейинги сатрларда нотаниш кимса билан Адолатнинг хушчакчақ суҳбати ва кулгиси, шу жараёндаги шоирнинг изтироблари нозик дид билан таърифланади ва шеър тахминан шундай якунланади:

*Телефон жиринглайди, юрагимда гаши,  
Эшитилар яна нотаниш овоз:  
– Носирова Адолатни мумкинми?  
– Йўқ,  
Носирова Адолатни мумкин эмас.*

Мен шеърни тўлиқ келтириш мақсадида шоирга кўнғироқ қилдим. Афсуски, шеър сақланмаган экан.

Бўлимда жуда сермахсул ижод қилганлардан яна бири Фатхиддин Муҳиддинов. У Зарифжон аканинг кўп дуосини олган. Фикри теран, мулоҳазали, қалами чархланган бу йигит билан ишлаш мароқли эди. У тинимсиз изланар, жуда кўп китоб ўқирди. Айни вақтда бўлимдаги энг мураккаб топшириқларни ўз зиммасига олишга ҳаракат қиларди. Шу сабабли ҳам пухта ижодкор сифатида тезда эътибор қозонди. Бош муҳаррир Аҳмад Исмоиловга, биринчи устози Зарифжон Муҳаммаджоновга чин ихлос қўйган бу йигит кейинчалик вилоят ҳокимлигида ишлади, узоқ йиллар «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига раҳбарлик қилди. Нуфузли идорада фаолият юритди. Ҳозир ҳам масъул вазифада ишлайди.

Таниқли журналист Эркин Эрназаров «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига Янгийўл тумани газетасидан келган эди. Бўлимда ишлаб, катта тажриба орттирди. Унинг мақолалари деярли таҳрир қилинмасди.

Туманда ишлаб юрган кезларида ҳам таҳририятимизга юборган мақолаларига деярли қалам теккизилмасди. Шу боис, Зарифжон Муҳаммаджоновнинг қистови билан уни таҳририятга ишга таклиф қилганман.

Эркин Эрназаров амал пиллапояларидан жуда тез кўтарилди. Дастлаб, у таҳририятнинг энг катта

бўлимини бошқарди. Сўнгра вилоят партия қўмитасида ишлади. «Тошкент оқшоми» газетасига кўп йиллар бош муҳаррир бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимининг, маданият вазирининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

Университет аудиториясидан тўғри таҳририятимизга ишга келган бекободлик Абдунаби Ҳайдаров ҳам устознинг этагини маҳкам тутди. Иш ўрганди, муомала маданиятини ўзлаштирди. Касбига меҳр қўйди. Кейинчалик унинг бутун умри газета таҳририятлари билан боғлиқ бўлди. Хизматлари муносиб тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Гарчи бошқа бўлимда ишласа-да, Абдукарим Раҳимбердиев мунтазам Зарифжон аканинг дуосини оларди. У Бўстонлиқ туманидан келиб ишларди. Қалами чархланган, ўзига хос ёзиш услуби бор эди. Унинг «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига келишига битта мақоласи сабабчи бўлган.

Одатда, йил охирлаганда, бўлимлардаги ҳамма хатлар билан ҳисоб-китоб қилинарди. Эски йилнинг хатлари янги йилга ўтмаслиги лозим. Таҳририятларда ана шундай ёзилмаган қонун бўларди. Бу эса, ўз навбатида, янги йилнинг даслабки кунларида материал танқислигига олиб келарди.

Янги йилнинг биринчи иш кунида Бўстонлиқдан хат келди. Унда Абдукарим Раҳимбердиевнинг «Сунбула тушган кеча» сарлавҳали мақоласи бор эди. Мавзу жуда долзарб: шаҳарга иш қидириб борган ёшларнинг яна қишлоққа қайтиши. Мақола жуда равон ёзилган. Фақат ҳажми кичикроқ.

Зарифжон ака муаллифга кўнгирак қилиб, янги факт ва мисолларни сўраб олди. Биргалашиб қайта ишладик. Эртасига каттагина мақола газета юзини

кўрди ва жуда юқори баҳоланди. Мазкур мақола ўз муаллифини маълум ва машҳур қилди, десак, кўпам муболаға бўлмайди.

Кейинчалик Абдукарим Раҳимбердиев «Халқ сўзи» газетасини ташкил этишда қатнашди ва янги таҳририятда бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. «Оила ва жамият» газетасига бош муҳаррирлик қилди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлади.

Хуллас, Зарифжон аканинг кимга меҳри тушган бўлса, кам бўлмади. Абдурахим Абдуллаев республика ёшлар ташкилотида, Миракмал Миралимов Олий Мажлисида, Аброр Ғуломов Ташқи ишлар вазирлигида, Аҳмад Бобобеков прокуратура органларида, Зулхумор Жўраева маҳалла бошқаруви тизимида, Рустам Ғаниев Ўзбекистон телерадиокомпаниясида самарали ишладилар.

Зарифжон ака «Шу қизнинг келажаги бор», дерди ҳамиша Кумуш Эгамбердиевани мақтаб. Устознинг гапларига фаришталар омин, деган бўлса, ажаб эмас.

1981 йилда ўрта мактабни битириб, «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятига ишга келган қизча тез орада кўпчиликнинг эътиборига тушди. Келишган, гап-сўзлари маънили, ҳозиржавоб, ҳазилкаш. Кумуш, деб мурожаат қилинса, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги қаҳрамонга ишора қилибми, «Мен ўша», дерди. Латофатда Марғилоннинг Кумушидан қолишмайдиган Тошкентнинг қизи эди. Илтифот қилган ҳамкасб йигитларга бепарволиги ҳам унинг фазилатларига фазилат бўлиб кўшилди...

Ёш ходим бор эътиборини ўз ишига қаратарди. Бўлимда ишлаган устозлари Солиҳа Каримова, За-



рифа Эшонхонова, Эйтибор Мамажонова, Фариди Байкова каби опаларидан касб сир-асрорларини кунт билан ўрганди. Мактабда яхши ўқиганлиги боис, матнлардаги хато ва камчиликларни жуда тез илғаб олар, бамаслаҳат тузатишлар қиларди.

Таҳририятда иш қизигандан қизиб бораверарди. Шундай кезларда биз, ёш ходимлар матн ўқишга ёрдамлашиб юборардик. Саҳифадаги матнни аслият билан солиштириб ўқиш учун икки киши талаб қилинарди.

Газета ҳар куни чоп этилар, одатда, деярли ҳар бир сонга марказда бўладиган олиймақом даражадаги учрашув ва қабуллар тафсилотига оид узундан-узун ахборотлар, Иттифоқ раҳбарларининг нутқ ва мактублари тун ярмидан оққанда расмий алоқа каналлари орқали махсус грифлар билан юборилар эди. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, газета чоп этилишини тонготарга қадар чўзар, табиийки, кунда-кунора такрорланиб турадиган уйкусиз кечалардаги бунақа бошоғрик иш ҳар қандай мустаҳкам асаб эгасига ҳам барибир малол келадиган пайтлар бўларди.

Бир сафар ана шундай тонготар паллагача чўзилаётган саҳифалаш жараёнида Кумуш матннинг аслиятига қараб турди, мен эса корректура таомилига кўра, саҳифани овоз чиқариб ўқидим.

Матнда шундай сўзлар бор эди: «Ассалому алайкум, жаноби олийлари!» Кумуш кутилмаганда қўлидаги қоғозни столга қўйиб, астагина ўрнидан туриб, тавозе билан менинг айна талаффузимда алик олди: «Ваалайкум ассалом!»

Тавозега уйғунлашган киноянинг классик кўринишида олинган бу аликдан бўлимдагиларнинг барчаси қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Ана шундай

самимий ҳазиллар ҳам иш жараёнига ёрдам берар, толиққан асаблар ёйилар, бу эса меҳнат унумдорлиги ва сифатига ўз таъсирини ўтказарди.

Кумуш Эгамбердиева 40 йилдирки, «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида ишлаб келмоқда. Бу йиллар давомида унинг меҳнати муносиб тақдирланиб, давлат мукофотларига сазовор бўлди. Гарчи, олий маълумотни институтда олган бўлса-да, бу даргоҳ унга академия вазифасини ўтади. Ҳозир таҳририятда раҳбарлик лавозимида ишласа-да, ижодий ходимлар: «Ёзганларимни Кумуш опа ўқиб берсинлар», дейишади. Чунки ундан хато ўтмайди: шоир ёзганидек, «Неки хато биздан ўтар, сизда хато йўқ...»

Қирқ йиллик тажриба, ўзига ишонч. Лекин Кумуш учун буларнинг барчаси камлик қилади, чамаси, тинимсиз ўқийди, изланади. Турли нўмдаги луғатлар, адабиётлар ҳамиша унинг иш столи устида туради. Иш жараёнида бирорта шубҳа туғилдими, китоб варақлайди, луғатларни очиб кўради. Ҳар бир сўзни, иборани ўз ўрнида ишлатади. Ҳозир ҳам аввалгидек, матнни Кумуш ўқиса, ҳамкасбларининг кўнгли тўқ.

Кумуш Эгамбердиева ишда рисоладагидек ходим бўлиши билан бир қаторда, намунали оила бекаси сифатида ҳам бошқаларга ўрнак.

Устоз отангдек улуғ, деган мақол бор. Ўша йилларда бош муҳаррир Аҳмад Исмоиловнинг ташаббуси билан ахборот бўлими негизида яратилган тажриба ва маҳорат мактабининг мударриси айнан Зарифжон Муҳаммаджонов эди.

Бугун биз – ўтган асрнинг етмишинчи йиллари иккинчи ярми ва саксонинчи йилларининг бошларида «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририя-

тида ишлаганлар йиғилишиб қолсак, устозларни фахр-ифтихор билан эсга оламиз. Гап Зарифжон Муҳаммаджонов ҳақида кетганида, барча баробар хуш кайфият оғушида бўлади.

## ОНАМГА ЎХШАГАН АЁЛ



2021 йили журналистларнинг касб байрамлари арафасида давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Фарида Усмонова ҳам бор. Бир асрлик довонни забт этган кекса ижодкор «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.

Шу муносабат билан аяни табриклагани келган бир гуруҳ шогирдлари... байрам устидан эмас, водариғ, мотам устидан чиқдилар. Касб байрами арафасида пешин намозидан сўнг мамлакатимиздаги энг кекса журналистнинг жанозаси ўқилди.

Фарида Усмонова давлатимиз томонидан ўзига кўрсатилган юксак эътирофдан хабар топдимми? Ҳа, хабар топди. Фарзандлари Президент фармонини ўқиб беришганида оналарининг кўзларида анчадан бери унут бўлган қувонч аломатлари порлади. Дуога қўл очди, шивирлаб миннатдорлик изҳор қилган бўлди, ўз ҳаётидан, босиб ўтган умр йўлидан рози эканлигини билдирди.

Онаизор шу йил баҳорда саксон ёшдан ошган ўғлидан ажралиб қолганидан сўнг маъсум бўлиб қолган эди. «Ҳеч бир банда тобут устида болам, деб фарёд чекмасин, отам деб, онам деб йиғласа, бир

нави экан», деган эди ўшанда. Мана энди, фарзандларини, набира-эваралари, шогирдларини онамлатиб кетди.

Хушxabарни эшитганида ёхуд иродаси ўлимга бўш келганида аянинг кўз ўнгидан умр баёни бирма-бир ўтган бўлса, ажаб эмас. Фарида Усмонова Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилган бўлса-да, унинг меҳнат фаолияти, ижоди Тошкент вилояти билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Қибрай туманининг «Боғишамол» маҳалласида яшади. Сўнги йўлга ҳам ана шу манзилдан кузатилди ва шу ерда қўним топди.

Фарида Усмонова узоқ йиллар давомида «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида меҳнат қилди. Айниқса, бош муҳаррир ўринбосари сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Ўтган аср етмишинчи йилларининг иккинчи ярмида вилоят газетаси таҳририятига бир гуруҳ ёш ижодкорлар келиб қўшилишди. Улар орасида Абдурахим Абдуллаев, Миракмал Миралимов, Аҳмад Бобобеков, Абдукарим Раҳимбердиев, Фатхиддин Муҳиддинов, Миржалол Миралиев, Убайдулла Абдушоҳидов, Адолат Носирова, Зулхумор Жўраева, Кумуш Эгамбердиева бор эди.

Газета ҳафтасига беш марта чиқар, адади 50 мингдан ортиқ эди. Қийин вақтлар. Расмий хабар бўлса-бўлмаса, ҳар куни марказ телеграф агентлигининг ёпилиши кутилар эди. Москва билан Тошкент вақти ўртасида уч соатлик фарқ бор. Шу боис, деярли ҳар куни газета иши ярим тунда ёки тонгортарда яқунланарди. Фарида опа кунда-кунора нашр учун масъул бўларди. Эрта келиб, ҳаммадан кеч кетар эди.

Газетани тайёрлаш ҳозиргидек осон эмас. Гранка ўқилади, саҳифа ўқилади, тузатиш устига тузатиш. Бу жараён узоқ вақт ва катта машаққат талаб қилади. Чарчаганлар тун яримдан оққач, газета тахламларини бошларига ёстиқ қилиб, мизғиб оларди. Тажрибали журналист ана шундай қийин кезларда сабот билан меҳнат қилган.

Эътиборлиси шундаки, Фарида Усмонова ҳамиша биз, ёш ходимларнинг ғамхўри ва ҳимоячиси, онамиздек меҳрибон эди. Расмий материаллар кўпайиб, ёзганларимиз ҳафталаб навбат кутиб ётарди. Аксарият кўпчиликни ташкил этадиган кекса авлод вакилларининг мақолалари учун ҳамиша «яшил чироқ» ёниқ турарди. Ана шундай кезларда биз Фарида опадан нажот кутар эдик. Арзимизни тинглаган муҳаррир ўринбосари ҳар сафар мушкулимизни осон қилиш чораларини ахтарарди ва топарди.

Сира эсимдан чиқмайди, бир сафар эрта баҳорда хўжакентлик (Бўстонлик тумани) чўпон қиз ҳақида очерк ёзганман. Ҳар ҳафта душанба куни «летучка» номи билан бўлиб ўтадиган умумий йиғилишнинг навбатдагисида обзорчи акамиз очеркни шунақанги танқид қилдики, астар-аврасини чиқариб юборди. Ёнимда ўтирган ҳамфикр касбдошим қулоғимга шивирлади:

– Ўрнингдан туриб, энди очерк ёзмайман, деб қасам ич. Йўқса, тинч қўйишмайди.

Мен содда бу гапга ишониб, сўз айтишга тарадудланиб турган эдим, гап навбатини Фарида Усмонова илиб кетди. Опа аниқ далиллар билан ёзганларимни таҳлил қилди. Ишимни муносиб баҳолади. «Ёшларни синдириш эмас, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш лозим», деди. Бу гап бош муҳаррир

Аҳмад Исмоиловга ҳам хуш келди ва мунозарага нуқта қўйди.

Бу каби меҳрибончиликни Фарида Усмонова фақат менгагина қилган эмас, у барча ёш ижодкорларнинг бошини силаган.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли таҳририятда ижодий муҳит яхшиланиб борди. Ёшлар жуда фаоллашиб кетди. Кейинчалик Фатхиддин Муҳиддинов, Убайдулла Абдушоҳидов узок муддат газетага раҳбарлик қилишди.

Фарида Усмонова ёшларга ғамхўрлик қилибгина қолмай, ҳаётда, ижодда шахсий намуна ҳам кўрсата олди. Унинг «Баҳор маликаси», «Инсон қадри», «Меҳри дарёлар», «Яхшилик умри» сингари рисолалари эълон қилинган. Адибанинг «Дил фарёди» романи, «Қиз келин» қиссаси чоп этилган. «Синов», «Она бағри» драмалари сахналаштирилган.

Ўндан ортиқ дилтортар китоб, мўмин ва комил фарзандлар, арзигулик ибрат, ёрқин хотира... устоздан ана шулар қолди.

...Гавжум бозорда адашиб қолган болакайга ёрдам бериш мақсадида ундан онаси ҳақида сўрашганида, «Менинг онам ҳаммадан яхши», деб жавоб берган экан.

Юз билан юзлашганлиги, ўзгаларга яхшилик қилишни ҳаётининг мазмуни деб билиши, рози бўлиб ва рози қилиб яшаганлиги, сўнгги нафасигача гап-сўзидан адашмаганлиги, омонатини калимаи шаҳодат билан осонгина топширганлиги ва бошқа кўплаб фазилатлари билан Фарида Усмоновани онамга ўхшатаман.

## «СЕНИ СЕВГАНЛИГИМ АЙБИМ...»



Сарлавҳада ўқиганингиз Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров ўз вақтида куйлаган кўшиқлардан бирининг илк сатрлари. Матндаги «Сен» ким: Холиқми, Ҳаётми, Ҳазрати инсонми, Маъшуқами?

Кўшиқни тингларкан, мухлис ўз тафаккур тарзидан келиб чиқиб, мушоҳада қилади ва янглишмайди. Мазкур кўшиқни қойилмақом ижро қилаётганида Фахриддин Умаров хаёлидан нималар кечган экан? Айтмоқчи бўлганимиз ана шулар ҳақида.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров ҳаёт бўлганида 2021 йил фусункор кузнинг илк кунинда ўзининг 95 ёшини қарши олган бўларди.

Ҳофиз кўпинча туғилган кунларида ўз дил розларини яқинлари, шогирдлари даврасида кўшиқлари билан ифодалаганига, шу тариқа ўзининг бир йиллик ижодий сарҳисобини қилганига бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.

Илк бор бундан роса 40 йил муқаддам ҳофизнинг Қибрайдаги файзли ҳовлисида бўлиб ўтган шукроналик тадбирида иштирок этган эдим. Эшитишимча, бундан аввалги маросимлар бу қадар серфайз ўтмаган. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида



ўз қўшиқлари билан инсон боласи кўтара олмай-  
диган даражадаги шон-шуҳрат чўққисига чиққан  
санъаткор ҳеч қутилмаганда тақиққа учраганини  
бугун ёши катта авлод вакиллари яхши эслайдилар.  
Аммо бундай «запрет»га оддий бир ҳол – инсоний  
лафзига содиқлиги сабаб бўлганини ҳамма ҳам би-  
лавермаса керак...

Оз эмас, ўн икки йил давомида унинг концерт-  
лари ташкил этилмади, давлат тадбирларига чақи-  
рилмади, радио ва телевидениеда кўринмади. Босма  
оммавий ахборот воситаларида эса у киши ҳақида  
туҳмат мақолалар чоп этилди, холос.

Ана шундай оғир бир вазиятда Фахриддин Ума-  
ровни юпатадиган биттаю битта таскин бор эди. Бу  
халқнинг санъаткорга бўлган чексиз муҳаббати.

Мамлакатимизнинг барча гўшаларидан тўйлар-  
га тинимсиз таклифлар келиб турарди. Фахриддин  
Умаров хизмат қилган тўйларнинг довуғи доволон  
ошарди, тўйхонага етти маҳалладан мухлислар ке-  
либ, одам сиғмай қолар эди. Фалончининг тўйига  
Фахриддин Умаров борибди, деган хабарнинг ўзи  
тўй эгаси учун катта шараф бўлган. Лекин барибир,  
расмий тақиқ ҳофизнинг ҳаётига, турмуш тарзига,  
кайфияти ва ижодига ўз салбий таъсирини кўрсат-  
май қолмасди.

Иштирок қилганимиз 12 йиллик тақиқ бир оз  
«юмшаган»идан сўнг ўтказилган биринчи, кенг дав-  
ра олган оилавий тадбир эди.

Ўшанда мен «Тошкент ҳақиқати» газетасида хиз-  
мат қилардим. Айнан шу йили ёз ойларида газета-  
миз саҳифаларида Фахриддин Умаров ҳақида кат-  
тагина мақола ҳофизнинг сураги билан қўшиб чоп  
этилди. Газетада тақиқдаги таниқли шахс ҳақида  
юқоридан берухсат, ўзбошимчалик билан мақола

бериш ўша даврда ўзига хос жасорат эди. Шундан сўнг, Фахриддин Умаров кўшиқлари онда-сонда бўлса-да, радио орқали янгради, ҳофизнинг ўзи телеэкранларда кўриниш бера бошлади.

Тадбирда таклиф этилганлардан кўра таклиф қилинмаганлар кўп эди. Дарвоқе, туғилган кунга меҳмонлар чақирилмайди. Лекин биз газетанинг бош муҳаррири ва икки нафар ходими расман таклиф қилинган эдик.

Тадбирнинг авж палласида давра раиси кўшиқ навбатини маросим мезбони – Фахриддин Умаровга берди. Ҳеч қутилмаганда ардоқли ҳофизимиз даврага мени – ўша мақола муаллифини чорлади ва микрофони қўлимга тутқазди. Орадан йиллар ўтиб, нималар ҳақида гапирганимни эслолмайман, лекин санъаткорнинг нима учун менга сўз берганини ўзимча мушоҳада қиламан.

...Фахриддин Умаровга ўзимни мухбир сифатида таништириб, у ҳақда мақола ёзиш ниятим борлигини айтганимда, унинг юзларида ажабланиш аломатларини кўрганман. Бу ажабланиш унинг илк саволида ҳам зухур топган эди.

– Мен ҳақимдаги яхши-ёмон гапларнинг ҳаммаси маълум. Сиз энди нималар ҳақида ёзмоқчисиз?

– Фахриддин Умаровнинг кўшиқчилик мактаби ва унинг шогирдлари – Тошкент кўшиқчилик мактабининг давомчилари ҳақида ёзмоқчиман, – дедим ёшликка хос шижоат билан.

– Фахриддин Умаровнинг кўшиқчилик мактаби, Тошкент кўшиқчилик мактаби? – ҳайрат билан сўзларимни такрорлади суҳбатдошим.

Ўзбек кўшиқчилик санъатининг ўз мактаблари, дарғалари борлиги, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ижрочилик йўллари, уларнинг асосчилари ва ўзига

хос томонлари ҳақида гапирдим. Кейин Фахриддин Умаров санъати тимсолида Тошкент қўшиқчилик мактабини таърифладим. Уни бир сўз билан лирик қўшиқлар мактаби, деса бўлади, дедим.

– Ёшингиз нечада? – сўзимни бўлди хофиз.

Бу саволдан жуда хижолат тортдим. «Сен кимга ақл ўргатяпсан, тирранча?» дегандек эшитилди менга бу савол. Шундай бўлса-да, жавоб қайтардим.

Сухбатдошимнинг чеҳраси ёришди:

– Ёшлар мени билмайди, эшитмайди, деб юрардим...

Фахриддин Умаров қўшиқларини ёшу қари баробар севиб тинглашини, уларда энг нозик инсоний туйғулар, муҳаббат, армон, дард мана шу мен, деб балқиб туришини, овози ва услуги бетакрорлигини таъкидламоқчи бўлдим.

Мақтов ҳаммага ёқади. Агар у чиндан асосли бўлса, икки карра хушнуд қилади. Эҳтимол, хофиз давраи ўшанда катта даврага кичкина бир мухбирни чорлаб, микрофон тутқазар экан, ана ўша гапларни ҳамманинг олдида яна бир бор қайтаришимни хоҳлагандир...

Фахриддин Умаров беихтиёр тўлқинланиб кетди. Ҳамиша қандайдир файз ва тароват балқиб турадиган юзи янада ёришди. Сўзларимни тинглаб бўлгач, дуторини созлади ва кўнгилни хуноб қиладиган даражада ҳазинлик билан куйлай бошлади:

*Сени севганлигим айбим,  
менинг ўзга гуноҳим йўқ,  
Бу ишқдан бир Ўзинг воқиф,  
менинг ўзга гувоҳим йўқ...*

Биринчи суҳбатимиздан сўнг орадан анча вақт ўтди. Мақола газета юзини кўргунга қадар биз яна бир неча марта учрашдик. Ҳар сафар Фаҳриддин Умаров хонадонига борганимда уни санъаткорлар, адабиётчи олимлар даврасида кўрар, жуда завқли суҳбатларнинг гувоҳи бўлар эдим. Ҳофиз қўшиққа солган Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини эшитиб, ҳар сафар мумтоз адабиётимиз дурдоналарини қайтадан кашф қилгандек бўлаверардим.

Ана шундай суҳбатларнинг ҳар бирида у мумтоз адабиётимизни нақадар чуқур билиши, ғазални чиройли ўқиши, ҳар бир сўз замиридаги маъно ва рамзларни эринмай шарҳлаши, асарни мухлисга етказишда урғуни қайси сўзга бериш лозимлиги, талаффузнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратишининг гувоҳи бўлганман. Бу эса мени ҳофизга, унинг санъатига кўпроқ боғлаб, ошуфта қилиб борар эди. Бундай пайтларда у ўзини нафақат қўшиқчи, айни вақтда етук бастакор, созанда, шоир, адабиётшунос, энг муҳими, комил инсон сифатида намоён қилар эди.

Бир куни Фаҳриддин ака Хумсоннинг сўлим гўшасига таклиф қилди. Дилкаш суҳбатдан сўнг у киши Бобур ғазали билан «Сочининг савдоси тушди, бошима бошдин яна» деб бошланадиган қўшиғини созсиз, маҳорат билан бутун борлиқни унутиб, ижро қилди. «Бошдин яна...» деган радиф қатидаги нолаларни такрор ва такрор тингларканмиз, ҳамроҳлар бундан ўзимизча рамз топиб, бу ижрони ҳофизнинг олтмишинчи йилларда топган доврўғига янгидан қайтиши, деб тушундик...

Фаҳриддин Умаров аския санъатини ҳам пухта эгаллаган эди. Ўз даврининг машҳур сўз усталари билан баробар баҳсга кириша оларди. Гапга чечан-

лик, ҳозиржавоблик, сўзамоллик борасида ҳофизнинг олдига тушадиганлар кам эди.

Яна бир ҳолатга шахсан гувоҳ бўлганман. Ўз даврининг катта амалдорлари иштирок этган тор доирадаги зиёфатга Фахриддин Умаров ҳам тақлиф этилган эди. Хонага тор қўтариб кирган ҳофиз салом-аликка ҳам улгурмай хужумга учради. Бутун мамлакат матбуотини илқида ушлаб турган вазир мақомидаги амалдор гапни «Онам ўлганида кўнгил сўрашга ҳам келмадинг», дея гинадан бошлаб, бор эътирозу ғазабини тўкиб сочди. Ҳофиз ҳақида ёзилган фельетонни ушлаб турганини, керак бўлса, битта имо билан энг катта газетада бердириб юбориши мумкинлигини айтиб, пўписи қилди.

Ҳофиз гап қайтармади, ўзини оқлашга уринмади ҳам. Бир жуфт кўшиқ айтишга келганини билдириб, қўлига созини олди-ю...

*«Амалу давлатинг ўқдир,  
мудом турмас камонингда»*,

деб кўшиқ бошлади.

Ўшанда у кишининг ҳозиржавоблиги ва жасурлигидан ёқа ушлаганман.

Дарҳақиқат, назм ва наво ҳофиз ҳаётининг мазмунига айланиб бўлган эди. Санъаткорнинг умр баёнини унинг кўшиқларидан изламоқ лозим, деган хулосага келганман.

*Дерлар: одам боши  
қаттиқдир тошдан...*

Ана шу сатрлар билан бошланадиган кўшиқни ҳофиз ўзи ҳақида айтган бўлса, не ажаб. Унинг ҳаёт йўли жуда мураккаб кечди. Болалик йиллари

Украинанинг олис пучмоқларида сургунликда ўтди. «Кулакнинг боласи», деган тавқи лаънат пешонаси-га абадий мухрлангандек эди.

«Онам дерман», деган кўшиғини сургунда, зору ночорликда бандаликни бажо қилган волидасини эслаб ёзгандир, эҳтимол? «Учиб ўтган қалдирғоч, ёрга айт саломимни», деб бошланадиган кўшиғи эса васл фироғи эмас, олис ўлкаларда кечган Ватан соғинчининг ифодасидир, балки?

Мевали дарахтга тош отилади. Фахриддин Умаров умрининг охиригача ҳар қандай майда гап-сўзлардан ўзини юқори қўя олди. Бу унинг эл-юрт олдигаги ҳурмат-иззатини чандон оширди.

Мустақиллик йилларида унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвони берилди. Яна бир хушхабар тарқалди: Президентимиз имзолаган фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан марҳум санъаткор Фахриддин Умаров «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Бу жуда муносиб эътироф.

Фахриддин Умаров мураккаб, айни вақтда, шарафли умр ва ижод йўлини босиб ўтди. Бу йўлда азоб-уқубатларни ҳам кўрди, камдан-кам санъаткорга насиб этадиган шон-шарафга ҳам бурканди. Кўп йиллар машҳурлик чўққисида, санъатсевар халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббати ардоғида яшади. Умрининг охиригача санъатга, ўз эътиқодига содиқ қолди.

Шу ўринда Набижон Боқий ва Ҳожиакбар Ҳамидовнинг Фахриддин Умаров ҳақида ёзилган «Мени ёд эт» номли китобидан бир лавҳани эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

«Академик Ҳабиб Абдуллаев ҳазрат Навоий ғазали билан айтиладиган «Сабо етсанг» кўшиғини етти

қатла эшитади, узоқ ўйга толади, ҳеч ким у кишининг хаёлини бўлмади. Ниҳоят, қаттиқ уйқудан уйғонган одамдек сесканиб атрофга қарайди, маъюс жилмаяди. Сўнг ўктам товушда:

– Фахриддинжон, ўғлим, сенга айтадиган қиёматли гапим бор, – дейди дона-дона қилиб. – Мен ўлган кунда мана шу қўшиғингни айтиб турасан. Тобутда ҳам, мазорда ҳам сенинг қўшиғингни эшитиб ётаман. Сенга айтадиган васиятим ҳам, илтимосим ҳам шу...»

Жанозада қўшиқ айтилмайди. Лекин бу васият қайсидир маънода ижобат бўлган. Бу воқеани саксондан ошиб, омонатини топширган Фахриддин Умаровнинг жанозаси куни ҳам эса олгандим.

Марҳумнинг Қибрайдаги ҳовлисидан қабристонгача бўлган масофа хийла узоқ. Лекин тобутни машинага юклашмади. Тумонат одам уни қўлма-қўл олиб, сўнгги йўлга кузатди. Барча маъюс ва ўйчан кўринди. Жанозада иштирок этганлар орасида устознинг кўп сонли мухлислари, таниқли шогирдлари бор эди. Назаримда, улар ҳофизнинг қўшиқларини унсиз ижро этишар эди:

*Йўлингда туфроқ ўлдим,  
эй, сабо етсанг губоримга...*

Ўша куни менинг тилимдан эса ҳофизнинг сарлавҳадаги сўзлар билан бошланадиган қўшиғи тушмади. Ҳофиз қайси айби учун ҳаёт синовларига дучор бўлганди? Назаримда, Фахриддин Умаровнинг «айби» бўлса, у ҳам биттагина эди: асл санъатни, ҳаётни, одамларни, мухлисларини севарди, ардоқларди.

## СЕНДАН БИР ДАМ АЙРО ТУШМАЙМИЗ, ВАТАН!



Воқеа ва ҳодисалардаги, давра суҳбатларидаги ибрат ва ҳикматни жуда нозиклик билан илғаб олиш, улардан мантиқ излаш, тез таъсирланиш, илҳомланиш, демакки, ҳаётда ижтимоий фаол бўлиш, айти вақтда яқинларига ҳам ана шундай хислатларни илиниш Шарифа Салимованинг ноёб фазилатларидан бири ҳисобланади. Бунга жуда кўп марта гувоҳ бўлганман.

Ёши тенг бўлган қизларимиз ўрта мактабни тугатишгач, Ангрэндаги вилоят давлат педагогика институтига киришган. Кириш имтиҳони куни Шарифахон билан институтда тасодифан учрашиб қолдик. Абитуриентлар имтиҳондан хурсанд бўлиб чиқишди. Бунини нишонлаш керак. Опанинг турмуш ўртоғи Хуррам ака яқин танишининг тоғ орасидаги сўлим оромгоҳидан жой тайёрлатиб қўйган экан. Қўярда-қўймай бизларни ҳам ўзлари билан олиб кетишди. Меҳмондорчилик жуда қуюқ бўлди. Кун ботди, қош қорайди, тун яримлади, лекин мезбонлар турли баҳоналар билан бизга жавоб беришмас



эди. Шунда мезбоннинг розилигини олиш учун бир баҳона топдим:

– Уйда ёшлари тўқсонга яқинлашаётган онам билан яшайман. Агар бу қадар кеч қолиб кетишимни билганимда, қизимнинг онасига янги оёқ кийимимни остонага олиб чиқиб, қўйишини тайинлаб келган бўлардим, – бир оз нафасимни ростлаб, гапни давом эттирдим: – Онам ҳар сафар уйга кеч қайтганимда дам-бадам остонага чиқиб, пойафзалимни кидиришларини яхши биламан. Чориғим бўлмаса, ухламайдилар, хавотир оладилар. Менинг бу ердаги маишатим онамнинг бир чимдим уйқусига арзимади.

Мезбоннинг онасидан айрилганига кўп бўлмаган экан. Гапим таъсир қилди, чамаси, дуога қўл очиб, бизларга оқ йўл тилади.

– Жуда таъсирли гап айтдингиз, – деди Шарифахон қайтаётганимизда. – Шу воқеани ҳикоя қилиб ёзинг.

Шу воқеани қоғозга туширганимдан сўнг, мени руҳлантирган инсоннинг бирам хурсанд бўлганини кечагидек эслайман. Ўшанда биз Шарифахон билан бирга ишлар эдик.

Дарвоқе, воқеа ва ҳодисалардан таъсирланиш ҳамда илҳомланиш унинг кўплаб шеърлари, публицистик мақолаларининг доясидир.

Шоиранинг дастлабки шеърый гулдасталари ўтган асрнинг 80-йилларида «Ҳаёт завқи» ва «Менинг баҳорим» номлари билан чоп этилди.

Шундан сўнг мухлислар интиқиб кутган «Хизр булоғи» достони чоп этилди. У буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган.

Шоира Шарифа Салимованинг шунчаки ёзилган шеърлари йўқ. Уларнинг ҳар бири ўқувчига завқ-

шавқ улашади. Айниқса, Ватан, ватанпарварлик ҳақида ёзганлари бўлакча.

У бир шеърда шундай ёзади:

*Майли, тиконларинг қонатсин қўлим,  
Майли изгиринлар қилсинлар зулм,  
Сен рози бўлсанг бас, онажон элим  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан.*

Шарифа Салимова публицист сифатида ҳам долзарб мавзуларда қалам тебратди. «Саодат» журна-лида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаган кезларида ёзган мақолалари ҳали-ҳануз ўз долзарблигини йўқотмаган.

Шарифа Салимова Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-масининг Тошкент вилояти бўлимига раҳбарлик қилган йилларида ҳам «Халқ сўзи» ва бошқа нуфуз-ли нашрларда ватанпарварлик мавзусида туркум публицистик мақолалар чоп этди. Улар долзарбли-ги, тилининг равонлиги билан ҳам ажралиб турар эди. Бу битиклар, таъбир жоиз бўлса, наср ичида-ги назм эди. Унинг 2002 йилда чоп этилган «Тонгга қасам» китобидаги публицистик мақолаларида ҳам давримизнинг энг долзарб масалалари шоирона тил билан қаламга олинади.

Шарифахон воиз сифатида ҳам ҳурмат ва эъти-бор топди. У пойтахт вилояти Маънавият ва маъ-рифат марказида ишлаган чоғларида энг муҳим мавзуларда жуда кўп маърузалар ўқиб, ҳамиша тингловчининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўл-ган. Айниқса, таниқли сўз санъаткори Турсуной Содиқова билан ҳамкорликдаги чиқишлари ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Унинг Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутати сифатида халқ билан, ўз

сайловчилари билан учрашувлари, дилкаш суҳбатлари ҳамиша таҳсинга сазовор бўлган.

Журналистлар ўз ҳамкасбларидан интервью олишни кўпам хуш кўришмайди. Лекин бу ҳолат Шарифа Салимовага тегишли эмас. Унинг ҳозир-жавоблиги, теран фикрлаши, билим савияси, равон нутқи, фикрни баён қилишнинг ўзигагина хос бўлган услуби ва энг муҳими, бетакрор самимияти ҳар қандай мухбирни ҳам, мухлисни ҳам ўзига ром қила олади.

Бирга ишлаганимизда радиоқўмигага кўшни эдик. Маънавиятга оид бир соатли тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган радиоэшиттиришга бирга-лиқда жуда кўп марта таклиф қилинганмиз. Ҳар сафар ҳам эфир мазмунли ўтганини ташкилотчилар қайта-қайта таъкидлашар, келгуси ҳафта режасини келишиб олишарди.

Шоиранинг ижодида Ватан, ватанпарварлик мавзуси ҳамиша етакчилик қиларди, дедик. Нега шундай? Бу саволга жавоб топишга кўп уринганман.

Наврўз айёми арафасидаги шанбаликни ўтказиш учун ишхонага йиғилдик. Қабулхонада бизни бўкалик ёши удуг ҳамкасбимиз Малика опа кутиб турган эканлар. Қўлларидаги елим халтачада нималардир бор. Саломлашгач, ийманибгина гап бошладилар:

– Сумалак пиширган эдик. Шундан сизларга ҳам илиниб олиб келдим.

Опа келтирган сумалак ҳам, бўрсилдоқ тандир нони ҳам ҳали совиб улгурмаган эди. Шанбаликни сумалакхўрликдан бошладик. Бўка билан ишхонамиздаги оралик масофа тахминан 70 километрни ташкил қилади. Шунча йўл босиб, сумалак олиб келиш шарт эмас эди. Малика опага меҳрим товланиб, дастурхон устида Бўкани ва бўкаликларни

бисотимдаги бор лутфлар билан мақтай бошладим. Айниқса, Бўканинг чойхона паловини тўқ одамнинг ҳам иштаҳасини очиб юборадиган даражада хуштаъм дея таърифладим. «Мамлакатимизнинг бирорта худудда Бўкадагидек ширин ош тайёрланмайди», дея қатъий хулоса билан мавзуну якунладим.

Гурунг бошланганида, даврадошимиз Шарифахон жуда фаол эди. Сухбат давомида у камгап бўлиб бораверди. Мен мазкур ҳолатни бошқачароқ хулосаладим: аёллар ўтирган даврада фақат бир кишини мақташ одобдан эмас. Биламизу, ҳар доим ҳам амал қилмаймиз. Меҳмонни кузатганимиздан кейин бу фикрнинг ноўринлигини билдим.

– Бўкани жуда мақтаб юбордингиз. Сиз Паркентнинг ошини, мадор сомсасини, кабобини емаган кўринасиз, – деди Шарифахон қатъий оҳангда.

Паркент – Шарифа Салимова туғилиб ўсган туман. Буюк алломалар, дилбар шоирлар юрти. Шанбалик давом этяпти: кўлим ишда, хаёлим Паркентда. Ҳамкасбимнинг эътирозлари талабалик йилларимизни эсга солади...

Дарвоқе, биз Шарифахон билан курсдошимиз. 1969 – 1974 йилларда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида бирга таҳсил олганмиз.

Биз Шарифахон билан Тошкент вилояти вакили бўлганлигимиз туфайли жуда иноқ ва ҳамфикр эдик. Устозлар сабоқларини тинглаб, улар берган вазифаларни бажариш йўсинида ўқиган китобларимизни муҳокама қилар эдик.

Гап айланиб мактаб йилларига бориб тақалгудек бўлса, у биринчи бўлиб ўз онасини алқар эди. Туғилиб ўсган маҳалласию қишлоғини оғзидан бол

томиб, чунонам мақтар эдики, назаримда, ўша чанг кўчаларнинг «сочини қирқ кокил ўриб, қошига ўсма, юзига сурма суриб», гўзаллаштириб юборарди. Гўёки, унинг киндик қони тўкилган маскан дунёнинг энг гўзал гўшаси эди.

Кейинчалик Шарифахоннинг қизлик уйида бўлганимизда, унинг ўзига айтиб бўлмайдиган хулосага келганмиз. Ўша чанг кўчалар, томи қийшиқ уйлар: курсдошларимиз Илҳом Ҳотамов ўсган Оққўрғоннинг Қаҳрамон, Абдуғани Розиковнинг Тошкент туманидаги Олтинтепа ёки мени улғайтирган Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғидан айтарли фарқи йўқ.

Мен бу гапларни нима учун айтаяпман? Бу саволга жавоб беришдан аввал яна бир воқеа ҳақида тўхталмоқчиман.

Ўтган асрнинг сўнги йиллари. Мустақиллик шарофати билан собиқ «Билим» жамияти негизида Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Мен ана шу марказнинг Тошкент вилояти бўлимига раҳбар этиб тайинландим. Эшитдимки, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиевага ўша пайтда отилган тухмат тошлари, у кишининг «Саодат» журналидан кетиши ўз таъсирини Шарифахонга ҳам ўтказибди. Курсдошим – ҳассос шоира, ажойиб журналист ишсиз, уйда ўтирган экан.

Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик дейишадими, ташкилотга иш берадиган керак. Ана шу ўй-фикрлар билан Шарифахонга иш таклиф қилдим. У марказ бўлимида раҳбар ўринбосари сифатида иш бошлади.

Дунёдаги барча амаллар ниятга боғлиқ. Мўлжални баланд олиш керак. Уч қадамга сакрамоқчи бўлган одам саккиз одимни чамалаши лозим: бу – айна

ҳақиқат. Яна бир уққаним шу бўлдики, ташаббус ва даъват улкан ишларнинг пойдевори ҳам экан.

Шарифахон марказ бўлимидаги фаолиятини ташаббус билан бошлади. У шунчалар кўп масалани ўртага ташлар эдики, баъзан улар ижросини таъминлашни тасаввуримизга сиғдира олмас эдик. Масалан, Бўстонлиқ туманидан тадбир ўтказиб қайтаётганимизда, Ғазалкент шаҳрига жаҳид адабиёти вакили Элбекнинг ҳайкалини ўрнатиш, Сидқий Хондойлиқийнинг китобини янгидан чоп этиш каби таклифлари билан ўртоқлашди.

Бу таклифларни қўллаб-қувватламаслик мумкин эмасди. Чунки ҳар икки аллома ҳам вилоят фаҳри, қолаверса, кундалик ишимиздан фарқли ўлароқ, бир умрга эсдалик бўлиб қоладиган ташаббуслар эди. Лекин бу иш осон кечмайди. Фикрни асослаш, ҳайкалтарош билан келишиш, эскиз тайёрлаш, харажатларни ҳисоблаш, энг қийини эса пул сўраб, молия идорасида, ҳоким эшигида сарғайиб туриш лозим.

Шарифахон Сидқий асарларини тўплайдиган ва тўлдирадиган, ҳоким номидан китобга сўзбоши ёзадиган бўлди. Ташкилий ишлар менга юкланди. Китобни тайёр қилиб, раҳбариятга киритсак, иш осон ҳал бўлади, деган фикрда иш бошланди.

Бир оз вақт ўтгач, бошқа лойиҳа ҳам қизғин тус олди. Жаҳид боболаримизнинг ҳайкалларини асосан ҳайкалтарош Равшан Миртожиев яратмоқда. Уни топиб, мамлакатимиз шаҳарларидаги ижодий ишларини роса мақтадик ва мавридини топиб, Элбек ҳайкалининг андозасини яратиб беришни илтимос қилдик. Кейин Бўстонлиқ тумани ҳокими билан ҳайкалтарошнинг учрашуви ташкиллашти-

рилди. Йил ўтиб, орзулар ижобат бўлди: китоб ҳам чиқди, ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Аввал киндик қони тўкилган қишлоғининг, кейинроқ эса Паркент туманининг қизи бўлиб кўринган Шарифа Салимова вилоятнинг вакили ҳамда толмас тарғиботчиси сифатида камол топиб бораверди. Энди унинг вилоятни мадҳ этувчи туркум мақолалари турли газета ва журналларда мунтазам чоп этилиб турди.

Бу орада Шарифахон янги лавозимга тайинланди. У фаолият бошлаган Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими деярли тарқоқ аҳволда эди. Вилоят ижодкорларининг боши қовуштирилди. Қайта тикланган ташкилот гавжумлашиб кетди. Қатор истеъдод эгалари уюшма аъзолигига қабул қилинди. Энди маънавий тадбирларимиз шоир ва ёзувчиларсиз ўтмайдиган бўлди.

Кейинчалик, у мамлакатимизнинг энг нуфузли идорасида масъул вазифада ишлади. Бирйўла икки чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат этиб сайланди.

Шарифа Салимованинг ижоди билан ошно бўлиб, унинг бетакрор ва нафис шеъриятидан чексиз таъсирланиш мумкин. Унинг умр йўли, ижоди ва меҳнат фаолиятига назар ташлаб, инсонда ватанпарварлик туйғуси қандай шаклланишини ва бу туйғу нима эканлигини англаб олиш қийин эмас. Бугун исталган даврада она ҳақида, киндик қони тўкилган маскан ҳақида гап кетганида, Шарифахон биринчилар қаторида кўринади. У бундан 50 йил илгари ўз қишлоғи ҳақида қандай тўлқинланиб, ҳаяжонланиб гапирган бўлса, бугун жонажон Ўзбекистонимиз ҳақида ана шундай ҳиссиёт билан сўзлайди.

Ҳалол меҳнат эътирофсиз қолмайди. У ўз меҳнат фаолияти давомида давлатимизнинг бир қатор ордени ва медаллари билан тақдирланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлди.

Бу йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳассос шоира, маҳоратли публицист Шарифа Салимова таваллуд айёмининг 70 йиллигини нишонлайди. Мен уни 17 ёшида кўрганман: гўзал, дилбар, самимий. Бугун ҳам шундай: гўзал, дилбар, самимий, доно ва зукко. Озгина фарқи бор, холос. Энди унинг фаолияти доираси кенг, умр йўли, меҳнати ва ижоди ёшларга ибрат.

Шарифа Салимованинг фазилатларини идрокимиз даражасида, имконимиз қадар кўрсатишга ҳаракат қилдик. Лекин энг муҳимига тўхталмадик. Шарифа Салимова – намунали оила бекаси, тўрт фарзанднинг онаси. Борлигини зурриётларига илиниб, уларни комиллик даражасига етказиш учун яшади ва яшамоқда. Бунда унинг турмуш ўртоғи, маслақдоши, илҳом берувчиси, намунали оила бошлиғи, таниқли олим ва таржимон Хуррам Раҳимовнинг салмоқли ҳиссаси бор.



## «МЕН – ОТАМНИНГ ЎҒЛИМАН...»



### Маккада қилинган дуо

2017 йил, Ҳаж мавсуми эди. Каъбатуллони тавоб қилиб, ётоққа отландим. Пештоқига Ўзбекистон байроғи ўрнатилган автобусга чиқдим. Олдинги ўриндиқда Марғилон дўппи кийган нуроний ўтирар эди. Саломлашиб, қаердан эканини суриштирдим.

– Олтиариқданман, – деди суҳбатдошим.

– Олимжон Ҳакимовни танийсизми? – дабдурустдан ва беихтиёр сўрадим. Чунки Олтиариқ, деганда кўз ўнгимда кадрдоним Олимжон Ҳакимов гавдаланади.

– Редактор акани айтяпсизми? У кишини туманда ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Мен оталари Эсажон тоғани ҳам, Аллоҳ раҳмат қилсин, яхши билардим. Ўғиллари Алишер ҳам, Жаҳонгир ҳам туманимизнинг илғор тадбиркорларидан. Олимжон ака зўр инсон.

– Зўр инсон бўлса, келинг, шу ерда ўтириб, у кишининг ҳаққига дуо қилайлик.

Биз дуога қўл очдик. Аввал у киши, кейин мен Олимжон Ҳақимовга чин ихлос билан Яратгандан яхшиликлар тиладик.

Олимжон Ҳақимов чин эъзозга муносиб бўлганлиги учун суҳбатимиз самимиятга йўғрилиб кетди. Биз йўл-йўлакай, ким у кишига кўпроқ яқинлигини исботлаш учун киши билмас мусобақалашдик.

Олтиариқлик Рустам ҳожи ака билан суҳбатимиз Олимжон Ҳақимов ҳаёт йўлининг яна бир ибратини эсга солди. У болалигида машҳур колхоз раиси Эсажон Ҳақимовнинг ўғли, вояга етганида етук журналист, моҳир муҳаррир, бугун эса тадбиркор йигитлар Алишер ва Жаҳонгирнинг отаси сифатида элга танилди. Ана шундай умр йўлини босиб ўтишнинг ўзи катта бахт. Бу – Яратганнинг инояти.

### Эсажон раис

Мақтаб ўқувчиси Олимжон ёзги таътил кунларида отаси раҳбарлик қилаётган хўжаликка тез-тез бориб турар, уни «Эсажон раиснинг ўғли», деб эркалашса, бундан жуда хушнуд бўларди. Катта бўлса, албатта, отасига ўхшаган бўлишни ният қиларди. Ирсиятми ёки отасининг фазилатларини кунт билан ўзлаштирганиданми, ҳар ҳолда, қуйиб қўйгандек отасига ўхшади. Турмуш тарзида ҳам отасидан айро жиҳатлари деярли йўқдай.

Саҳархезликда отасининг ўзи. Олимжоннинг уйига меҳмон бўлиб борган дўстлари тўйиб ухлай олмайди. Катта ҳовлида яшайдиганларнинг барчаси одатларига кўра барвақт уйғонишади. «Эрта турган кишининг, Худо ўнглари ишини», деган нақл бу оила учун шиор қилиб олингандай кўринади.

Эсажон раис эрта тонгданоқ даласига отланар эди. Йўл-йўлакай ҳали уйқудан уйғонмаган хонадонлар эшигидаги ташқи занжирни зулфига илиб кетадиган одати бўларди. Эрталаб кимнинг эшиги ичкаридан очилмаса, билишардики, кўчадан раис ўтган, оилани эрта туришга даъват қилган. Хонадон эгалари бундан жуда изза тортишарди. Раиснинг шу одати бутун қишлоқни уйқудан эрта турадиган қилиб қўйган, дейишади катталар.

Поёнсиз далаларга унсиз тикилиб туришни, ниҳоллар билан тиллашишни хуш кўрарди.

Олимжон ҳам ўзи муҳаррирлик қилган газета тахламларини бот-бот варақлайди. Ёзганларини қайта ўқийди. Қаҳрамонлари билан хаёлан суҳбатлашишни жуда ёқтиради.

Салмоқланиб юриши ва гапиришини, гапирганда ҳам ўз нуқтаи назарини содда ва ишонарли баён этишини, фикрида қатъийлигини билганлар отасига ўхшатадилар. Ишнинг кўзини билиши, гапни топиб айтиши, софдиллиги, ғирромлик ва ғаламисликдан йироқлиги ҳам Олимжонга отамерос.

Полосон – наинки Олтиариқ, балки бутун Фарғона водийсидаги энг қадим қишлоқлардан бири. Эсажон раиснинг бутун аجدодлари шу ерда яшаган. Ўзи эса 70 йил умр кўриб, 1989 йили вафот этган.

Эшон авлодларига мансуб бўлган оталари Ҳакимжон бобо саводли ва маърифатпарвар инсон бўлган. У 1930 йили вафот этгач, уч фарзанднинг тақдири оналари Ҳалимахон энанинг қўлида қолган. Акаси Араббой ва опаси Ҳамзахон билан бирга ёш Эсажон онага дармон бўлиш ҳаракатига тушган.

Туман марказидаги 1-мактабда ўқишни бошлаган Эсажон 30-йилларнинг даҳшатли қаҳатчилиги туфайли таҳсилни давом эттира олмаган, лекин

табиатан зийрак, ташкилотчи болакай аллақачон тиришқоқлиги туфайли туппа-тузук саводини чиқариб олган эди. Оила ташвиши туфайли ҳамма колхоз даласига чиқарди. Эсажон табелчилик қилди. Ҳисоб-китоби ўрнида, ширинсўз, ёқимтой болакай тезда бутун маҳалладошларнинг суюкли фарзандига айланиб улгуради.

Қаҳатчилик замонидаги 13-14 ёшли боланинг кейинги умри дала ва одамлар билан боғлиқ бўлди. У 35 йил колхозга раислик қилди. Пахтачилик илмини пухта эгаллади. Одамлар кўнглига йўл топишни ундан-да кўпроқ ўзлаштирди. Бунинг натижасида режа бажарилмаган йил бўлмади, ҳисоб. Колхозчиларнинг рўзгорига қут-барака кирди. Шу боис, қаторасига бир неча чақириқ туман Кенгашига, 3 марта вилоят Кенгашига депутат этиб сайланди, 2 та орден, 9 та медал билан тақдирланди. Пөлосонликлар ўз раисларининг ҳалоллиги, тўғрилиги учун жуда яхши кўрганлар. Уруш йилларидаёқ у киши Эсо раис номини олган эди ва ҳозиргача бу ном Полосонда маълум ва машҳур.

Эсажон раис умр йўлдошлари – 96 йил умр кўриб, 2020 йилда вафот этган Саломатхон эна Урайимжон қизи билан 9 нафар фарзандни тарбиялади. Уларнинг бири...

### **Бош муҳаррир О. Ҳақимов**

Олимжон Ҳақимов ана шундай маълум ва машҳур раиснинг ўғли эканлигидан анча кеч хабар топганман. Чунки унда кибрланиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш одати йўқ эди. Камтарлиги ва камсуқумлиги билан ҳамиша ажралиб турарди. Ҳозир ҳам шундай.

Биз Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида беш йил бирга ўқиш билан бир қаторда, яна икки йил давомида ҳарбий хизматни ҳам ўтаганмиз. Мусофирчилик бир-биримизга янада яқинлаштириб қўйганди.

– Мумтоз кўшиқларимизни соғиндим, – дерди лейтенант Ҳакимов кечки сайр чоғларида. Ватан, юрт соғинчи ҳақида ўзи ҳам чиройли хиргойи қиларди. Ватан, деганда унинг кўз олдиди биринчи навбатда ўзи туғилиб-ўсган маскан гавдаланарди.

Ҳарбий хизматни ўтаб, юртга қайтганимиздан сўнг мен унга республика миқёсидаги нуфузли газеталарнинг биридан иш топдим, Тошкентда қолишини таклиф қилдим.

– Қишлоғимга кетаман, ўша ерда менинг фойдам кўпроқ тегади, – деди қуролдошим.

Шундай бўлди. Олимжон Олтиариқ тумани газетасига ишга жойлашди. Нафақага чиққунга қадар мазкур таҳририятда ишлади. Меҳнат дафтарчасида бир ташкилотнинг муҳри бор, холос. Оддий муҳбирликдан иш бошлаган Олимжон бош муҳаррирлик лавозимида 26 йил фаолият юритди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди. Олимжон туман газетасига бош муҳаррир бўлганида, уни табриклагани Олтиариққа бордим. Шу баҳона риштонлик курсдошимиз Муҳаммадвали Усмоновдан хабар олдик.

Мавриди келганида яна бир гапни айтиб қўяйин, 1969 – 1974 йилларда Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университети журналистика факультетининг кундузги бўлимида уч нафар фарғоналик талаба – Олимжон Ҳакимов, Муҳаммадвали Усмонов, Мавжуда Насруллаева таҳсил олган. Бошқалардан фарқли ўлароқ, уларнинг ҳар бири ўз

касбига чин садоқат билан хизмат қилди. Икки азамат газетада, Мавжудахон эса телевидениеда узлуксиз ишладилар.

Муҳаммадвалининг хонадонида суҳбатимиз касб маҳорати ҳақида бўлди. Одатда, бир-бирларини узоқ вақт кўрмаган касбдошлар ўз муваффақиятлари ҳақида мақтаниб гапирадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Биз Муҳаммадвали билан гапни роса олиб қочдик. Олимжоннинг қулфи дили кечроқ очилди.

У муаммоли мақолалар ҳақида гапирди. Гап фақат мақолани ёзиш ёки газетада чоп эттиришда ёки китобий тил билан айтганда, ижтимоий фикрни шакллантиришда эмаслигини таъкидлади бош муҳаррир. Мақола муаммони бартараф этишга хизмат қилсин. Шунда журналистнинг муроди ҳосил бўлади.

Саксонинчи йилларнинг сўнги чорагида Олимжон Ҳакимовнинг олгита проблематик мақоласи райком бюросида муҳокама қилинди. Ҳар бири бўйича алоҳида қарорлар қабул қилинди. Танқиддан тўғри хулоса чиқарилди. Албатта, бу ҳаммага ҳам ёқмаган, лекин муҳбир ўз вазифасини сидқидилдан адо этган эди.

– Сиз туман газетасининг энг намунали муҳбири бўлдингиз, энди сизга рисоладагидек, тўкис муҳаррир бўлиш ҳам насиб этсин, – биз дўстимизга шундай ният билдирдик.

Дарҳақиқат, Олимжон Ҳакимов ибратли ва намунали муҳаррир бўлди. Олтиариқ тумани ҳокимлиги муассислигида чиқадиган «Давр овози» газетаси мамлакатимиздаги энг нуфузли нашрлардан бирига айланди. Бош муҳаррир ижодда ҳам жамоадoshларига ибрат кўрсатди.

Мухбир дегани қизик бўлади: ё жўшиб ёзади, ё қўшиб ёзади. Жўшиб ёзгани маъқулдир, лекин қўшиб ёзгани хатарли. Ўйлаб топганини мақоласига елимлаб ёпиштирмоқчи бўлади. Олимжон эса фақат ҳақиқатни ёзди, ҳамкасбларидан ҳам шуни талаб қилди.

Республика нашрларидан бирининг вилоятдаги мухбири Фарғонада янги босмахона очилгани ҳақида мақола эълон қилди. Унда «Давр овози» газетаси бош муҳаррири Олимжон Ҳакимовнинг интервьюси бор эди. Тахминан мана шундай гап: «Жуда қулай бўлди. Андижонда босилаётган газетамизни энди Фарғонадаги янги босмахонада чоп эттирамиз».

Бу Олимжонга ёқмади. Шу куниёқ Тошкентга қўнғироқ қилди. Икки бош муҳаррир жиддий гаплашиб олишди.

– Мен бундай гапларни айтмаганман. Мухбирингиз ёлғон гапларни ёзган. Газетамиз Андижонда чоп этилади, – дея эътирозларини тўкиб сочди интервью «қаҳрамон»и.

Ўша кезларда мен мазкур газетанинг бошқа вилоятдаги мухбири бўлиб ишлаётганим учун фарғоналик ҳамкасбимга ён босдим.

– Инсонда лабз бўлиши керак. Андижондаги босмахона билан шартномамиз бор. Улар оғир кезларда бизни қўллаб-қувватлашган. Нарх-навоси ҳам бизни қаноатлантиради. Шундай экан, нима учун гапдан қайтишимиз керак?

Бу курсдошимнинг қатъий жавоби эди.

Ҳақиқат умри давомида унинг энг яқин йўлдоши бўлди. Шунинг учун ҳам ёзганларини кўпчиликка манзур қила олди. Хизматлари муносиб баҳоланди. 2009 йилда «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди, қатор медалларга муносиб топилди.

Вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган қатор танловларнинг совриндори бўлди.

...Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ибратли фаолиятига бағишланган энг яхши публицистик мақолалар республика танлови якунлари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш учун олиб киришди. «Маҳалла» газетасининг бош муҳаррири Бахтиёр Абдусатторов тушунтириш берди:

– Ҳакамлар ҳайъати биринчи ўрин масаласида узоқ тортишдилар. Ўзаро маслаҳатлашиб, аёл киши бўлганлиги учун бош совринни наманганлик маънавиятчига, иккинчи ўринни фарғоналик муҳаррирга беришга қарор қилдик.

Мен «Маҳалла» жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари сифатида баённомани кўздан кечирдим. Фарғоналик муҳаррир – Олимжон Ҳакимов эди.

Қайта кўринглар, деб баённомани тасдиқламаслигим мумкин эди. Бош муҳаррир менинг қадрдоним эканлигини ҳайъат аъзолари билганларида, албатта, у ғолиб бўларди. Лекин бу курсдошимга ёқмаслигини жуда яхши билар эдим.

Кейинчалик Олимжон фонддан олинган мукофот пулини тўлалигича онаизорига олиб бориб берганини эшитганимда, унга бўлган хурматим янада сайқаллашди.

Газетани, айниқса, туман нашрини бошқариш осон иш эмас. Бу юмуш бош муҳаррирдан ижодкорлик билан бир қаторда катта ташкилотчиликни, тадбиркорликни талаб қилади. Журналистни қалами билан бирга қўли ва оёғи ҳам боқади.

Сўнгги йилларда газеталар обунаси билан боғлиқ қатор муммолар пайдо бўла бошлагани бор гап. Ана шундай бир шароитда бош муҳаррир муаммо-



ни газета савияси ва сифатини яхшилаш билан ҳал қилди. Ҳар ҳолда ижодий жамоанинг катта рўзгорини бир маромда тебратиб турди.

Дарҳақиқат, Олимжон Ҳакимов бош муҳаррир бўлган кезларида «Давр овози» газетасининг мазмун ва мундарижасида қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Газета бошқа туман нашрларидан фарқли ўлароқ, А-2 форматида, яъни республиканинг етакчи газеталари ҳажмида чоп этила бошланди. Янги мавзулар, рукнлар пайдо бўлди. Олтиариқнинг машҳур фарзандлари ҳақида махсус саҳифалар тайёрланди, уларнинг ибратли томонлари кўрсатилди. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиевга бағишланган саҳифаларни муштарийлар ҳали-ҳануз эслаб юришади.

Олимжон Ҳакимов 2018 йилда нафақага чиққанидан кейин «Давр овози» газетаси молиявий етишмовчилик туфайли бир муддат чиқмай ҳам қолди. Бу ҳақда бонг урган ижтимоий тармоқлар гап орасида газетанинг мунтазам ва мазмунли чоп этилишида Олимжон Ҳакимовнинг хизматлари ниҳоятда катта эканлигини алоҳида эътироф этгандилар.

### **Фарзанд – отанинг бахти**

Олимжоннинг садоқатли турмуш ўртоғи Хожалхон – ўқитувчи. У 35 йил давомида қайинотаси бунёд этган тумандаги 31-умумтаълим мактабида ўқувчиларга география фанидан сабоқ берди. Улар биргалашиб Дилдорахон, Алишер, Жаҳонгир, Гулбаҳор, Дилором исми комил фарзандларни тар-

бияладилар. Барчаси олий маълумотли, қўлларида ҳунари бор.

Рўзғор тугумларидаги камомадларни бировга ошқор қилмаган бўлсалар-да, икки зиёли умр бўйи ҳар ойнинг маош бериладиган 3- ва 18- саналарини кутиб яшадилар. Бу ҳол Алишер ва Жаҳонгирга бир оз эриш туюлганиданми ёки давр талаби шундай бўлганиданми, ҳар ҳолда улар тадбиркорликни танладилар. Олий маълумотли бўлишларига қарамай, бодринг экди, узум етиштирди, шафтолидан боғ қилишди. Минг қилса ҳам, олтиариқлик-да, демоқчилигимни аввалдан сезиб турибсиз. Шундай. Фақат, битта лекини бор. Йигитлар ўша вақтдаёқ кластер усулини танлашган эди. Ўзлари экдилар, ўзлари йиғдилар, ўзлари ташқи бозорга маҳсулотларини олиб бориб сотдилар. Аммо даромадни ўзлари тасарруф қилмадилар.

Бир куни сафардан қайтган ака-ука оталари олдида катта миқдордаги маблағни кўйдилар.

– Бу сафар ортгирганимиз шу. Бозордаги энг қиммат автоуловни олиб мининг.

Ота пулни олар экан, фарзандларини чин ихлос билан дуо қилди ва шундай деди:

– Ўша қиммат машина борган жойга мен ҳозир ҳайдаб юрган «Дамас» ҳам боради. Бу пулга ҳовли сотиб оламиз. Эрта-индин яшаб турган жойимиз бизларга торлик қилиб қолади.

Дарҳақиқат, шундай. Олимжонларнинг уйида нима кўп, йиғин кўп, тадбир кўп. Ўғиллар, қизлар, келинлар, куёвлар, набира-чевара, қариндош-уруғ, куда-анда йиғилишса, эшикка сиғмай қоладилар.

Бу хонадонда ҳеч ким отанинг сўзига эътироз билдирмайди. Анъана шундай. Эндиликда ака-ука, опа-сингиллар кўшни бўлиб яшамоқдалар. Қанча

меҳмон келса ҳам жой торлик қилмайди. Салгина янглишдим, чамаси: кўнгил торлик қилмайди.

Тадбиркор ака-укаларнинг чоғроққина чорбоғлари бор. Эшикдагилар бу ерни «Ранчо» дейишади. Чорбоғнинг бир томонига узум экилган. Навдалари симбағазга қиз боланинг сочидай текис таралган. Улар хомтоқни ўзлари қилишмайди. Бегоналардан илтимос қилишади. Бегона бегона-да. Навдани аямай кесади. Бу эса узум ҳосилининг мўл бўлишини таъминлайди.

Иккинчи тарафда шафтоли етиштирилади. Дарахтга бир мавсумда беш мартагача шакл бериш ва айрим бошқа агротехник тадбирлардаги маҳорат туфайли мўл ҳосил олинишини бошқалар сир тутса-да, ака-ука тадбиркорлар очиқ-ойдин сўзлаб бердилар.

Шунақа гаплар. Эндиликда фарғоналик қадрдонимиз Олимжон Ҳакимов ана шундай тадбиркор йигитларнинг отаси бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда. Нафақаларини эса набираларининг яхши кунларига сарфлашмоқда.

Болам, дейиш Одам Атодан қолган, дейишади. Олимжон ҳам, Хожалхон ҳам фарзандлари учун яшамоқдалар. Авлодлар саодатини, бахтини кўрмоқ эса энг катта шарафдир.

## Олтиариқ ва олтиариқликлар

Олтиариқ ўзига хос тарихи ва удумларига, деҳқончилик ва соҳибкорлик анъаналарига эга бўлган машҳур туман. Бу қутлуғ маскан бугун мамлакатимиздаги энг муаззам гўшалардан бирига айланиши, аввало, бу ерда умргузаронлик қилиб келган ҳамда келажакдаги нурли манзилларни кўзлаб ис-

тиқомат қилаётган ажойиб, меҳнатқаш, олижаноб инсонлари туфайлидир.

Қандай шароит ва вазият бўлмасин, олтиариқликлар ўз ерларини, тупроқларини кўзга суртиб, аجدодларидан қолган қутлуғ меросни асраб-авайлаб, ўзбекона лутфни қойилмақом адо этиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Олтиариқдан жуда кўплаб истеъдодли, катта ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган деҳқону соҳибкорлар билан бир қаторда дунёга машҳур олиму фузалолар, шоиру санъаткорлар етишиб чиқдилар ва бу анъана кейинги йилларда янада барқарор тус олмоқда.

Туман қишлоқ хўжалигига, умуман, тараққиётига ҳам мутахассис, ҳам раҳбар сифатида баракали ҳисса қўшган Орифжон Абдураҳмонов олтиариқлик Ватан фидойилари ҳақида катта ҳажмдаги библиографик маълумотларни тўплаб, китоб ҳолатига келтирди. Китобда номлари келтирилган сиймоларнинг ҳар бири ҳақида ибратли далилларни топди. Улар орасида Ҳакимовлар сулоласи вакиллари борлиги эса жуда қувонарлидир.

## «ЕТМИШ ЕТТИГА ЕТСАМ – ЕТАРДИ...»



Бекободда ўтказилган маърифий тадбирга пойтахтдан ҳам шоирлар таклиф қилинганди. Таниқли шоирлардан бирини Малик ака гапга солди:

– Сиз бекободлик ишчи шоир Малик Эгамни танийсизми?

– Йўқ, танимаيمان, – деди меҳмон.

– Қандай бахтли инсонсиз. У сизнинг қаршингизда турибди, – деди Малик Эгам.

Тадбирда суҳбатдошининг шеърини тинглаган меҳмон шоир ўзи учун яна бир ноёб қобилият эгасини кашф қилди. Малик ака шеърини бутун борлиғи билан ўқиди. Гўёки, ёзганларининг ичига кириб кетгандек бўлди. Менга шундай туюлдими ёки бошқаларга ҳамми, очиғи, шоирнинг шеърини ўқигандан кўра, тинглаган одам кўпроқ завқ-шавқ оларди. У ўз ашъорининг қайси нуқтасига урғу беришни, қачон овозини баладлатиш ёки аксинча, пастрлатиб ўқишни яхши биларди. Шу боис, Малик ака шеър ўқиганида даврага фэйз тушар, барча баробар берилиб тингларди.

Ўша учрашувдан кейин меҳмонларнинг саъй-ҳаракати биланми, ҳар ҳолда, республика босма

нашрларида Малик Эгамнинг шеърлари кетма-кет чоп этила бошлади.

Малик Эгам бутун борлиғини, ҳаётини адабиётга бағишлади. Ҳатто, қиз кўрганида чақалоқнинг исмини Шеърият деб атади.

Бекободликларнинг тўйу тантаналарига, оилавий тадбирларига Малик ака ўзининг оташин табриги, бетакрор шеърлари билан файз киритарди. Шоир бундай тадбирларда ҳамиша азиз меҳмон бўлган.

Малик Эгам ўзининг тили билан айтганда, «бекободлик божасидек башанг бўлиб» юришни хуш кўрарди. Лекин...

Уни бир марта кўрганимда танимайроқ қолганман. Ўшанда мен вилоят Маънавият ва маърифат марказида ишлар эдим. Хонамга сочлари тўзиган, қадди дол, касалхонанинг ғижим кийимида асабийлашган одам кириб келди.

– Менга боққан ўлим ҳам йўқ, у ҳам мендан ўзгирган, – дея гап бошлади Малик Эгам.

Саломлашгач, бир пиёла чой устида Малик аканинг дардини тингладим.

У ёзганларининг матбуотда чоп этилмаётгани, бир ойдан кейин 60 ёшга тўлиши, бу ҳақда ҳеч ким бош қотирмаётгани ҳақида гапирди. Ана шу асабий ҳолат туфайлими, касалхонада даволанаётганини, муолажаларнинг сира ҳам таъсир қилмаётганини надомат билан баён қилди.

Унинг гапларини узоқ тингладим, жим тингладим. Иш столим устида шоирнинг «Тилим – толеим» номли шеърий тўплами турган эди. Ўша китобни қўлимга олиб, гап бошладим:

– Сиз Малик Эгам деган шоирни танийсизми?

Шундан сўнг, Малик Эгам ўзбек шеъриятида ҳеч бир шоир урдасидан чиқа олмаган ишларни қилга-

нини айтдим. Ўзбек алифбосидаги барча ҳарфларнинг ҳар бирига нисбат бериб, айти шу ҳарфлар билан бошланадиган шеърларни Малик Эгамдан бошқа яна ким ёзганини сўрадим. Тўғри, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Қ» ҳарфи билан бошланадиган машҳур тўртлиги бор.

Яна шундай мисолларни келтирса бўладими, деб шоирга юзландим. Бўлади. Бундай шеърларни фақат Малик Эгамнинг ижодидан келтириш мумкин. Ушбу услуб билан шоир она тилимизнинг қудратини, имкониятини, жозибасини яна бир қарра кўз-кўз қилганини уқтиргандек бўлдим.

Шоирнинг шеърларидан намуналарни ўзига ўқиб бердим. Тўғри, кўп истеъмолда бўлган «Б», «Т», «Қ», «А» каби ҳарфлар билан бошланадиган сўзларни бир ишга маржондек териб, шеърлар ёзса бўлади. Лекин кам қўлланиладиган «Ё», «Е» каби ҳарфлар билан бошланадиган ашъорларни ҳамма ҳам битавермайди. Вазн, туроқ, қофия жойида. Энг муҳими, мазмун ҳам «ялт» этиб турибди.

«Ёмон» ва «ёлғон» сўзларини бир-бирига қофия қилиб ёзганлари, айниқса, бетакрор эканига урғу бердим. Бундай шеърни Малик Эгамдан бошқа ҳеч ким ёза олмайди, дея такрор-такрор таъкидладим:

*«Ё ёр ёғий ётоғида ётса ёмон...»*

Бундай ташбеҳни яна ким топа олиши мумкин?

«Етмиш еттига етсам етарди», деб ниҳояланган шеърини танқид қилдим. Маррани баландроқ олинг, дедим. Тўксонга тўкнашиб, юзга юзлашиб юриш ҳақида шеърлар ёзинг, деб насиҳат қилган ҳам бўлдим.

Ўша вақтда Бекобод тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Шодибек Ҳамроевга қўнғироқ қилдим. Ҳассос шоир Малик Эгамнинг 60 йиллигини нишонлаш ҳақида таклиф бердим. Шу жойнинг ўзида ҳоким билан қилинажак ишларни режалаштириб олдик.

Малик ака менинг гапларимни узоқ тинглади, жим тинглади.

Шоир ўрнидан туриб, хонамдан индамай чиқиб кетди. Мен ҳеч нарсага тушунмай, ҳайронлигимча қолавердим. У даволанаётган шифохона ишхонамиздан у қадар узоқда эмас эди. Ишдан кейин кадрдонимдан хабар олишни ният қилиб, ишларимни давом эттирдим.

Орадан икки соат ўтар-ўтмас хонамга яна Малик ака кириб келди. Энди унинг қадди аввалгидек дол эмас, алифдек тик эди. Соч-соқоли текисланган, оқ кўйлаги, бўйинбоғи, костюм-шими ўзига жуда ярашиқлик.

– Мен сизга раҳмат айтгани келдим, – деди ва янги ёзган шеърини ўқиб берди. Ниҳоятда гўзал, латофатли битиклар. Янги асар ҳаётга мухаббат ҳақида эди. Туман ҳокимлигидан қўнғироқ қилишиб, шоирнинг 60 йиллик тўйига тараддуд бошланганини айтишибди...

Шоирнинг ўша, орадан бир ой ўтиб, Бекобод тумани маркази Зафар шаҳарчасида бўлиб ўтган тадбирдаги ўктам қиёфаси хотирамга бир умр муҳрланиб қолган. Бугун шоирнинг китобларини варақласам, ўша қиёфа кўз олдимда гавдаланаверади.

Кейинчалик у жуда кўплаб гўзал шеърлар ёзди, давраларни гуллатди. Туман марказидаги коллежда тўғарак очиб, ёшларда адабиётга, шеърятга мухаб-



бат уйғотди. Малик ака фаол ҳаётга қайтди. Афсуски, бу ҳол узоқ давом этмади...

Унинг умри фожиа билан якунланди. Ўзи ният қилган етмиш еттига етмади. Назаримда, унинг шоир қалби бу дунёга сиғмагандек эди. У кайфият кишиси бўлиб, ширин сўз гадоси бўлиб яшади. Туғёнларига борлиқ торлик қилди.

*Елсам,  
енгилмай енгсам,  
Емиртирмай емирсам,  
Ел, елкамдан етаклаб  
Етмиш еттига етсам –  
Етарди...*

## ЎН БИРИНЧИ «Б» СИНФИДАГИ ҚИЗ



Ҳассос шоир Ҳамид Норкул ўхшаса фақат ўзига ўхшарди. Жуда дадил, сўзлари бурро: кесиб-кесиб айтади. Тўғрисўз ва ростгўй. Қалбида ҳайрати бор ижодкор. Бир қарашда «ялт» этиб намоён бўладиган мағрурлигидан ҳам фазилат излаш мумкин, нигоҳлари ҳикматга, одамийлиги ибратга тўлиқ.

– Биз битта партада ўтириб, ўқиганмиз, – дерди у мени ўз синфдошларига таништираётиб. Улар ҳайрон қолишарди.

Ҳамид Ўрта Чирчиқда, мен Қибрайда ўқиганман. Битта партада ўтирганмиз, деганида, у бошқа нарсани назарда тутган. Мустақилликка қадар Ҳамид ўз туманида, мен ўз туманимда бир пайтнинг ўзида бир хил лавозимда ишлаганмиз. Райкомнинг тарғибот ва ташвиқот бўлимида мудир, Райижроком раисининг ўринбосари. Иш жараёнида тез-тез хабарлашиб, маслаҳатлашиб турардик. Бот-бот вилоят миқёсида ўтказиладиган йиғилишларда ҳар доим ёнма-ён ўтирардик.

Жуда қалин дўст тутинганмиз. Шу туфайли Ҳамид Қибрайда, мен Тўйтепада қадрли бўлганмиз.

Тошкент давлат педагогика университетини имтиёзли тугатган Ҳамид Норқулов ўз иш фаолиятини «Тонг юлдузи» газетасида бошлади. Унинг шундан кейинги фаолияти ўзи туғилиб ўсган Ўрта Чирчиқ тумани билан боғлиқ бўлди. Ҳамид Норқул Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги муассислигида чиқадиган «Машғал» газетасида бош муҳаррир лавозимида умрининг сўнгги кунларигача ишлади.

У жуда сермаҳсул ижодкор эди. Оташин публицистик асарлари ҳам, дилбар шеърляти ҳам ўқувчини бир хилда ўзига ром қилиб олган. Шоир ўзининг «Умр ранги», «Ойдин ниятларим», «Ёнар сўз», «Кўзлардаги дунё», «Сиз барибир бошқачасиз» каби китобларига самимиятга тўла дил сўзларини ёзиб тортиқ қилган. Уларни эъзозлаб сақлайман. Ҳар сафар китобларини ўқиганимда, у билан ғойибона суҳбатлашгандек бўламан.

Дарвоқе, бизнинг суҳбатларимиз ҳамиша самимиятга лиммо-лим бўлган. Вилоят Маънавият ва маърифат марказида ишлаган кезларимда пахтакорлар билан бўладиган учрашувларга ҳамиша кадрдонимни олиб борардим. Кунлардан бирида уни ана шундай тадбирга таклиф қилиш учун «Машғал» газетаси таҳририятига кирдим. Шоир севиниб кетди:

– Ҳозиргина янги шеър ёздим. Ҳали сўнгги нуқтасини қўйганим йўқ, эшитинг, ўқиб бераман, – деди.

У ўзига хос услубда, ҳамма нарсани унутиб, шеър ўқий бошлади:

*Битта қиз бор ўн биринчи «Б» синфида,  
Қоши қора, киприклари – узун, узун  
Бошқаларни йўлатмаймиз синфимизга,  
Тўққан деймиз онаси ҳам бизлар учун.*

*Бири қўйиб, бири унга хатлар ёзди,  
Синфимизнинг ҳамма ўғил болалари.  
Биродарлар, жуда қизик бўлар экан,  
Ун олтига кирган йигит ноалари.*

*Айтар эдик келажакда уйланади,  
Унга фақат синфимиздан кимдир биров.  
Бошқасига тегиб кетса менсимасдан,  
«Тўйини ҳам бузамиз», деб тикдик гаров.*

*Хотирамнинг бир четидан қушлар учди,  
Кеча ўша қизни йўлда учратган чоғ.  
Беш болали онахонга айланибди,  
Билганим шу: тўрт мучаси омон ва соғ.*

– Ўша қиз бизнинг синфимизда ҳам бор эди. Уни «А» синфидаги йигит илиб кетган, – дедим.

Ҳамиднинг кўзлари, юзлари ёришиб кетди. Чамаси, у ўйлаб турган фикрни айтгандек эдим. Жойига ўтириб, таҳирсиз яна тўрт қатор шеър ёзди:

*Кимга тегди дейсизми, эй биродарлар,  
Қанот керак экан айтган ҳар умидга.  
Совчимизни кутиб-кутиб, тегиб кетди.  
Ун биринчи «А» синфидан бир йигитга.*

Ҳамид Норқул бир умр гўзалликни излаб яшади, ана шу топишнинг ўзи унинг орқасидан эргашиб юрганини жуда тез фаҳмлади. Шу боис, шеърларидаги кутилмаган ташбеҳлар ўқувчини ўзига ром қилади. Ҳамид жуда ҳассос ижодкор, кайфият кишиси эди.

Ўша шеър шоирнинг «Тансиқ кунлар» деб номланган шеърый тўпламига киритилган. Сарлавҳасининг остига эса «Дўстим Раҳматиллога» деб ёзилган.

Ўғлим Ғайрат билан учрашиб қолган Ҳамид янги китобини дастхат билан менга тортиқ қилибди. Гап орасида «Отанга бағишланган шеър ҳам бор», деган.

Уйда у китобни шеър ўқишни хуш кўрадиган аёлим биринчи бўлиб ўқиган ва ҳозиргача ўша қизнинг кимлигини суриштиргани суриштирган. Ҳар ҳолда, шу шеър орқали болаларим онасининг менга бўлган муносабатини очиқ ва равшан билиб олганман. Раҳмат, шоир!

Ногиқликда ҳам унинг ўз услуби бор эди. Дадил овози билан ҳар қандай аудиторияни ўзига ром қилиб кўярди. У талаблар бўлсагина, шеър ўқирди. Унинг ўртамиёна асарлари йўқ, шеърларининг авж пардасини сўнгги сатрларга яширар эди. Шу боис ҳам сўнгги сўзи тугамасданок қарсақлар бошланарди.

Ҳамид Норқулов ҳаётда ўртамиёна яшади. Бойликка, давлатга ҳирс қўймади. Топганининг асосий қисмини фарзандлари тарбиясига сарфлади. Шу боис фарзандларининг барчаси ҳаётда ўз ўринларини топдилар.

Тошкент вилояти маркази Тўйтепа ўрнидаги Нурафшон шаҳрига кўчганида мен вилоят «Маҳалла» фонди раҳбари бўлиб ишлаганман. Қабулимга истараси иссиққина бир қиз иш сўраб келди. Иш ўрни бор, лекин синалган, иш берадиган ходимни қабул қилишдан манфаатдор эдик.

Одоби, ҳаёси борлигини безаб турган ҳамсуҳбатим барчага маъқул келди. Уни ишга олишга қарор қилдик ва дастлабки топшириқларни бердим.

Янги ходим хонадан чиқиб кетаётиб, шундай деди:

– Сиз билан суҳбатлашиб, отамни кўргандек бўлдим.

Мен «отангиз ким?» деб сўрамадим, аксинча:

– Ҳамид Норқуловнинг қизимисиз? – дедим. Чунки суҳбат давомида уни қаерда кўрганлигимни ёки кимгадир ўхшатганлигимни эслай олмагандим.

Гулчеҳра Ҳамидовна бир кун ҳам бегонасирамади. Ишга тез киришиб кетди. Ана шундай илиқ ва самимий фикрларни шоирнинг ўғиллари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ҳамид Норқуловдаги дадиллик, шижоат, меҳнатсеварлик, бағрикенглик каби фазилатларни унинг фарзандларида кўргандек бўлавераман. Нафақат фарзандларида, балки бугун унинг ишларини давом эттираётган ҳамкасбларида, «Машъал» газетаси таҳририяти ходимларида ҳам.

«Халқ сўзи» газетасининг вилоят муҳбири бўлиб ишлаётган кезларим. Вилоят марказининг Нурафшон шаҳрига кўчирилиши муносабати билан, кўчада қолдим. Пойтахтдан кўчган барча-барча ташкилотларни бино ёки хона билан таъминлаш мушкул масала эди. Шунда «Машъал» газетаси бош муҳаррири Толибжон Ҳакимов менга таҳририятдан жой берди. Хонани тўла жиҳозлади. Иқтидорли журналист Отабек Исроилов «Устоз», дея эъозлаб, хизматларини аямади. Буларнинг барчаси Ҳамид Норқуловнинг ҳурмати юзасидан эканини ҳис этиб турардим...

Ўзидан яхши фарзанд, яхши ном, яхши китоб, яхши шогирдлар қолдирган инсоннинг бу ҳаётда армони бўлмаса керак. Ҳамид Норқул ана шундай саодатга эришиб, яхши амаллари, камтарин ижоди билан қадр топган инсон эди.

## ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД АЁЛ



Жибак Ахатова. Исми жисмига монанд бу аёлнинг камтарлигини фазилатга, камсуқумлигини ибратга, суҳбатдошининг кўнглидаги гапни топиб айтишини санъатга, кўзларининг кулиб туришини самимиятга, дўстларига кўрсатаётган оқибатини ҳимматга, кўпчилик манфаати йўлидаги меҳнатини эса ҳаловатга йўйиш мумкин. Шу боис ҳар сафар у билан кўришганимда, суҳбатлашганимда руҳий тетикликни ҳис қиламан, эзгу ишларидан хайратланаман.

Аввалдан айтиб қўяверай, биз Жибакхон билан ҳам курсдошмиз. Маълум ва машҳур алломалар Субитой Долимов, Ғайбулла ас-Салом, Тўғон Эрназаров, Нажмиддин Комиловнинг сабоқлари ҳали-ҳануз ёдимизда. Курсдошларимиздан Аҳмаджон Мелибоев, Шарифа Салимова, Сайёра Жумакулова, Сувон Мелиев, Аҳмаджон Тошхўжаев, Олимжон Ҳакимов, Икром Отамуродов, Муҳаммаджон Азимов, Гулчехра Раҳимова, Зубайда Ишманова, Мавжуда Насруллаева, Ширин Раззоқова, Муаззамхон Қодирова қабилар ўзларининг серқирра ижодлари, касбига садоқати, давлат ва жамият ҳаётидаги фаол

иштироклари билан кўпчиликка яхши таниш. Об-  
рў-эътиборли одамлар.

Улар орасида Жибак Ахатованинг алоҳида ўрни бор. Талабалик йилларида биз Жибак билан жуда иноқ ва ҳамфикр эдик. Устозлар сабоқларини таҳлил қилар, улар берган вазифаларни бажариш йўсинида ўқиган китобларимизни тинмай муҳокама этардик.

Жибак университетдаги талабалар орасида анчагина фаол эди. Касб сирларини пухта ўзлаштирди. Устозларнинг этагидан маҳкам тутди. Самарқандлик бўлгани учун, десам, янглишган бўламан, устози – машхур аллома, профессор Ғайбулла ас-Саломга ўхшашни истарди. Комил инсонни у кишининг тимсолида кўрди ва мана шундай бўлишга ният қилди. Чунки у киши доноликда, мантиқда беназир эди.

Шу ўринда ният ҳақида икки оғиз. Дастурхон атрофида ўтирганимизда, устоз олдиларига нонни ва ароқни қўйдилар-да, шундай дедилар:

– Буларнинг ҳар иккиси ҳам аслида бир нарса. Буниси қуюғи, – деди нонни қўлига олиб, – экинчиси суюғи, – деди ароққа ишора қилиб. – Эҳтимол, буларнинг ҳар иккиси ҳам бир далада етиштирилган буғдойдан тайёрлангандир. Тайёрланиш жараёни ҳам, усули ҳам деярли бир хил. Ҳар иккисини тайёрлаш учун ҳам буғдой янчилган, ивитилган, ачитилган, тоб берилган. Хўш, шундай экан, нима учун бири ҳалол, бири харом? – домла суҳбатдошларига бир-бир қараб чиқдилар, сўнгра ўз саволларига ўзлари жавоб бердилар. – Гап ниятда. Буғдой ароқ тайёрлаш ниятида корхонага кириб келганидан бошлаб, ана шу мақомга гирифтор бўлган.



Бу сафар ҳам устознинг зукколигига тан берганмиз.

– Ҳамма нарса ниятга боғлиқ, ниятни яхши қилинглар, маррани юқори олинглар, – деб уқтирар эди Ғайбулла устоз.

Журналистнинг нони қаттиқ бўлади. Дунё таҳлилчилари аллақачоноқ бу касбни оғирлиги бўйича ҳозирги тил билан айтганда, «топ учликка» киритиб қўйишган. Жибак ана шундай касб танлади, унга содиқлигини, назаримда, тўлалигича исботлай олдиқ.

– Мақолангизни ўқидим, – дея ҳар сафар Жибак кўнғироқ қилади ва илиқ фикрлар билдиради. Бу илтифот фақат менга эмас, у барча таниган, билган ҳамкасбларига ана шундай муносабат билдираар экан.

Шу боис, уни оқибатлигим, дея алқагим келаверади. Ҳамиша кадрдонларини соғиниб, уларнинг ҳол-аҳволдан бохабар бўлиб яшамокда.

Самарқандга бориб, Жибакнинг уйида меҳмон бўлмасдан қайтиш амримаҳол. Ҳатто, Бухоро ёки Қарши томонларга кетаётган кадрдонларидан хабар топса, йўлини тўсиб бўлса ҳам, уйига таклиф этиб, меҳмон қилади.

Навоийлик курсдошимиз Муаззамхон Қодированинг Ҳаж амалларини бажариб қайтганлиги муносабати билан, у кишини зиёрат қилгани йўлга отландиқ. Ҳамроҳ курсдошим Илҳом Ҳотамов тонг саҳардан йўлга отланишни таклиф қилди, мен эса манзил қочиб кетган эмас, бемалолроқ тараддуллансак ҳам бўлаверади, деб туриб олдим.

– Самарқандни ҳисобга олмаяпсан, у ерда қолиб кетишимиз мумкин, – деди у.

Мен масаланинг моҳиятини тушундим.

– Навоийга кетаётганимизни Жибак билиб ўтирибдими?

– Билади. Билса, кўзимизни очирмайди, – Илҳом шу гапларни айта туриб, курсдошимизнинг уйига кириб ўтишни, сўнгра Навоийга биргалашиб боришни таклиф қилди.

Кутилмаган меҳмонлар хонадон соҳибини қувонтириб юборди. Рўзғор тутумини, меҳмон кутишни у кишидан ўрганиш керак. Биз ана шундай фикрга келдик. Меҳмондорчилик чўзилиб кетишига самимий суҳбатларимизнинг ниҳоясизлиги сабаб бўлди.

Жибак мулойим, айна вақтда бир сўзли, мард аёл. Таклифимизни рад этмади. Биргалашиб манзил сари отландик. Ажабланарлиси шудаки, Жибак биз ҳақимизда жуда кўп маълумотларга эга экан. Шу боис йўл-йўлакай унинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи, ютуқ ва муваффақиятлари билан ўртоқлашиб кетдик.

Университетни тугатгач, Жибак курсдошимиз туман газетасига, ўша пайтдаги «Коммунизм байроғи» деб аталиб, ҳозирдаги «Пайарик ҳаёти» газетасида ишлади. Туманда журналистика факультетида шу пайтгача ўқиган қизлар йўқлиги, умуман, бу касбадагиларнинг камлиги сабаб уни таҳририятда қучоқ очиб кутиб олишди. Журналистик фаолият, бу касбнинг оғир-енгили Жибакни синовлардан ўтказди, туманнинг маданият, қишлоқ хўжалиги, спорт, маънавият ва маърифат соҳаларига доир залворли мақолалари газета ихлосмандларининг эътиборига тушди. Бир неча ўн йиллар газетанинг нонини еган бу журналист қиз орада ҳамқишлоғи бўлган яхши бир йигитга турмушга чиқди. Фарзандлари Раҳимжон ҳозирда яхшигина педагог, ўзининг ўқув марказида фаолият кўрсатмоқда.

Жибак Ахатовани Пайариқда ёзган мақолалари, қилган ишларидан кичигу катта яхши танийди. Бу эътирофга у осонликча эришмади. Ёзди, чизди, газетада мусахҳиқликдан бўлим мудир, масъул котиблик даражасигача етди. Шундан сўнг у туман радиоэшиттиришлар тахририятини бошқарди. 2000 йилдан кейин эса туман Маънавият ва маърифат бўлимида раҳбарлик қилди, туман аҳолисининг маънавий олами юксалишига баҳолиқудрат ҳисса қўшди. Газетачилик, радиомухбирлик, маънавиятчи сифатида ном қозонган Жибакнинг ишларига қаерда бўлсак ҳам ҳамиша омадлар тилаб юрамиз. У Пайариқ тарихида биринчи журналист аёл сифатида танилгани ҳам унинг ютуқларидан бири, деб ўйлаймиз.

«Отам ҳақида сўз», «Оила – маънавият бешиги» рисоалари ҳам чоп этилди.

Умр – оқар дарё. Кечагина чопқиллашиб юрган, ўқишни дўндириб, қолаверса, ўша вақтларда икки-уч ой давом этадиган пахта терими мавсумидаги ҳашарда барчага ўрناق бўлган, гулхан атрофидаги давраларни қизитган, сирдош дугонаси Сайёра Жумақуловага »Муҳаббат, муҳаббат дейман, ширин-аччиқлигинг билолмайман мен, бировлар қалбида ширинсан, ширин, кимларнинг кўксига захринг яширин», деб бошланувчи шеърини қайта-қайта ўқитган шўх ва олов қизалоқ бугун ўзининг 70 ёшини нишонламоқда.

Шу муносабат билан дўст, ҳамкасб сифатида Жибак Ахатованинг умр йўлига бир қур назар ташладим ва ундан кўплаб ҳикмат ва ибратларни илғаб олгандек бўлдим.

## МАҲАЛЛАНИНГ ҚИЗИ



Инсон тақдири, ҳаёт йўли мудом равон, текисликлардан иборат эмас. Тақдир йўлининг паст-баландлари, ўйдим-чуқурлари учраб туради. Омилкор, ишбилармон, мард ва самимий инсонлар ана шу йўллари ўзлари учун равон қилиб оладилар. Чунки улар умр давомида ўзларига қилинган ёмонликларни ва ўзлари қилган яхшиликларни унутиб яшайдилар.

Гулнора Йўлчиева ҳақида ўйлаганимда ана шу фикрлар ҳаёлимда устуворлик қилаверади. У ҳамиша хушчақчақ, ҳамиша олижаноб, самимий, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам яхшиликларини ошириб, ёмонликларини яшириб, умргузаронлик қилаётган инсон сифатида гавдаланади.

...2011 йилнинг сўнгги ойлари эди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясини ўтказишга қизгин тайёргарлик кўриляётган кунлар. Йиғилишдан бир кун аввал тадбир пойтахтнинг энг муҳташам залларидан бирида бўлиб ўтиши ҳақида хабар қилинди. Бу иштирок этадиган меҳмонларнинг кўплиги ва нуфузи билан боғлиқ эди. Жамғарма раиси, унинг ўринбосарлари

бинони бориб кўришди. Гўзал иншоот, ҳайхотдек фойе, барча талабларга жавоб берадиган мажлислар зали. Янги жой барчага маъқул тушди. Зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бор эди. Шиорлар осиб, баннерлар ўрнатиш шулар сирасидандир.

Фойе жуда катта, унда нимадир қилиш керак, йўқса ҳувиллаб қолади. Бундай кезларда таклиф киритиш фикр эгаси учун жуда қимматга тушади. Чунки гоё эгаси ижрочи бўлиб қолади. Жамғармада ишлайдиган раҳбарларнинг тажрибаси кўп, буни улар жуда яхши билишади.

– Кўргазма ташкил қилиш керак, – деди раис ўринбосари Гулнора Йўлчиева. – Халқ амалий санъати кўргазмасини. Маҳаллаларимизда, хусусан, Тошкент шаҳри ва вилояти маҳаллаларида қўл меҳнати билан шуғулланадиган ҳунармандлар жуда кўп. Ана ўшаларнинг асарларини мана шу ерга жамлаш лозим.

Раиснинг чехраси ёришиб кетди.

– Опа, шу ишга ўзингиз бош бўлиб, чиройли кўргазма ташкил қилиб беринг.

«Хўп бўлади» деган ўринбосар шу заҳотиёқ ишга киришиб кетди. Тўғриси, кўргазма ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Боз устига, вақт зиқ. Аввал фойега қўйиладиган намуналарни танлаш, келтириш, жойлаштириш, ҳар бирига таъриф ва тавсифлар ёзиш керак.

Ташкилотчи нозик дид эгаси бўлиши, дизайнни яхши билиши, мавжуд имкониятлардан фойдалана олиши лозим. Ташаббускор опада ана шундай куч ва фазилатлар мужассам эди.

Гулнора опанинг бормаган манзили, гаплашмаган маҳалласи қолмади. Ҳар бир ҳунармандга ўзига

мос гап топиб берди. Чин кўнгилдан ёрдам беришга чоғланган шогирдию ёрдамчилари кўпайиб кетди. Шу кеча опа мижжа қоқмай, кўрғазмани тайёрлади. Тун ярмидан оққанда энг сўнгги экспонат келди. Уларни жойлаштириш билан шуғулланди.

Гулнора опа ишини эрта тонгда тугатди. Кўрғазма рисоладагидек, гўзал ва бежирим тайёрланди. Топшириқни қойилмақом бажарган опа шошибгина кийимларини алмаштиргани уйига кетди. Қайтиб келгач, кўрғазма атрофидаги конференция делегатларининг кўплигини кўриб, мамнун бўлди. Бу ташкилотчи учун катта мукофот эди. «Хали кўлимдан кўп иш келади». Бехосдан опанинг хаёлига ана шу фикр келди.

Конференция якунлангач, опа кўрғазмани йиғиштириб, жой-жойига етказиб, ёрдам берганларга раҳмат айтиб, уйига қайтди...

Шу ўринда опа билан бирга ишлаб, ундан таълим-тарбия олган, иш ўрганган ўнлаб ёш иқтидор эгалари бугунги кунда масъул лавозимларда ишлаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Гулнора опа ана шундай мард ва олижаноб аёл. У ҳаёт ташвишлари ва қувончларини ич-ичидан биледи. Меҳнат фаолиятининг асосий қисми маҳалла тизими билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда дунёда ўхшаши йўқ ноёб маҳалла тизими шаклланди. Бу тузилмага амалий ва методик ёрдам кўрсатадиган жамғарма ташкил этилди. Дастлабки кунларданок Гулнора Йўлчиева ана шу жамғармада фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида жамғарма раиси, унинг ўринбосарлари бир неча бор ўзгарди. Уларни оқар сувга, опани эса сув остидаги харсангтошга қиёслаш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, «Маҳалла» жамғармасига тамал

тошини қўйганлардан, мазкур тизимда садоқат билан ишлаётганлардан бири айнан Гулнора Йўлчиевадир. Эътиборлиси шундаки, бу тизимда ишлаб кетганларнинг ҳар бири, демакки, ҳаммаси Гулнора опадаги самимият, инсонийлик, мардлик ва дадилликни юксак қадрлайдилар.

Гулнора опага хос хусусиятлардан бири шундаки, у барча давраларга мослаша олади. Кибор аёллар мажлисида у киши қадамларини қисқа ва оҳиста босади, ўзини бепарво тутати. Қишлоқнинг жайдари аёллари даврасида куйди-пишди, қадамлари чаққон бўлади. Ҳаётдаги ҳақиқийси эса иккинчи ҳолатга мос тушади.

Хизмат вазифаси юзасидан ўша вақтларда жорий этилган маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштирганлар. Баъзан у кишига ҳазил аралаш «Анзират хола» деб мурожаат этар эдик. Бунда «Суюнчи» фильмидаги машҳур персонаж назарда тутилди эди. Чунки Гулнора опа барча маслаҳатчиларни ана шу қаҳрамонга ўхшашга даъват қилди ва қайсидир маънода бунга эришди ҳам. Шу мақсадда қатор илмий-амалий рисоалар ёзди, илғор тажрибаларни оммалаштирди. Нотиқ сифатида маърузаларни кўпроқ ана шу мавзуга қаратди.

Нотиқлик – энг нозик санъат. Аудиторияда ўтирганларни ром қилиш, уларнинг дидига, тафаккур тарзига монанд гап, фикр топиб айтишнинг масъулияти оғир. Бу анча машаққатли меҳнат бўлиб, тажриба, билим талаб этади. Опада ана шу фазилатларнинг барчаси мужассам. У мавзу, аудитория, вақт, шароит танламайди. Ҳар қандай мавзуни ҳам моҳирлик билан оила, маҳалла, ижтимоий-маъна-

вий муҳит барқарорлигини таъминлаш масаласига қарата олади. Ҳақиқатан ҳам, оила, маҳалла тинч бўлса, қолган ишларни амалга ошириш мумкин, дейди.

Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуасида ўқийдиган имомларнинг малака ошириш курсида маъруза қилиш керак. Тингловчилар содда одамлар эмас, уларнинг ўзи нотик. Ким бу ишни ўз зиммасига олади. Албатта, Гулнора Йўлчиева-да. Бир неча йиллар давомида имомларга ислом таълимотидан маъруза ўқиб, катта обрў қозонди.

Опанинг яна бир фазилати хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Гулнора Дехқоновна – йирик тадбиркор. Тошкент шаҳрида «Гулнора онанинг боғчаси», «Гулнора онанинг мактаби» деган ибораларни тез-тез эшитиш мумкин. Опанинг тили билан айтганда, оиладаги маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили эр-хотин ва фарзандларни фойдали меҳнатга жалб қилишдир. Шунда оилада майда гап чиқмайди. Ҳар қандай иллатнинг асосий сабаби бекорчиликдандир. Ана шундай фалсафани тарғиб қилган инсоннинг ўзи бошқаларга намуна бўлиши лозим.

Гулнора опанинг шахсий ҳаётида бахтиёр, шодиёна кунлар билан бир қаторда қишли, қировли дамлар ҳам бўлган. Турмуш ўртоғи, ажойиб инсон, бутун умрини халққа, мамлакат тараққиётига бахшида этган Озод Йўлчиев билан, ҳаётдан бевақт кўз юмган норғулдек ўғли Дониёр билан видолашганида юзларига ажин, сочларига оқ оралади. Уларни рўмол остига яшириб, кўрсатмасликка ҳаракат қилди. Ўз тафтини қайтаришнинг ягона дармонини топа олди. Бу – меҳнат эди. Гулнора опа шу кунга



қадар қандай ютуқ ва муваффақиятга эришган бўлса, замирида ҳалол меҳнат ётибди.

...Жума ибодатини Ғазалкент шаҳридаги жоме масжидларидан бирида адо этишга тўғри келди. Ибодатдан сўнг икки мўйсафиднинг суҳбати эътиборимизни тортди.

– Бу масжидни Гулнорахон қурган. Гулнора – маҳалламизнинг қизи.

Албатта, суҳбатдошлар ўз маҳалласини назарда тутгани аниқ. Лекин сўнгги иборани кенг маънода ва миқёсда тушунган киши янглишмаган бўлади.

## ПАҲЛАВОН МАҲМУДНИНГ «КУЁВИ»



Бекободлик дилкаш инсон Нурали Жалилнинг умр йўлига боқиб, у ҳақда ўйласам, ўз-ўзимга савол беравераман: у қандай инсон, фитратида нелар мужассам? Айримлар уни шоир сифатида билишади, ёшлар устоз, муаллим, деб эъзозлашади, туғма маънавиятчи, деб таърифлайди яна бировлар.

Нурали Жалилнинг ҳаёт йўлида бу уч йўналишнинг қай бири устунлик қилади? Мана шулар мулоҳаза мавзуси бўлиб турганида, «ялт» этиб бошқа бир фикр етакчи ўринга чиққандай бўлади. Бу серқирра ижодкордаги одамийликдир.

Келинг, барчаси ҳақида бир бошдан фикрлашамиз.

Нурали ёшлигиданоқ шеърятга меҳр қўйди. Бадий асарларни севиб ўқиди. Ўзи ҳам қалам тебратиб турди. Ёзганлари газета саҳифаларида чоп этилди.

Адабиётга ҳавас, буюк шоирларга меҳр уни Москвадаги нуфузли олий ўқув юртларининг бирига етаклади. Мусофирчиликнинг, боз устига, талабаликнинг қийин кунларини бошдан кечирди, йўқчи-

ликка кўникди. Шундай бўлса-да, ниятидан бир зум айро тушмади.

Юрт соғинчи дилларни ўртаганида миллий адабиётимиз дурдоналарини мутолаа қилди, кўнглига таскин берди. Қайсидир адиб ёки шоир Ўзбекистондан келибди, деб эшитса, қаршисига пешвоз чиқди. Ўшанда юрт нафасидан баҳраманд бўлгандай сезарди ўзини. Ана шу соғинч туйғулари унинг қатор шеърларига доялик қилди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга унинг ихлоси баланд эди. Шоирнинг барча асарларини ёддан билади, десак, муболаға бўлмас. Талабалик йилларида қачонки, устоз шоир Москвага борса, орқасидан эргашиб юрди. Беморлигида шифохоналарга йўқлаб борган ҳам, устоз миллий таомларимизни соғинибди, деб палов дамлаган ҳам, меҳмонхонасига жиз кўтариб борган ҳам, талабалар ётоқхонасига меҳмондорчиликка таклиф қилган ҳам Нурали Жалил бўлган.

Бир сафар устознинг ўзи талабалар ётоғига кириб келди, шеърхонлик ташкил этилди. Шунда жўраларнинг қистови билан Нурали ийманибгина шеър ўқиди:

*Омон қолмас мендан оқ вароқ  
Тинч турмайди қўлимда қалам.  
Туйғуларим бўлмагай адоғ,  
Тинч турса бас тепамда олам.*

*Майли, бир кун оқ қолсин вароқ,  
Майли, шунда тинч ётсин қалам,  
Майли, илҳом сўнсину, бироқ,  
Бошлар ичра тинч турсин олам.*

Талабанинг бу саккизлигига буюк шоир юқори баҳо беради. «Бу шеър сизнинг бир умрлик паспортингиз бўлибди», дея алқаганди ўшанда шоир. Бу Нуралига берилган оқ фотиҳа, тиланган оқ йўл эди.

Қаерда, қайси лавозимда ишламасин, шеърят унинг бир умрлик ошносига айланди. Шоирнинг «Яшасин, севги», «Гавҳарим», «Истиклол достони» каби шеърый китоблари чоп этилди ва ўқувчилар томонидан юқори баҳоланди.

Қаламга беомон шоирнинг бир зум ҳам илҳоми сўнган эмас.

Эсимда, бундан, чамаси, ўн беш йил илгари мен Тошкент вилояти ҳокимининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси бўлиб ишлар эдим. Вилоятда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзган, лекин айрим уддабурон фермерлар ҳали у жойдан, ҳали бу жойдан энг унумли ерларни ўз тасарруфларига олиб, улардан самарасиз фойдаланиш ҳоллари ҳам бор эди. Ушанда Нурали Жалилнинг «Бедана фермер» деб номланган шеърый фельетони вилоят газетасида чоп этилди. Вақтида топиб айтилган гап, яъни шеърда кўтарилган мавзу шов-шувга сабаб бўлди. Ўша вақтларда газета катта ададда чиқарди. Раҳбарият бунга ҳам қаноат қилмай, шеърый фельетонни кўплаб нусхада кўпайтирди. Шеър ҳар бир фермернинг уйига кириб борди. У мавжуд камчиликларни бартараф этишда муҳим вазифани адо этди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нурали Жалил ҳали-хануз ижод завқи, изланишлар билан яшамокда.

Нуралининг асли касби – ўқитувчилик. Башарти, ўқитувчи бўлмаганида, бу қадар обрў-эътибор қозонмасмиди, деган хаёлга ҳам бориб қоласан, киши.

У она тили ва адабиёт фанини жуда яхши билади. Айни пайтда ўқувчилари ҳам гўзаллик шайдоси бўлишини истайди. Шу боис тумандаги шеъриятга иқтидори бор ёшларни излаб топади, улар билан тинимсиз ишлайди.

Мана, бир неча йилдирки, Бекобод тумани маркази, «Зафар» кўрғонида Нурали Жалил раҳбарлик қилаётган адабиёт тўғарагининг доврўғи довон ошмоқда. Устоз болаларни адабиётга ошно қилишнинг мутлақо бошқаларга ўхшамайдиган усулидан фойдаланади.

Болаларни сира ҳам ранжитмайди, уларни фақат фикрлашга ундайди ва ана шу мақсад йўлида тинимсиз илҳомлантиради.

Мактабларда, ўқув юртларида адабиёт тўғарақлари жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ҳеч бўлмаса биттадан иқтидор эгасини кашф этганида, минглаб ёш шоир ва ёзувчилар қаршимизда саф тортган бўлар эди.

Нурали Жалил раҳбарлик қилаётган тўғарақдан кейинги беш йил ичида бирийўла икки нафар иқтидорли қиз Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Умидли шоираларнинг илк китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилди. Устознинг ўғитлари туфайли Зулфиячи қизларнинг асарлари бадий жиҳатдан сайқаллашиб бораётир.

Ўзгаларга намуна бўладиган инсонни чинакам маънавиятчи деса бўлади. Нурали Жалил бутун Республика Маънавият ва маърифат марказининг Бекобод тумани бўлинмасида раҳбар бўлиб ишламоқда. У ўтказган тадбирлар, бадий кечалар, мушоиралар ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Юраги кенг, қалби тоза бу инсон ҳар бир ишга чин ихлос

билан қўл уради. Унинг учун инсонда одамийлик  
фазилати жуда баланд бўлмоғи керак.

Нуралининг ҳаёти, севгиси тарихи бунга мисол  
бўла олади.

Буюк рус шоири Сергей Есенин шундай ёзади:

*Хуросонда бир дарвоза бор,  
Аммо уни очолмадим мен.*

Улуғ шоирдан фарқли ўлароқ, Нурали Жалил Хо-  
размдаги очилмас дарвозанинг табақаларини икки  
томонга суриб қўйди. У турмуш ўртоғи Гавҳаржон  
билан энг жиддий суҳбатини шундай таърифлайди:

– Мени узоққа бермайдилар...

– Кимлар?

– Ота-онам, олти оғам бор.

– Ўзим бориб, сўраб оламан.

– Ҳайдаб солишади.

– Унда юртингдан сўрайман.

– Кимдан?

– Хоразмдан.

Шунда ушбу шеър туғилган:

*Ёрга дейман: «Кел, гулим»,*

*У дер: «Галмас борасим».*

*Шу қизгинанг мени дим*

*Қийнади-ку, Хоразм.*

*Қучогинга ўзимнинг,*

*Келар боргим, борасим.*

*Агар борсам қизингни,*

*Берасанми, Хоразм?*

Шу ишқ уни Хоразмга етаклади. Уч йил давоми-  
да узоқ диёрда меҳнат қилди.

Паҳлавон Маҳмудга куёв бўлишни, ҳазрат Огаҳийга шогирд тушишни орзу қилди. Гавҳаржоннинг қўлини сўраб бориш мақсадида отасига, оғаларига ўқиб бериш учун шеър ёзди:

*Дейман Сир бўйига гал амулик қиз,  
Сенга чаманимдан гуллар тутайин.  
Ул дер: Сир йигити, оғам жаҳли тез –  
Амунинг устидан қандай ўтайин?*

*Жоним, ёш қалбингга тушмасин гулув,  
Кел, имзо чекайлик, аҳду қарорга,  
Наҳот оғанг билмас, Сир ҳамда Аму,  
Бориб қуйилишин битта Оролга.*

Шоирнинг қалбини гўзал ва мунаввар қилган ана шу ишқ савдоси бўлса, ажабмас. Бу мунавварлик бир зум ҳам унинг кўнглини тарк этмади. Ҳаётининг мазмунига, йўлчи юдузига айланди.

Ана шу дилбар туйғулари унинг ҳаётга, борлиққа бўлган чексиз муҳаббатига асос бўлди.

## МЕҲР МАНЗИЛЛАРИ



Отамдан бир ярим ёшимда етим қолганман. Қиблагоҳимиз 1954 йилда 63 ёшларида вафот этганлар. Демак, «Олтмишвой»ман. Отамни эслай олмайман. Айтишларича, ўша таъзия кунларида мен билан тенгдош бўлган Санобар опамнинг қизлари Дилбар жияним билан қучоқлашиб, катталарга тақлидан «отамай, отамай», деб йиғлашган эканмиз.

Эшитганларимдан, хусусан, маҳалламиз катталарининг «Бу бола Шерали акамнинг кенжа ўғиллари», дея самимий гапларидан англаганманки, отам яхши одам бўлганлар. Ҳар ҳолда, катта акаларимнинг ўқимишли, обрў-эътиборли бўлганлари, жамиятда ўз ўринларини топганлари ҳам бунинг тасдиғи бўла олса керак. Акаларимнинг исмларини Абдуманноп, Абдуҳошим, Абдумутал, Абдулла деб номлаганлари эса, отамнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га мухаббатлари чексиз ва айни вақтда саводхон бўлганликларини англатади.

Лекин айтмоқчи бўлганларим отам хусусида эмас, балки онам Меҳрижон Алимжон қизи ҳақида.

Онам вафотларидан олдин шундай васият қилган эдилар: «Имомга айт, жанозамни ўқиш олди-



дан, албатта, отамнинг исмини зикр қилсин. Тағин Олимжон, демасин. Алимжон, деб аниқ-тиниқ айтсин. Отамнинг ўғиллари бўлмаган. Мен ёлғиз фарзандман. Шунинг учун номлари изсиз кетмасин, дейман. Мабодо, қабрим устига белги қўймоқчи бўлсангизлар ҳам отамнинг номларини беҳато ёздиришлар...»

Бу васият амалга ошди. Онам 2015 йилда бандаликни бажо қилдилар. Ҳижрий тақвим бўйича ҳам, Григорян календари бўйича ҳам 102 ёшда. Бунақа бўлиши мукин эмас, дерсиз. Бўлар экан.

Гап шундаки, онам аслида 1917 йилда туғилганлар. Милодий календарга кўра, 98 йил яшадилар. Маълумки, милодий 33 йил ҳижрий 34 йилга тенг. Шу маънода 98 ёшга уч ёш қўшилади. Она қорнидаги муддат билан ҳисоблаганда 102 ёш бўлади. Паспортларида эса 1913 йилда туғилган, деб кўрсатилган. 40 ёшли отам 14 ёшли қизга уйланаётиб, ҳар хил гап-сўз чиқмаслиги учун, ёшларини 17 қилиб расмийлаштирган эканлар.

Боз устига, отамнинг номлари онамга фамилия вазифасини ҳам ўтаган: Шералиева Меҳри. Тирик-лигимдаги адолатсизлик кўзим юмилганидан кейин ҳақиқатга айлансин, деган бўлсалар керак-да...

Онам Бўстонлик туманидаги «Хадалоқ» деган тоғли қишлоқда ўзига тўқ оилада туғилганлар. Ҳозир бу маскан «Янги кўрғон» деб номланади. Тоғлар орасидан гўё отилиб чиқадиган Чотқол дарёси нисбатан паст текисликда «ёввош» бўлиб қолгандай туюлади. Дарёнинг ўнг соҳилида «Бурчмулла», чап қирғоғига «Хадалоқ» қишлоғи жойлашган. «Бурчмулла» – онам учун тоға юрт. Бувим Ҳайитбуви Га-дойбой қизи ўнг соҳилдан чап соҳилга келин бўлиб тушганлар.

Онам туғилган қиш чилласида оталари суюнчи-лаб, «Бурчмулла»га бориш учун музлаган дарёнинг устидан отларини чоптириб ўтган эканлар.

Онамнинг бувалари ҳақида «Раим буванинг толи кўп, толидан ҳам моли кўп» қабилдаги қўшиқлар тўқилган экан. Давлатнинг «лат»и бўлади, деганларидек, бу уй-жой, мол-ҳол вафо қилмаган. Ўша йиллари иқтидорда бўлган қаттол тузум гумашталари ота-боболарининг мол-мулкени зўравонларча тортиб олган. Ўзлари эса «кулак» қилиниб, аллақайси томонларга сургун қилинган. Улар ном-нишонсиз кетишган.

Собиқ тузумнинг маккор мафкура машинаси шу қадар кучли, айна пайтда, ўта ғирром ишлаган эдики, оқни қора қилиб кўрсатишга ҳам қодир бўлган. Ҳозирги Қибрай туманида райкомнинг тарғибот ва ташвиқот бўлимида мудир, райижрокўм раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган кезларимда бу ёлғонга асосланган сиёсатдаги ғайритабиийликни сазмаганман, шу мафкурага садоқат билан хизмат қилганман. Буваларим фожиасини эсламасликка ҳаракат қилиш ёки «уларнинг ўзларида айб бўлган, камбағал халқ ҳисобига бойиган», деган фикр устуворлик қилган. Ачинарлиси шундаки, онамни ҳам шу ақидага ишонтиришга ҳаракат қилганман.

Мафкуранинг онга таъсири мана шу бўлса керак.

Онам оналари – Ҳайитбуви бувим билан бирга бир ғунажинни етаклаб, бир кечаю бир кундуз яёв юриб, биз ҳозирда яшаб турган Дўрмон қишлоғига узоқ қариндошларини қора қилиб келишган. Кун ўтказиш, қорин тўйғазиш учун отамнинг ҳовлисидаги юмушларга ёрдамлашиб юришган.

Отам бадавлат бўлганлар. Қишлоғимиздагилар тинч ва иноқ, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаганликла-

ри, бир-бирларини сотмаганликлари учун бу ердан «кулак» чиқмаган. Қўшни Тўртқўрғон қишлоғидан эса ўртаҳол оила бошлиқлари ҳам «кулак» қилиб юборилган.

Онам бу катта ҳовлига ўзларидан аввал бекалик қилган, отамнинг биринчи аёллари Умри ойимизни ўта самимият билан эслайдилар. Дилбар аёл бўлганлар, деганларини жуда кўп эшитганман.

Ҳар куни эрталаб онам катта ҳовлига чоғроққина идишда янги соғилган сут олиб келар эканлар. Умри ойимиз сут олиб келинган идишнинг таг қисмига бирор хил тансиқ егулик – гўштми, ёғми, ширинликми солиб, устини қоғоз билан тўсиб, сўнг-ра идишни кепак билан тўлдириб берар эканлар. Отам билан бирга яшаган қайинэгачилари, яъни аммамиз идишнинг қопқоғини очиб кўришларидан чўчиган эканлар.

Бир сафар идишнинг тагига бир кийимлик тоза атлас ҳам солиб юборганлар. Ана шу мато онамнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган бўлса, ажаб эмас. Катта онамиз бетоб бўлиб, оламдан ўтганларидан сўнг онам ана шу матодан кўйлак тиктириб, кийган эканлар. Ўшанда ёши қирқдан ошган отамнинг кўзи кўйлаги ўзига жуда ярашган қизга тушган...

Онам умрларининг сўнгги йилларида ётиб қолдилар. Дилларини бир оз бўлсада нурафшон қилиш мақсадида, набираларини олдимга чақириб, сакингина пишиқлаб кўяр эдим:

– Бувингни олдиларига кириб, «Ёшлигингизда чиройли бўлгансиз, сочларингиз ҳам узун бўлгандир, кийимлар ҳам роса ярашган бўлса керак», деб сўра. Гапларини бўлмай, охиригача эшит.

Зурриётларидан бу саволни эшитган онамнинг юз-кўзлари ёришиб кетар, етти ёшларида от миниб, лалми ерда буғдой ўраётган оталарига тушлик олиб борганларини завқ-шавқ билан сўзлар эдилар.

Қишлоқда қиш қаттиқ келиб, том баробар қор ёққан кезларида какликлар емиш излаб хонадонлар яқинига келар экан. Шунда оталари какликни қува-лаб ушларкан. Каклик шўрвани танчадаги оловда, сопол чойнақда пиширишар экан. Ўша шўрва роса мазали бўларкан.

Кейин биринчи марта атлас кўйлак кийганлари ҳақида ҳам вазмин сўзлаб берар эдилар...

Йил ўтиб, онам бувимнинг, энг оғир кунларда ёрдам қўлини чўзган қариндошларининг раъйини қайтара олмай, отамнинг никоҳига киришга рози-лик берган эканлар. Шундай қилиб, ёши, бўй-басти ўзи билан баробар, кечагина қувлашмачоқ ўйнаб юрган, отамнинг катта ўғли Мурод исмли тенгдош болага она бўлганлар...

Кейинчалик акам – Мурод Шералиев жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлдилар. Йигирма беш ёшларида Қорақалпоғистонда ички ишлар вазири, кейинчалик эса Ўзбекистонда ички ишлар вазири-нинг ўринбосари, адлия вазири, Республика Бош прокурори лавозимларида ишладилар. Ички хиз-мат генерал-майори бўлдилар. Умрларининг охи-ригача онамни «кичик ойи», деб эъзозлаб, қўллари-дан келган ёрдамларини аямаганлар.

Онам, эҳтимол, ҳаёт шу, тақдир шу экан-да, деб барчасига кўникиб кетганлар. Ўзлари дунёга кел-тирган бир қиз ва тўрт ўғил умрларининг мазму-нига айланган. Бизларни отасизликдан ўксимасли-гимиз учун, отаси борлардан кам бўлмаслигимиз

учун ўзларини меҳнатга урдилар. Ҳам ота, ҳам она бўлдилар.

Ҳар қанча оғир бўлмасин, онам фарзандларини олий даргоҳларда ўқитдилар. Адолат нуқтаи назаридан айтиш лозимки, бунда Мурод акамнинг, Фарғонада яшаб ўтган Абдуманноп акамнинг ҳиссалари катта бўлган. Улар бир қориндан талашиб тушган ҳамшира сингиллари Санобар опамни олий мактабда ўқитмадилар, лекин кейинги онадан туғилган Зубайра опамнинг ТошМИДа ўқишлари учун барча шароитни яратиб бердилар.

Зубайра опам отам вафот этган йили Охунбобоев номидаги медицина билим юртини имтиёзли тугатган эдилар. Тайёр ҳамшира. Қўлидан иш келади. Пул топса, ўша қийин шароитда рўзғорнинг кемтикларини ёпишга асқатарди. Сағир қолган болаларни оёққа қўйиш масъулиятини ўз зиммаларига олган онаизорим олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имкониятига эга бўлган опамга ўқишни давом эттириш учун изн берганлар.

Болалигимнинг ҳар бир сонияси, ҳар бир куни онам билан боғлиқ. Бирор кун ҳам онамдан айро яшамаганман. Хотираларим жуда кўп. Улар орасидан бир нечтаси қалбимга умрбод нақш боғлаган.

Онам нон ёпганларида, тандир бошига бир косада қатиқ олиб келиб қўяр ва тандирдан чиққан иссиқ нонни қатиққа тўграб берар эдилар. Роса маза бўларди. «Ўзингиз ҳам еб кўринг», десам, «Қорним ноннинг иси билан тўйиб қолди», дер эдилар. Мен шу гапларга чиппа-чин ишонар эканман. Ҳозир ҳам мен учун қатиққа тўғралган иссиқ нондан кўра тотлироқ таом йўқ, десам, ишонаверинг.

Ҳар куни ухлашимдан аввал онам қадоқ қўллари билан эркалаб баданларимни силаб қўяр эдилар.

Ана шу қадок қўллар бахш этган мулойимликни бошқа ҳеч қачон ҳис қилмаганман. Қўллари нима учун қадок бўлиб кетганлигини сўраганимда:

– Сенинг баданларингга ёқсин учун ана шундай қилиб олганман, – деганларида бу гапга ҳам ростманна ишонганман.

Булар-ку болалигим воқеалари. Балоғатга етиб, эс-ҳушимни таниганимда ҳам онамнинг асли меннинг манфаатим учунгина айтилган ёлғонларига ишонган эканман...

1999 йил март ойи эди. Ўша вақтларда Республика Маънавият ва маърифат маркази раиси бўлиб ишлаётган раҳбаримиз Неъмат Аминов кутилмаганда Ҳаж ибодатига Саудия Арабистони пошшолигининг меҳмони сифатида бориб келиш таклифини билдирди. Иккиланиб қолганман. Зудлик билан ишхонадан уйга қайтиб, онамнинг розилигини олишим зарур. Улар ҳовлимиздаги бир парча ерни гул экишга тайёрлаётган эканлар. Гапни нимадан бошлашни билмай, каловланиб қолдим. Сизсиз боргим йўқ, дедим. Онам кўзларимга узоқ тикилиб турдилар, сўнг:

– Шу кунларда бир оз тобим қочиб турибди. Мен бора олмайман, болам. Йўлинг очилган бўлса, чақирганига, лаббай, деб ўзинг бориб келавер, – дея оқ фотиҳа бердилар.

Дўппимиз бир оз торлик қилиб турган пайтлар эди, соппа-соғ онамнинг бетобман деганларига ўзимни ишонтирибман ўшанда...

Эсламоқчи бўлганим, болалигимдаги мана бу воқеада «онамнинг ёлғонлари» йўқ эди. У айнан ҳақиқатнинг ўзи. Ўшанда онам мени хивчин билан роса саваганлар. Сабаби шундаки, қўшнимизнинг ёши мендан анчагина катта бўлган ўғли билан кол-

хознинг полизидан тарвуз ўғирлагани борганмиз. Полиз қоровули иккимизни уйимизгача қувлаб келган, сўнгра онамга арз қилган. Хивчин мазасини тотиб кўргач, шу куни аразладим. Кечки овқатни емай, ўрнимга кириб ётдим. Онам қадоқли қўллари билан баданларимни силар эканлар:

– Ҳечам ўғрилиқ қилма. Ўғирланган нарсани еб бўлмайди, – дедилар. – Кейин жуда майин овозда сўзларини давом эттирдилар: – Ураётганимда ўзинг ҳам қочиб кетмадинг-да, ўғлим. Қўлингни маҳкам ушламаган эдим-ку. Қочганингда орқангдан қувла-масдим...

Мени савалаган онамни ўшанда ҳар сафаргидан-да яхши кўриб кетганман. Онамнинг пиқиллаб йиғлаганларини эшитдим. Уларнинг кўнгиллари бўш эди. Кечкурунлари чўпчак айтиб берганларида ҳам йиғлардилар. Мен ҳам ўзимдан уч яшар катта Ҳамидулла акамга қўшилиб йиғлардим.

*«Очил, очил, чил қамиш,  
мен онамни кўрайин,  
дийдорига тўяйин...»*

Онам бу сатрларни ёш бола тилидан қўшиқ қилиб айтардилар. Ўғай акасига узатишни режалаштирилганини эшитган қиз қирқ қамиш ичига яшириниб, отасининг ҳам, онасининг ҳам илтижоларини рад этади. Фақат кичкина укаси келиб, зорланиб хиргойи қилганида ичкаридан қизнинг овози эшитилади:

– Очил, очил, чил қамиш, мен укамни кўрайин, дийдорига тўяйин, – дейди. Опа-ука қучоқлашиб, йиғлашиб кўришадилар. Кейин воқеалар ривожланаверади.

Биз ўзимизни эртақ қаҳрамонлари каби ҳис қилардик.

Онамнинг қадоқ қўллари тинимсиз қилинган меҳнат қолдирган муҳрдир. Уларнинг бутун умрлари далада ўтган. Кетмон чопганлар, пахта терганлар, борингки, далада нима юмуш бўлса, барини бажарганлар.

Онамдан ўрнак олиб, биз, фарзандлар ҳам меҳнат билан катта бўлдик. Ўзим ўн ёшимда икки отли арава қўшганман. Онда ғўзанинг қатор ораларини культиватор билан юмшатганман, пахта терганман. Тўртинчи синфдан бошлаб терим мавсумида мактабимиз ёпилар эди. Ёппасига ҳаммамиз пахта теримига чиқардик. Синфдошларим Ҳикмат, Абдуғаффор, Ағзам, Усмон, Ҳусниддин, Вазира, Маъмура, Мухтабар, Матлуба, Ёдгор, Нури, Меҳригул, Гулсаралардан кам пахта термаганман. Бригадир бўлиб ишлаган онам дала айланиб, этагимга бир-икки чангал пахта ташлаб кетсалар, улардан илғорлаб кетардим.

Бир куни телевизорда янги қўшиқ эшитиб қолдим. Хонанда Наргиза Азимова ижросидаги бу қўшиқ «Онам билан кетмон чопган аёллар» деб айтилар эди. Кейин билсам, қўшиқ сўзи ўзимизнинг қадрдонимиз Маҳмуд Тоирга тегишли экан. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Борга боқмай, йўқни йўқлар хаёллар,  
Онамдек бокира, офтобжамоллар,  
Кўргим келиб тўрт тарафга термулдим,  
Онам билан кетмон чопган аёллар.*

*Бир туп райҳон қошида юз тиз буккан,  
Йиги келса ялпизларга дил тўккан.*



*Қўлингиз гул, райҳон эккан, гул эккан,  
Онам билан кетмон чопган аёллар.*

*Бу дунёнинг кори сира битмаган,  
Тақдир сизга не юмушлар тутмаган,  
Дилингиздан айтинг нелар ўтмаган,  
Онам билан кетмон чопган аёллар.*

*Сочларингиз қорлардан ҳам оқ бугун,  
Кўнгил ярим, кўнгил бунча тоқ бугун,  
Ўнингиздан тўққизингиз йўқ бугун,  
Онам билан кетмон чопган аёллар.*

*Сиз Ватаннинг юзидаги ёгдуси,  
Сиз покликнинг товлангувчи туйгуси,  
Кетмон бетин қўйдирган гоҳ қайгуси,  
Онам билан кетмон чопган аёллар.*

*Шойи сотиб, алп йигитлар шод келар,  
Маҳмуд каби кўп шоирлар мот келар,  
Дил тубидан билмам қандай дод келар,  
Онам билан кетмон чопган аёллар.*

Ўшанда Рўзбуви янгам билан маслаҳатлашиб (улар ҳам бир умр колхозда ишлаганлар), далада онам билан ишлаган аёлларнинг рўйхатини туздик. Роса 35 киши экан. Уларнинг барчасини уйимизга чорлаб, дастурхон ёздик. Бу тадбирни «Онам билан кетмон чопган аёллар» деб номладик. Санъаткорларни чақириб, ўйин-кулги ташкиллаштирдик.

– Санъаткорларга жавоб бериб юбор. Ўзимизнинг хотираларимиз ҳар қандай кўшиқдан мароқли, – дейишди кўпчилик.

Кетмончи аёллар роса ёшлик йилларини эслашиб, мириқишди. Назаримда, онам ҳам ўн йилга ёшардилар.

Онамдаги ана шундай хуш кайфиятни танчада ўзлари айтиб берган усулда каклик шўрва тайёрлаб берганимда ҳам кўрганман. Гап таомда эмас, гўзал хотираларнинг жонланишида эди. Дунёда онанинг кўнглини хушнуд этишдан кўра катта бахт йўқ.

...Тошкентдек шаҳри азимнинг шундоққина биқинида яшасак-да, онам даладан ортиб, йилига бир-икки марта шаҳарга борар эканлар. Биринчи бор шаҳарга борганларида катта чорраҳанинг қоқ ўртасида туриб, автомашиналар ҳаракатини тартибга солаётган милиционернинг хатти-ҳаракатлари уларни таажжубга солган. Шопмўйлов ходим кўлидаги таёғини аввал тепага қаратган, кейин кўкраги олдида горизонтал ҳолатга қўйган, сўнгра эса ерга қаратиб туширган.

Онамни шаҳарга олиб борган Абдуҳошим акамдан бу шопмўйлов нима қилаётганини сўраганлар. Ўшанда акамнинг:

– Тепамда Худо бор, калламни олсанг ҳам шу ерда тураман, деяпти, – деган гапларига ҳам чиппа-чин ишонганлар.

Ана шу содда аёл ҳалол меҳнатлари туфайли 30 йил давомида ўз даврининг энг машҳур хўжалиги саналган Қибрай туманидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг йирик бригадасини бошқарди.

Ана шу содда аёл ҳалол меҳнатлари туфайли кетма-кет тўрт чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат бўлди.

Ана шу содда аёл ҳалол меҳнатлари туфайли «Меҳнат Қизил байроқ», «Хурмат белгиси» орденлари билан тақдирланди.

Ана шу содда аёл ҳалол меҳнатлари туфайли Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ колхозчиларининг учинчи съездининг делегати сифатида хорижда ўз тажрибаларини оммалаштирди.

...1960 йилда онам етакчилик қилаётган бригадада шу қадар мўл пахта етиштирилдики, хомашё хирмонга сиғмай қолди. Терим машиналари даладаги ҳосилни йиғиштиришга улгура олмади. Бу ҳолатни республиканинг ўша вақтдаги биринчи раҳбари Шароф Рашидов шахсан келиб, ўз кўзи билан кўрган. Хайрлашаётғиб, онамга битта енгил автомашина совға сифатида берилишини ваъда қилган. Ўша йили кеч кузда эски пулга – йигирма беш минг сўмга, янги пулга икки ярим минг сўмга «Москвич-407» автомашинасини сотиб олганмиз. Бу ўша вақтда қишлоқдаги энг ҳайратланарли воқеа бўлган...

Кейинчалик ҳам бизнинг оиламиз учун машина олиш у қадар мураккаб иш бўлган эмас. Ёлон қилинган шартлар асосида беш қути ипак қурти боқиб, белгиланган миқдордаги пиллани давлатга топшириб, бир йили Ҳамидулла акамга, кейинги йили менга машина олганмиз. Катта рўзғор бўлганимиз учун бу иш бизга у қадар қийинчилик туғдирмасди. Ишга ҳаммамиз баробар ёпишардик. Онам пиллачиликнинг ҳаддини олган, уларнинг тажриба ва кўрсатмалари мўл ҳосилни таъминлаб берарди. Бир ойда топган даромадимиз машинанинг ярим пулини қоплар эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, университетда беш йил бирга ўқиган курсдошим Аҳмаджон Мелибоев 1998 йилда ёзган ва ўша йили «Оила ва жамият» газетасида чоп этилган «Дўрмон-

нинг меҳр ҳовлиси» номли мақоласида рўзгоримизни шундай таърифлаган:

«Шералиевлар хонадонида бизни худди ўз фарзандларидай кутиб олишарди. Меҳри ая худди шаҳарда ўқиётган болалари келгандай ҳаммамиз билан битта-битта кўришиб, елкамизни силарди. Бу ерга қачон келмайлик: тундами, тонгдами – ҳеч қачон ортиқчалик қилмасдик.

Шералиевлар хонадони катта хўжалик эди. Ҳозир ҳам шундай. Тўрт ака-ука, тўрт келин, қанчадан қанча набиралар битта ҳовлида Меҳри ая раҳбарлигида яшашади.

Ҳамза театрида Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» спектакли қўйилгач, Раҳматилладан сўраганман:

– Сизларникига Саид Аҳмад ҳам кўп борган экан-да!

Гап шундаки, шу спектаклдаги воқеалар Шералиевлар хонадонидаги ҳаётнинг қуйиб қўйганидек нусхаси эди. Меҳри ая Фармонбиби каби катта оилага бошчилик қилади, кимнинг нима ташвиши бор, кимга нима зарур – ҳаммасини олдиндан билиб туради. Ўғиллар, келинларни қўяверинг, ҳатто жужуқча набираларни ҳам унутмайди. Кимга қанақа муомала қилишни, кимга маҳкамроқ туриб, кимга сал ён бериш лозимлигини аниқ чамалайди. Фақат Фармонбибига ўхшаб... маошга аралашмайди. Ҳамманг мустақилсанлар, билиб-билиб қилавер ишларингни, тинч бўлсаларинг бўлди, дейди. Шу боис ҳам бу ерда келинлар кўзғолон кўтаришмайди, аксинча, қайноналари ёнида эртаю кеч парвона бўлишади...»

Дарҳақиқат, онам ибратли ҳаёт кечирдилар. Хонадондан, рўзгор тутумидан ҳеч ким, ҳеч қачон но-

ризо бўлмади. Келинларининг ишидан кўнгиллари тўлмаганида ёки аксинча, уларнинг ишларидан мамнун бўлганларида ҳаминча бир хил дуо қилар эдилар: «Келинларинг ўзинга ўхшасин». Уларнинг дуои хайрлари ҳам, «дуоибад»лари ҳам ана шундай бўлган.

Дарвоқе, дуо ҳақида икки оғиз сўз. Университетда сабоқ берган устозим, машҳур аллома, профессор Ғайбулла ас-Салом суҳбатларининг бирида қуйидагиларни сўзлаб берган эди:

– Қадимда одамлар бир ҳолатдан жуда ажабланганлар, оилада бир киши бетоб бўлса, орқасидан иккинчиси, учинчиси ҳам оғриган. Бунинг сабабини турлича талқин қилганлар. Кейинчалик илмфан ривожланиб, заррабинлар кашф қилинган, аниқ бўлганки, одам организмидаги қулай шароит туфайли касалликни кўзгатувчи вируслар тез ривожланган ва уни бир организмдан иккинчисига юқтирган.

Менинг назаримда дуо ҳам ана шундай кўз билан, ҳаттоки, заррабинлар билан ҳам кўриб бўлмайдиган жуда майда, аммо кучли зарра. Вақти-соати келиб, олимлар уни ҳам кашф этишар. У шундай таъсир кучига эгаки, манзилига албатта етиб боради ва дуо қилган инсоннинг мақсадини эртами, кечми, ижобат қилади.

Дуо икки хил бўлади: дуои хайр ва дуои бад, яъни яхши ва ёмон дуо. Чин кўнгилдан, ихлос билан қилинган дуо тезроқ ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис дуои баднинг натижаси тезда кўринади. Инсон бекорга бировни қарғамайди. Зулм, ситам, ёмонлик жонидан ўтиб кетган, ана шундай қарорга келади ва бутун борлиғи билан дуоибад қилади. Шунинг учун унинг қудрати кучли ва албатта, эм бўлади.

Қарғишдан қўрқинглар, дер эдилар ҳамиша устоз.

Онамнинг дуолари ижобат бўлган. Набира келинлари ўз қайноналарига ўхшадилар.

Покликни, ҳалолликни, адолатни онам биз, фарзандлар қулоғига сирға каби илиб қўйдилар. Ўзлари ҳам ана шу ақидага амал қилиб, намуна бўлиб яшадилар. Ҳаётни ҳаракат, деб билдилар. Ёшлари 90 дан ошганида ҳам уй юмушлари билан андармон эдилар. Бу менга жуда эриш туюларди.

Бир куни яқин дўстим, таниқли шифокор Зафар Умаровга маслаҳат соддим:

– Онамни қабулингизга олиб келсам. Сухбатлашиб, энди уй юмушларини келинларга топширинг. Ўзингиз етти қават кўрпачага ўтириб олиб, уларни дуо қилинг, деб қулоқларига қуйиб беринг.

Доктор бир оз ўйланиб қолди-да, дабдурустдан:

– Онангиз жонингизга тегдими? Теккан бўлса, олиб келинг, – деди. – Ҳаракат бу – ҳаёт-ку! Қимирлаб, уй юмушларини қилиб юрганларига хурсанд бўлмайсизми? Иш қилмасалар, ётиб қоладилар.

Ўшанда роса изза бўлганман. Онам хондонимизнинг файзу баракаси, чиройи эканлар. Бугун онам эккан турфа гулларни қўмсайман. Энди ҳовлимиздаги гулхоналар ҳар ҳафта-ўн кунда ғирриллатиб ўриб туриладиган қўм-қўк майсазорга айланган. На жилваси, на бир ифори бор уларнинг. Ундан ким, қандай баҳра олади, тушунмайман. Замонавийлик, деб билишса керак буни, ҳойнаҳой, ўзимдан ақлли ўғилларим...

Энди, ёшим етмишга бориб, ўтган умримга назар солар эканман, онам билан боғлиқ армонларим кўз ўнгимдан ўтади.

Ўғил бўлиб, уларни Ҳажга олиб боролмадим. Бир сафар астойдил ҳаракат қилганимда, Ҳамидулла акам кексайиб қолганликлари, сафарда соғликлари ёмонлашиб қолиши мумкинлигини айтиб, рухсат бермаганлар.

Абдуҳошим акам Умринисо янгам билан муборақ сафарга боришганида, онамга ҳожилик мақомини олиб келиб бердилар. Мен Маккадан онамга бошдан-оёқ сарпо келтирдим. Бу либосларни онамга келинлари икки марта – олиб келган куним ва умрларининг сўнгги куни кийдиришган...

Яхшики, онамни 1975 йилда Россияга, Болтиқбўйи мамлакатларига олиб борган эканман. Йигирма кун давомида денгиз атрофидаги шаҳарларни роса томоша қилганмиз. Онам саёҳатни жуда хуш кўрардилар. Шу боис кексалик паллаларида жуда кўп жойларда бирга бўлганмиз.

Ҳамиша ҳам оғизларига ёқадиган таомни олдиларига кўя олмадим. Кўнглингиз қандай таом тусайди, деб сўраганимда, қорним тўқ ёки иштаҳам йўқ қабилдаги гапларини ҳам рост, деб билганман.

Ҳазрат Навоий «Бўлди ўз нодонлигимни англамак донолигим», деганларидай, ана шундай савол берганимнинг ўзи нодонлик эканини энди тушуниб турибман...

Олиб берган кийимликларимни яқинларига совға қилиб бериб юборганларида, ўзимча аччиқ қилдим, худбинлик қобиғидан чиқиб кета олмадим. Энди англаб етдимки, онага берилган пулни, буюмни, нима бўлишидан қатъи назар, сира суриштирмаслик керак экан. Мен қилган хатони сиз такрорламамг.

Ишдан уйга қайтганимда, хонада онам ўтирганини билиб-билмай болаларимдан беихтиёр: «Онанг

қани?» деб сўраганим волидамга қандай таъсир қилганини англамаганман. Айтилишида «Онанг қани?» билан «Онам қани?» каломлари орасида фарқ жуда кам, лекин маъноси, таъсири еру осмонча...

Уйга тонготар вақтида қайтар кунларим аёлимга ётишингдан аввал янги пойафзалимни остонага олиб чиқиб қўй, дея ҳамиша ҳам айтолмаганим армон. Уйга кеч келганимда онам остонадан пойабзалимни пайпаслаб ахтарар, топсалар, тинчгина ухлар эканлар...

Яна, яна, яна. Бу рўйхат жуда узун.

Гарчи, бемаънилиқ бўлса-да, энди ўзимни оқламоқ учун таскинлар излайман. Водариг, у кимга ҳам керак? Майли, ҳеч йўқса, фарзандларим билиб қўйсин. Таскинларим армонларимнинг мингдан бирига ҳам тенг бўла олмайди.





## МУАЛЛИФ ДАН

*Китоб ўқиш – фазилат. Руҳан озиқ олиш, тафаккурни бойитиш, фикр доирасини кенгайтириш, дегани. Ушбу китобни ўқиб, сарфлаган вақтингизга ачинмадингизми? Вақтингиз зое кетмаган бўлса, муаллиф учун шунинг ўзи кифоя.*

*Ушбу китоб учун танлаган қаҳрамонларимнинг умр йўллари ибрат ва намуна. Инсон табиатан шундай. У ҳар қуни катта тошойна олдида ўз қадди-қоматини ростлайди. Назаримда, бу у қадар ҳам тўғри эмас. Ҳар биримиз ўзимизнинг хулқ-атворимизни, юриш-туришимизни, қадди-қоматимизни намуна бўла оладиган инсонларга қиёслаб ислоҳ қилганимиз афзал.*

*Ўз ҳаётим давомида кимларга ихлос қўйган бўлсам, ана шуларнинг айримлари ҳақидаги билганларимни ушбу китобга жамладим.*

*Уларнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ. Ҳар бирларининг исм-шарифларини ёзганимдан сўнг «Аллоҳ раҳматига олган, жойлари жаннатда бўлсин», деган каломни ёзгандим. Лекин таҳрир жараёнида, ана шу дуони жамлаб, сўнгги сўзда ифодалашни маъқул билдим.*

*Қаҳрамонларимнинг ҳар бири мен учун азиз ва мукаррам. Ёзганларим орасида муҳтарам онаизорим ҳам бор.*

*Ушбу китобимни онам Меҳрижон Алимжон қизининг ёрқин хотирасига бағишладим.*

2021 йил, ноябрь

## МУЊДАРИЖА

Маънавият ҳақида гурунглр.....	3
Бир кун ва бутун умр.....	7
Ибрат ва маҳорат мактаби.....	13
Узилган қарз.....	25
Ўзбекнинг Турсунойи.....	29
Аҳмад оқсоқол.....	56
«Шеърларимга тўқдим дилимни».....	77
Зарифжон Муҳаммадҷонов ва унинг издошлари.....	86
Онамга ўхшаган аёл.....	96
«Сени севганлигим айбим...».....	100
Сендан бир дам айро тушмаймиз, ватан!.....	108
«Мен – отамнинг ўғлиман...».....	117
«Етмиш еттига етсам – етарди...».....	129
Ўн биринчи «Б» синфидаги қиз.....	134
Исми жисмига монанд аёл.....	139
Маҳалланинг қизи.....	144
Паҳлавон Маҳмуднинг «куёви».....	150
Меҳр манзиллари.....	156
Муаллифдан.....	173

*Бадий-публицистик нашр*

РАҲМАТИЛЛА ШЕРАЛИЕВ

## **МЕҲР МАНЗИЛЛАРИ**

Мухаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир  
Зилола ТЎЛАГАНОВА

Дизайнер ва саҳифаловчи  
Нигора УМАРҚУЛОВА

Мусаҳҳих  
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА

Техник муҳаррир  
Мурод АШИМОВ

**Лицензия рақами: № 011232. 2021 йил  
8 сентябрда берилган.  
Босишга 09.02.2022 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Босма табағи 5,5. Шартли босма табағи 9,24.  
Гарнитура «Palatino Linotype». Офсет қоғози.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 6  
Баҳоси келишилган нарҳда.**

**«Nurafshon-kitob-ta'minot» МЧЖда тайёрланди.  
Мурожаат учун тел.: (93) 386-03-22**

**"PERFEKT PRINT SERVICE" МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент ш.,  
Истирохат кўчаси, 12 уй.**







**“NURAFSHON-KITOB-  
TA'MINOT”**

ISBN 978-9943-7586-6-7



9 789943 758667